



М. Мирзахидова, Ҳ. Абулқосимова, М. Халмуратова

# ЎЗБЕК ТИЛИ

Умумтаълим ўрта мактабларининг  
6-синфи учун дарслик

*Қирғизистон Республикаси Таълим ва фан  
вазирлиги тасдиқлаган*

Бишкек – 2018

УДК 373.167.1  
ББК 81.2 Уз я 721  
М 63

**Мирзахидова М. в. б.**

М 63 **Ўзбек тили:** Умумтаълим ўрта мактабларининг 6-синфи учун дарслик/  
М. Мирзахидова, Ҳ. Абулқосимова, М. Халмуратова, – Б.: Аркус, 2018. – 224 б.,  
расм.

ISBN 978-9967-31-762-8

Қўлингиздаги ушбу дарслик Қирғизистондаги ўзбек мактаблари учун «Дарсликлар  
яратиш маркази» томонидан тайёрланди. Дарслик ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни  
«Марказ» маъмуриятига ёзма равишда билдиришингизни илтимос қиламиз.

Бизнинг манзил: Ўш шаҳри, Г. Айтиев кўчаси, 25-уй

## ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР



– жавоб беринг



– билиб олинг



– жуфтликдаги иш



– гуруҳдаги иш



– иқтидорли ўқувчилар учун  
мўлжалланган машқлар



– уйга топширик

М 4306020300–18

УДК 373.167.1  
ББК 81.2 Уз я 721

ISBN 978-9967-31-762-8

© М. Мирзахидова, Ҳ. Абулқосимова, М. Халмуратова, 2018  
© «Аркус нашриёти», 2018  
© ҚР Таълим ва фан вазирлиги, 2018  
© Дарсликлар яратиш маркази, 2018

## АЗИЗ ЎҚУВЧИ!

Сизлар V синфда сўзларнинг тўғри ёзилиши, имло қоидалари, тиниш белгиларининг ишлатилиш ўринлари, фонетика, лексикология, морфология бўлимлари ҳақида маълумотларга эга бўлдингиз. Шунингдек, матн, матн турлари; нутқ маданияти; нутқ товушларини талаффуз этиш меъёрлари каби янги маълумотларни олдингиз.

VI синфда ҳам сиз ўзбек тили фанининг бўлимларини чуқур ўрганишни давом этасиз.

Мустақил сўз туркумларидан от, сифат, феъл, сон, олмошларнинг англатган маънолари, грамматик белгиларини билиб оласиз. Бу туркумлардан оғзаки ва ёзма нутқингизда тўғри фойдаланиш малакаларини ҳосил қиласиз. Сўз туркумлари, сўз тузилиши ва имлоси билан яқиндан танишишни давом эттирасиз. Нутқингизни тўғри ва раво тузиш малакаларини шакллантириб борасиз. Бунинг учун эса янада кўпроқ меҳнат қилиб, чидам ва матонат билан она тилимизнинг сир-асрорларини ўрганишингиз лозим. Чунки она тили бошқа фанлар калитидир. Она тилини яхши ўзлаштирмай туриб бошқа фанларни чуқур, кенг ўргана олмаймиз.

Она тилимизнинг барча сирли жумбоқларини, сирли тилсимларини ўрганишда мен сизга йўлдош бўламан. Қизиқарли машғулотлар, машқлар, ўзбек тилшунослигининг янгидан янги тадқиқотлари билан таништиришга ҳаракат қиламан. Фақат Сиздан биргина илтимос – мени эҳтиёт қилинг, Сиздан кейин ҳам ўқувчиларга хизмат қилишимга ёрдам беринг!

Қани, энди олға, янги билим олишга! Сизга муваффақиятлар тилайман!

## 1 СЕНТЯБРЬ – БИЛИМЛАР КУНИ



### САЛОМ, 1 СЕНТЯБРЬ, САЛОМ, МАКТАБИМ!

**Топшириқ.** Шеърни ўқинг. Ундаги асосий фикрни аниқланг. Биринчи сентябрь ҳақидаги таассуротларингизни эссе қилиб ёзинг.

### АССАЛОМ, МАКТАБЖОНИМ!

Ассалом, билим коним,  
Ассалом, мактабжоним,  
Соғиниб келдим сени,  
Танияпсанми мени?  
Бултурги ўқувчингман,  
Сени энг севувчингман  
    Ассалом, билим коним,  
    Ассалом мактабжоним!

Енглари шимарамиз,  
Фан чўққиси – маррамиз.  
Унга дадил чиқамиз.  
Хунарда чиниқамиз.  
Бизларга бағрин очган,  
Кундан-кун қадри ошган,  
    Ассалом, билим коним,  
    Ассалом, мактабжоним!

(Пўлат Мўмин)

### Топшириқлар.

1. Расмни диққат билан кузатинг.
2. Мустақиллик байрамини қандай ўтказдингиз?
3. Мустақиллик байрамидан олган таассуротларингиз ҳақида ва расмга асосланиб «Мен севган байрам» мавзуда баён ёзинг.



## АДАБИЙ ТИЛ ВА ХАЛҚ ШЕВАЛАРИ

Дунёда ҳар не элат, халқ, миллат ёки этник гуруҳ борки, уларнинг ҳар бири ҳам алоқа-аралашув воситасига эга. Бу восита уларнинг она тилидир. Ҳар бир киши ўз она тилиси воситасида иш, касб-хунар ўрганади. Аجدодларидан мерос бўлиб қолган ҳамда янгидан пайдо бўлган билим ва маданиятдан баҳраманд бўлади.

Тил кишилар ўртасида фақат фикр ифодаловчи воситагина эмас, балки ўтмиш маданий меросини келажак авлодга етказувчи, тингловчида эстетик завқ уйғотувчи восита ҳамдир. Чунки аجدодларимиз тўплаган бой маданий ва маънавий меросни тил орқали биламиз. Чиройли ва таъсирчан нутқимиз орқали тингловчиларда завқ-шавқ уйғотамиз.

Ҳар бир тил маҳаллий шева ва адабий тил шаклларида иборат бўлади. Маълум меъёрларга солинган, муайян қонун-қоидаларга бўйсунган, барча тил эгалари учун тушунарли ва бир хил хизмат қилувчи умумхалқ тили адабий тил саналади. Маҳаллий хусусиятларни ўзида намоён этувчи шакли эса шу тилнинг шевалари саналади. Адабий тил ҳамма шеваларнинг энг муҳим фонетик, грамматик, лексик ва фразеологик томонларини ўз ичига олади. Ҳозирги ўзбек адабий тили ҳам барча шевалар учун умумийдир.

**1-топшириқ.** Ҳар бир абзацга сарлавҳа қўйинг. Тузилган режа асосида хикоя қилинг.

**2-топшириқ.** Матнда қандай атамалар берилган, ажратиб ёзинг.

**3-топшириқ.** Тил ҳақида қандай мақолларни биласиз, айтиб беринг.

**1-машқ. 1-топшириқ.** Илмий матнларни ўқинг ва тушунчаларингизни сўзлаб беринг.

### I

Ўзбек тили ўзбек халқининг миллий тили, унинг улкан ва бебаҳо бойлигидир. Ўзбек тилининг кўп асрлик тарихи бор.

Ўзбек тили XI асрдан бошлаб мустақил тил сифатида шакллана бошлади ва XIII асрда эски ўзбек адабий тили шаклланиб бўлди.

Эски ўзбек адабий тилининг ривожини буюк Алишер Навоийнинг номи билан боғлиқ.

## II

Сиз халқ тили ва адабий тил атамаларини биласиз. Халқ тили таркибида адабий тил ҳам бўлади. Халқнинг асосий тил бойлиги адабий тил ҳисобланади. Адабий тил халқ тилининг фонетик, талаффуз, луғавий ва грамматик жиҳатлардан меъёрлаштирилган энг юқори шаклидир.

Адабий тил меъёрлари ва қоидалари шу халқ тилида сўзлашувчилар учун умумий бўлади. Бу эса турли шева вакилларининг бир-бирларини тушунишларини осонлаштиради ва таъминлайди.

Мактабдаги ўзбек тили дарсларида, асосан, ҳозирги замон ўзбек адабий тилининг меъёрлари ва қоидалари ўргатилади. Ҳар бир ўқувчи ўзбек адабий тили меъёрларини пухта ўзлаштириб олишлари керак.

**2-топширик.** «Ўзбек тили ўзбек халқининг миллий тили, унинг улкан ва бебаҳо бойлигидир» жумласини сиз қандай тушундингиз.

**3-топширик.** Халқ тили қандай тил, адабий тил-чи?

**2-машқ.** Топшириқларни бажаринг.

**I. Матнни диққат билан ўқинг, асосий фикрни белгиланг.**

**II. Берилган сарлавҳалардан унга мосини танланг.**

**1. Тил шарофати.**

**2. Ўзбек адабий тили.**

**3. Инсон ва тафаккур.**

**III. Ғов сўзини қандай тушунаси?**

Тил илм олишда замон ва макон ғовини ўртадан кўтаради. Тил туфайли энг қадимги маълумотларга эга бўламиз, ҳатто келгусига оид маълумотларни ҳам оламиз. Коинотнинг ҳамма еридаги маълумотни сўз билан ифодалаб, билмаганга билдириш мумкин.

Ҳар бир ўқувчи мактабда қанчадан қанча билим олади. Шу билимларни олишга тил туфайли муяссар бўлади. Акс ҳолда ҳар бир ўргатилаётган нарсани, ҳеч бўлмаганда суратини ўқувчига кўрсатиш керак бўлар эди. Бу жуда кўп вақтни ва жойни талаб қилар эди. Тил туфайли биз сезги аъзолари билан билиб бўлмайдиган нарсаларни ҳам ўрганамиз... Мавжудотнинг кўринмас ички жиҳатларини ҳам сўз шаклида ўзлаштирамиз ва тил воситаси билан ўзгаларга тушунтирамиз... Тил туфайли биз ҳақ ва ноҳақни, яхши билан ёмонни бир-биридан фарқлашни ўрганамиз.

Шундай қилиб, тил жуда катта маърифий аҳамиятга эга экан.

*(Алибек Рустамов)*

**3-машқ. Матни ўқинг. Шевага хос сўзларни ажратинг, маъноларини библиб олинг. Сиз шу сўзларнинг ўрнида қандай сўзларни ишлатасиз?**

Доктор хотин дадам икковимизни аямнинг чап томонидаги кичкина сим каравот олдига бошлаб борди ва **оқ рўйжачнинг** бир чеккасини кўтарди. Унинг остида бувак – укачам кўзларини чирт юмиб, қовоғини солиб ётарди.

(А.Қ.)

## **АДАБИЙ НУТҚ ВА УНИНГ УСЛУБЛАРИ**

Тил кишилиқ жамиятида фикр алмашиш, алоқа-аралашувнинг энг асосий воситасидир. У ёзма ва оғзаки нутқ жараёнида ўз ижтимоий вазифасини бажаради. Нутқнинг адабий ва шеваларга хос кўринишлари бор.

Адабий нутқ сўз санъаткорлари – ёзувчилар, шоирлар, олимлар томонидан ишланган, қатъий меъёрларга эга бўлган нутқ кўринишидир. Адабий нутқда ҳар бир сўз ва қўшимчанинг талаффузи, имлоси, қўлланилиши, маънолари аниқ меъёрлар билан чегараланган. Бу меъёрларни бузиш мумкин эмас.

Барча расмий ҳужжатлар, ўқитиш ишлари, матбуот хабарлари адабий нутқда амалга оширилади. Адабий нутқ меъёрларини бузиш нафақат саводсизлик ва маданиятсизлик, балки она тилига нисбатан ҳурматсизлик белгисидир. Мана шу сабабдан, Қирғизистондаги таълим ўзбек тилида юритиладиган умумтаълим мактабларида «Ўзбек тили» ўқув фанларидан бири саналади. Зеро бу фан адабий нутқ меъёрларини ўргатади, сизда ундан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиради.

Адабий нутқнинг муайян соҳадаги мулоқот учун мослаштирилган, бир қатор ўзига хос хусусиятлари билан фарқланиб турадиган кўринишлари – услублари мавжуд.

Булар қуйидагилар:

1) сўзлашув услуби; 2) публицистик услуб; 3) бадиий услуб; 4) илмий услуб; 5) расмий-идоравий услуб.

**Сўзлашув услуби** кишиларнинг оилада, кўча-кўйда фикр алмашинуви жараёнида қўлланиладиган нутқ услубидир. Сўзлашув услуби кўпинча диалог шаклида бўлади.

**Публицистик услуб** ахборот беришга, даврнинг ижтимоий-сиёсий масалаларини ақс эттиришга хосланган оммавий ахборот воситалари (радио-телевидение, газета-журналлар) услубидир.

**Бадиий услуб** бадиий адабиёт, яъни бадиий асарларга хос бўлиб, унда бадиийлик, ифодавийлик ёзилган.

**Илмий услубга** мантиқлик, аниқлик, илмий атамаларнинг кенг қўлланилиши хос бўлиб, барча илмий асарлар, жумладан, мактаб дарсликлариди ҳам шу услубда ёзилган.

**Луғат.** Рўйжач – чойшабнинг бир учи.

**Расмий-идоравий услуб** ўзига хос нутқ услубидир. Барча қонунлар, ҳукумат қарорлари, турли ҳужжатлар, иш қоғозлари, идоралараро ёзишмалар ва шу кабилар расмий-идоравий услубда ёзилади. Расмий-идоравий услубда гаплар ихчам ва аниқ бўлади.

**4-машқ. Ўқинг. Матндан сўзлашув услубига хос сўз ва ибораларни топиб, уларни тушунтириб беринг.**

Қобил бобо рўпара бўлганда, амин оғзини очмасдан қаттиқ кекирди, кейин бағбақасини осилтириб кулди.

– Ҳа, сигир йўқолдимми?

– Ҳўкизми?... Ҳўкиз экан-да! Ҳмм... Ола ҳўкиз? Тавба...

– Бор-йўғим, шу битта ҳўкиз эди...

Амин кулди.

– Йўқолмасдан олдин бормиди? Қанақа ҳўкиз эди?

– Ола ҳўкиз...

– Яхши ҳўкизмиди? Ё ёмон ҳўкизмиди?


– Қўш маҳали...

– Яхши ҳўкиз биров етакласа кетаверадимми?

– Бисотимда ҳеч нарса йўқ...


– Ўзи қайтиб келмасмикан?... Биров олиб кетса, қайтиб келабер, деб қўйилмаган экан-да! Нега йиғланади-а? Йиғланмасин.

(А.Қ.)

 **5-машқ. Берилган матннинг қандай услубга хос эканини аниқланг. Нима учун сиз шундай фикрдасиз, изоҳланг.**

Қалбимдаги ғашлигимсимон  
Аста босиб келади оқшом.  
Қуёшини йўқотиб осмон,  
Қора либос кийибди боқсам.  
Юлдузлардан чодир ёпиниб,  
Чимдим туннинг ҳолин сўргали.  
Кўнглим каби ой ҳам яримта,  
Жой излайди ўзин қўйғали...

(Т. Содиқова)


 **6-машқ. Қуйида берилган сўз ва атамаларни қандай фанга оидлигини аниқланг. Уларни гуруҳга ажратиб ёзинг. Атамалар қандай услубга хос эканлигини айтинг.**

Фонетика, келишиқ, хужайра, ҳаво қобиғи, морфология, горизонт, атмосфера, пунктуация, сифат, ўсимликлар, ҳайвонлар, сўз туркумлари, нутқ, тажриба, атроф-муҳит, грамматика, пробирка, заррачалар, услублар.



## Савол ва топшириқлар

1. Адабий тил деганда нимани тушунаси?
2. Маҳаллий шева ва адабий тил шаклларига мисол келтиринг.
3. Қандай нутқ адабий нутқ ҳисобланади?
4. Нутқ услубларини санаб беринг.

 5. Жуфтликда шеригингиз билан «Тасодифий учрашув» мавзусида диалог тузинг. Диалогнинг услубини аниқланг.

## 5-СИНФДА ЎТИЛГАНЛАРНИ ТАКРОРЛАШ

### 1-§. МАТН ВА МАТНДАГИ АСОСИЙ ФИКР

7-машқ. Матнни диққат билан ўқинг, асосий фикрни аниқланг.

#### Ноннинг ранги қанақа?

Бир ғаллакорнинг ўғли мустақил яшашни хоҳлаб қолди, яъни айтишади-ку, ўз нонини ўзи топмоқчи бўлди.

– Сизнинг изингиздан бормайман,– деди у отасига. Ҳаёт менга бошқа йўлни ҳозирлаб турибди.

– Ўзинг биласан, ўғлим. Сени мажбур қилолмайман,– деди отаси хафа бўлиб. Нима ҳам дерди, ёлғиз фарзанди отасининг қўлидан ишни олишни хоҳламаса?

Ўғил рассом бўлишга бел боғлади.

«Чизгиси келса, чизаверсин. Балки меҳнат қилаётган одамларнинг расмини чизиб, кўриб-ўрганиб, ўзининг ақли кириб қолар...» деб ўйлади ота. Лекин ўғли баъзан шундай нарсаларни чизар эдики, нималигини ўзи ҳам тушунмасди.

Мана, бир куни ўғилга уй вазифаси сифатида ноннинг расмини чизиш топширилди (бу пайтга келиб у рассомлик мактабида ўқиётган эди). Боласи тушмагур кўп уринди, чизди, ўчирди, бўяди, бошқатдан бўёқ суриб кўрди, гоҳ у бўёқни танлади, гоҳ бу бўёқни, расмининг бир у ёнидан қараб кўрди, бир бу ёнидан-йўқ, ноннинг расми ўзига ўхшамас эди. Эпполмаганидан кейин, расмининг тагига: «Куйиб кетган нон», деб имзо чекиб қўяқолди.

Ўғлининг қийналишларига зимдан разм солиб турган ота чидай олмай:

– Агар қандай қийинчиликлар билан етиштирилишини билганингда эди, нонни бунақа хўрламасдинг,– деди.

*(Виктор Кава)*

#### Топшириқларни бажаринг.

1. Матннинг турини аниқланг (гасвир, ривоя, муҳокама).
2. Отанинг хафа бўлиш сабабларини аниқланг. Сизнингча, у нимадан хафа?
3. Матнга яна қандай сарлавҳа қўйиш мумкин?
4. Сизнингча, матн қандай яқунланади?
5. Нон ҳақида қандай мақоллар биласиз?

## 8-машқ. Матиларни диққат билан ўқинг, асосий фикрни изоҳланг.

Кимки ғанимат деб ватандан кўчар,  
Бошқага ҳам кўнгил кўёлмай ўтар.  
Учкун тошдан ажраб чиққанидан сўнг,  
Қанча ардоқлама, барибир ўчар.

*(Абдуқодир Бедил)*

Аҳил бўлса олов ичра ҳам инсон,  
Аҳил кишиларга олов ҳам осон.  
Ноаҳил кишилар суҳбатидан қоч,  
Ноаҳил суҳбати ёмондин ёмон.

*(Умар Хайём)*

Яхши дўст айбингни мисоли кўзгу  
Рўбарў ўзинга очик айтади.  
Ёмони – тароқдек минг тили билан,  
Сочдан сочга иғво қилиб қайтади.

*(Саъдий Шерозий)*

9-машқ. «Мусобақада», «Менинг биринчи китобим», «Ўзим ҳақимда» мавзularининг бирида кичик матн тузинг. Матн турини аниқланг.

## 10-машқ. Матнни ўқинг, унинг турини аниқланг.

Ёзнинг иссиқ кунлари эди. Ҳамма ёқ кўёшнинг олов селига чўмган. Чумчуқлар ҳам дарахтларда жимгина мудрарди. Бир жуфт сада кўланкасидаги қизил чойхонада одам кўринмайди. Қайрағоч тагидаги баққол иссиқда мудраган, хира пашшалар қовун пўчоқлари устида ғинғиллашади. Самоварчи чойхўрлар камлигидан шикоятланиб белбоғи билан ўзини тўхтовсиз елпийди.

Яна жимлик. Пахса деворлардан, кўча тупроқларидан енгил аланга кўтарилади. Дарахт япроқлари жонсиз бўлиб сўлгандек осилиб туради. Шаҳар томондан арава кўринади. Аравакаш қалпоғини бурнигача тушириб, ялқовлик билан отга қамчи босиб мудраб келмоқда.

*(С. А)*

## 2-§. ГАПНИНГ БОШ БЎЛАКЛАРИ ВА ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ БЎЛАКЛАР

### ? 11-машқ. Савол ва топшириқларни бажаринг.

1. Гап бўлақлари вазифаларига кўра неча турга бўлинади?
2. Бош бўлақлар гапда қандай саволларга жавоб беради? Фикрларингизни мисоллар ёрдамида изоҳланг.
3. Гаплардаги бош бўлақларни топинг, маъноларини изоҳланг.  
Ортиқ девор тагидаги кўзиларни кўриб қолди. *(П. Қ)*

Тепада бир парча оқ булут сузиб юрибди. (П. Қ)  
Ақллилар айтур ақл подшодир,  
Ақл барчага бир фармонраводир. (Абу Шукур Балхий)

4. Гапнинг иккинчи даражали бўлакларини схемалаштиринг. Фикрларингизни мисоллар ёрдамида тушунтиринг.

5. Қуйидаги гап бўлаклари тартибига мос равишда гаплар тузинг.

Эга кесим.

Ҳол эга кесим.

Ҳол эга аниқловчи ҳол тўлдирувчи феъл.

**12-машқ. Гап бўлаклари жавоб берадиган саволларни берилган жадвалга жойлаштиринг.**

Ким? Нима? Нима қилди? Кимни? Қачон? Қаерда? Нима қилмоқчи? Нимани? Қандай? Қанақа? Ким ҳақида? Нима орқали? Нечанчи? Нечта?

Жадвалга яна қандай саволларни қўшиш мумкин? Давом эттиринг.

Эга	Кесим	Аниқловчи	Тўлдирувчи	Ҳол

**13-машқ. Матни ўқинг, берилган топшириқларни бажаринг.**

### Убунту

Африкага борган антрополог олим маҳаллий қабила болаларига бир ўйин ўйнашни таклиф қилди. Ўйин шартига кўра, ким биринчи бўлиб дарахт остига қўйилган меваларни олса, соврин уники бўлиши керак эди.

Олим уларга:

–Қани бошладик! Ким биринчи бўларкин!

Шу пайт болалар бир-бирининг қўлидан тутганча дарахтнинг остига бир-галикда югуриб боришди ва саватдаги меваларни бирга ея бошладилар.

Антрополог, «Нега бундай қилдингиз?» деб сўраганда улар қуйидагича жавоб қилишди:

– Биз убунту қилдик. Беллашганимизда биттамиз ғолиб бўлардик. Бошқаларни ранжитиш эвазига қандай қилиб бир киши меваларни ея олиши мумкин? Биз убунту қилиб, ҳаммамиз мевалардан баҳраманд бўлдик.

– Убунтунинг маъноси нима?

– Убунту – бу «Мен, биз бўлганимизда «Менман» деганидир!»

(Газетадан)

### Топшириқлар:

1. Убунту сўзини қандай тушундингиз, унга таъриф беринг.

2. Убунту сўзига берилган сўзларнинг қай бири маъносига кўра яқин?

*Бирга, баҳам, тенг, мураса, биз, биргалик, баробар, ҳамма.*

3. Матн сизда қандай таассурот уйғотди, қандай хулоса олдингиз?
4. Матндан 5 та гапнинг фақат бош бўлақларинигина аниқлаб кўчиринг.
5. «Мен ва Биз» мавзусида кичик эссе ёзинг.



**14-машқ. Жуфтликда шеригингиз билан ишланг. Аввал бирингиз фақат бош бўлақлардан иборат бўлган содда йиғиқ гап тузинг, иккинчигиз эса уни иккинчи даражали бўлақлар қўшиб, содда ёйиқ гапга айлантинг. Кейин ролларингизни алмаштинг.**

*Намуна:*

1. Тонг отди. 2. Дилга кувонч берган оппоқ тонг отди.
1. Овоз эшитилди. 2. Узоқдан кушларнинг ёқимли овозлари эшитилди.

**15-машқ. Кўчиринг. Бош бўлақларни аниқланг, тагига чизинг.**

Бу гапни эшитиб, Бахтиёр ҳам ўйланиб қолди. Эҳтимол, укаси рост айтаётгандир... Ака-укалар тўқайда бўри, тўнғиз, тулкилар кўп бўлишини эшитишган эди... Бахтиёр олти хонали катта чарм папкасини қўл фонарига, дарсликларини батареяга алмаштирди.

*(Х.Т.)*



**16-машқ. Берилган содда йиғиқ гапларни ёйиқ содда гапларга айлантинг.**

1. Куз келди. 2. Кунлар қисқарди. 3. Совуқ тушди. 4. Иш кетяпти.
5. Ҳашарчилар ёрдам бермоқда.



**17-машқ. Берилган сўзларнинг синонимик қаторини тузинг.**

*Намуна: азоб, азият, жабр, зулм, изтироб.*

Овоз, ... , ... , ... . Одобли, ... , ... , ... . Сезгир, ... , ... , ... . Чўнтак, ... , ... , ... . Ўртоқ, ... , ... , ... .

**18-машқ. Қуйидаги сўзларнинг антонимик жуфтини топинг.**

Баланд- ... , банд- ... , гуноҳ- ... , диалог- ... , рост- ... , мағлуб- ..., хунук- ... , ҳалол- ... .



**19-машқ. Қуйидаги омонимларнинг маъноларини изоҳланг.**

1. Тириш; *теридаги тириш, жон-жаҳднинг билан тириш.*
2. Ун; *бугдой уни, итнинг уни, уруғ униб чиқди.*
3. Қор; *қор парчалари, хамир қор.*
4. Ҳузур; *жоннинг ҳузур, ҳузурда бўлмоқ.*

**20-машқ. Матнни ўқинг. Топшириқларни бажаринг.**

Гулбадан бегим Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳнинг қизидир. У 1523 йили Қобулда туғилган. Унинг онаси Дилдор бегим Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг амакиси Султон Маҳмуд Мирзонинг қизи эди. Гулбадан бегим отаси Бобур подшоҳнинг фармонида кўра катта онаси – Моҳим бегим қўлида

тарбияланди. 1525 йили Гулбадан бегимни Моҳим бегим ўз тарбиясига олади. Гулбадан бегим ҳар иккала онасини ҳам самимий эъзозлаган. У ўз асарида онасини «Дилдор бегим» деб, Моҳим бегимни эса «Онам ҳазратлари» деб тилга олади.

(Т. Файзиев)

### Топшириқлар.

1. Матндаги атоқли отларни ажратинг.  
 2. Гапларнинг эга ва кесимини топинг. Гапларнинг тузилишига кўра турини аниқланг.

3. Содда гап деб нимага айтилади, фикрларингизни изоҳланг.

**21-машқ. Бошқотирмани ечсангиз, ўзбек халқ мақолларидан бирини топасиз. Гапнинг тузилишига кўра турини аниқланг.**


1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----	----	----	----	----	----	----

- 1, 2, 3- билди феълининг буйруқ шакли.
- 4, 5- имкон сўзининг биринчи бўғини.
- 6,7,8,9,- саодат сўзининг синоними.
- 10,11,12- сўзловчи томон юришни билдирувчи буйруқ феъли.
- 13,14,15- ўтир сўзининг иккинчи бўғини.
- 16- алифбодаги биринчи ҳарф.
- 17,18- ўтган замон қўшимчаси.



**22-машқ. Жуфтликда шерингиз билан кластерни давом эттиринг.**

Содда гапнинг грамматик категорияларини биргаликда эсланг.



### 3-§. ГАПНИНГ МАҚСАДГА КЎРА ТУРЛАРИ

**Топширик.** Гапларни диққат билан ўқинг. Улардаги мазмунни тушунишга ҳаракат қилинг. Тиниш белгиларига қараб, шу оҳангни беришга ҳаракат қилинг.

1. Эллик тўрт йилдан буён шу сайёрада яшайман.
2. Нима экан у, пашшами? Арими?
3. Ер – оддий сайёралардан эмас! (*Экзюпери*)



**23-машқ.** Саволларга оғзаки жавоб беринг.

1. Гапнинг мақсадга кўра қандай турлари мавжуд?
2. Дарак гап деб нимага айтилади? Мисоллар ёрдамида тушунтиринг.
3. Сўроқ гап ҳақида нималар биласиз, улар қандай ҳосил бўлади?
4. Ундов гап билан буйруқ гапларнинг фарқини мисоллар ёрдамида изоҳланг.
5. Гапнинг мақсадга кўра турларини ўрганишда тиниш белгиларининг аҳамияти нимада?

**24-машқ.** Гапларни кўчириб ёзинг. Уларнинг мақсадга кўра турларини аниқланг.

1. Ясовуллар тўрт тарафга от қўйиб, маликани ахтариб кетибдилар. 2. Ҳа, бибижон, нимага йиғлаб ўтирибсиз? 3. Энди қизингизни уларнинг қўлидан урушиб, қон тўкиб оласиз, бошқа чораси йўқ! 4. Бир куни думдароз този ов қилгани қамишзорга кириб кетибди. 5. Ғам еманг, бегим, биз ҳам лашкар топамиз! 6. Эй, ким у қасир-қусур қилаётган? 7. Отлиқ йигит шеригининг пиёда юрганига раҳм қилиб, унга отини берибди.

(*Ўзбек халқ эртаги*)

**25-машқ.** Инсон ва қумурсқа ўртасидаги суҳбатни ўқинг. Гапларнинг мақсадга кўра турларини аниқланг.

- Қумурсқа ака, сен жуда зўрмисан? – дебди инсон.
- Мен зўр, мен зўр,– дебди қумурсқа. – Отангнинг олти юз ботмон буғдойини олти тоғдан ошириб еганман, поччангнинг юз ботмон буғдойини етти тоғдан ошириб еганман. Мен зўр, мен зўр, мен зўр!
- Қорнинг нима учун катта? – деб сўрабди у киши.
- Жигарим зўр,– дебди қумурсқа.
- Белинг нима учун ингичка? – деб сўраганда, – меҳнатим зўр! – деб жавоб берибди қумурсқа.
- Калланг нима учун катта? – дебди у киши.
- Давлатим зўр! Меҳнатим зўр, давлатим зўр, мен зўр, мен зўр! – дебди қумурсқа.

(*Ўзбек халқ эртаги*)

## 26-машқ. Матни диққат билан ўқинг.

Бу ерда якка-ёлғиз саргардон бўлиб қолганлигимни ўйлаб йиғладим, лекин кўз ёши билан ҳеч қачон бахтсизликдан қутулиб бўлмаслигини ўйлаб, йўлимда давом этишга ва ҳар нима қилиб бўлса ҳам мажақланган кемага етиб олишга қарор бердим. Ечиниб, сувга тушиб сузиб кетдим.

Қийинчиликнинг энг оғири энди келди. Ҳарчанд ҳаракат қилмай, кемага чиқа олмадим. У саёз жойда туриб қолганидан жуда баланд эди, осилиб чиқмоқ учун қўлга илинадиган ҳеч нарса йўқ. Анча вақт кема атрофида сузиб, айланиб юрдим ва бирдан кема арқонига кўзим тушиб қолди. Арқон кеманинг тешигидан чиқиб осилиб турар эди, арқоннинг учи сувдан анча баланд бўлганидан уни зўрға ушлаб олдим. Мен арқонга осилиб, кема насосхонаси ёнидаги матрослар уйига чиқиб олдим.

(Д. Д.)

### Топшириқ:

1. Фикр нима ҳақида эканлигини тушунишга ҳаракат қилинг.
2. Матнга қандай сарлавҳа қўйиш мумкин?
3. Матндаги воқеа сиз билган қайси воқеага таниш бўлди?
4. Ўйлаб кўринг. Воқеани муаллиф баён қиляптими ёки қаҳрамон?
5. Матнда гапнинг мақсадга кўра турларидан қайси бири кўп берилган?

**27-машқ. Берилган гапларни дарак гапларга, сўроқ гапларга, хис-ҳаяжон гапларга, буйруқ гапларга айлантинг ва зарур оҳангда ўқинг.**

1. Ҳар икки элат ўртасида сулҳ тузилиб, дўстлик ўрнатилибди.(Қ. М.)
2. Бўталокни яна бир кўрсайди-я. (Ў. Ҳ.)
3. Бизнинг қишлоқда ҳам канал қурилди. (Х. Т.)
4. Ой эса уни кузатиб, осмонда сузар эди.

**28-машқ. Шеърни ўқинг. Гапнинг мақсадга кўра турларини аниқланг. Безори сўзини изоҳлашга ҳаракат қилинг. Қарғани ҳаётда қандай одамларга ўхшатдингиз?**

Безори	
Қарға кирди	-Менга кара,
Кинога	Вей, лайлак,
Ўхшаб	Еганмисан
Буратинога.	Ҳеч калтак?
Ҳамма жойлар	Қани,
Эди банд,	Тур-чи ўрнингдан,
Бориб деди	Ҳе ўргилдим
Нописанд:	Бурнингдан!

*Анвар Обиджон*

**29-машқ. Матни ўқинг, гапнинг мақсадга кўра турларини аниқлаб биттадан намуна ёзинг.**

### Доно жавоб

Истанбулга келган бир қишлоқ йигити заргарлик дўкони олдида тўхтаб, пештахтадаги тақинчоқларни кузатаётганди. Дўкон эгаси эшик остонасига бориб, йигитга бошдан оёқ разм солди-да, менсимагандек гап бошлади:

– Нима изляяпсан, ҳамшаҳар?

– Ҳеч нарса, шунчаки дўконингизда нималар сотилаётгани билан қизиқдим. Дўкондор пичинг қилди:

– Биз эшак калласи сотамиз.

– Худо баракасини берсин, ишларингиз яхши кетаётганга ўхшайди.


Дўкон эгаси:

– Қаердан билдинг?

– Қараб турсам, кап-катта дўконда сизникидан бошқа калла қолмабди, шундан билдим! – деди йигит ва дўкондан нари кетди.

Ҳар қанча давлатманд бўлманг, ҳурмат қилсангиз ҳурмат кўришингизни унутманг.

(Газ.)

 **30-машқ. Жуфтликда ишланг. Бирингиз дарак гап тузинг, иккинчингиз уни сўроқ олмошлари ёки юкламалари ёрдамида сўроқ гапга айлантиринг. Кейин ролларингизни алмаштиринг. Ўзингизга маъқул бўлган 4 та намунани ёзинг.**

*Намуна:*

1. Кутубхонадан китоб олдим. 2. Нима учун кутубхонадан китоб олдинг?

1. Отам ишдан кеч қайтдилар 2. Отам ишдан кеч қайтдиларми?

**31-машқ. Буйруқ, илтимос, маслаҳат маъноларини билдирган мақол ёки ибратли ҳикматларни ёзинг. Ёзган гапларингизнинг мақсадга кўра турларини аниқланг.**

*Намуна:*

Етти ўлчаб бир кес. (М.)

Ҳунар ўрганинг, қашшоқлик кўрмайсиз. (Эрт.)

Оз сўзла, кўп маъно бер. (М.)

Хоиндан доимо ўзинг олис тут,

Дил бир дам истамас, номини унут! (Носир Хисрав)

Кўр бўлмасанг, кўрмаганга қулоқ солма,

Исбот истаб, тақлидчига ўхшаб қолма. (Носир Хисрав)



## 4-§. СЎЗ БИРИКМАСИ ВА ГАП

### ? Эсланг!

1. Сўз бирикмаси деб нимага айтамыз?
2. Гап деб нимага айтамыз?
3. Сўз бирикмасини гапдан фарқлай оласизми?

### 32-машқ. Матнни ўқинг. Топшириқларни бажаринг.

#### Дамирнинг қулоғи йўқми?

Дамирнинг қулоғи йўқ, дейишади. Шу тўғримикин-а? Ўзи олтинчи синфда ўқийдиган каттакон йигитча, ўқишда аълочи. Нега энди қулоғи йўқ бўлсин?

Ойиси кечкурун овқат пишираётганда:

– Ҳой, катта йигит, водопроводдан пақирчангда сув келтириб бергин! – деса, Дамир:

– Дарсим бор, – деб баҳона қилади-да, ўйинга берилади.

Ойиси эрталаб чой қайнаётганда:

– Жон ўғлим, магазиндан нон олиб келгин, – деса, Дамир:

– Мактабда навбатчиман, – дейди-да, чой ичмасдан ҳам кетаверади. Ойиси эса «ҳай-ҳай» дея ачиниб қолади.

Қиш кунларидан бирида Дамир яхмалак отиш учун костюмда кўчага чикди. Ойиси:

– Ҳой болам, пальточангни кийиб ол. Совуқ ейсан, – деган эди. Дамир қулоқ солмади...

(Ҳ. Н.)

### Топшириқ:

1. Матн сарлавҳасига эътибор беринг. Бошқача номлаш мумкинми?
2. Агар сиз муаллиф бўлганингизда матнни қандай давом эттирган бўлар эдингиз?
3. Матнда қандай гаплар берилган?
4. Матннинг биринчи абзацидаги сўз бирикмаларини аниқланг.
5. «Ўқиш бошқа, уқиш бошқа» мақолини матнга қиёслаб кўринг.



### 33-машқ. Топшириқни бажаринг.

1. Шеърни ифодали ўқинг.
2. Тушунганларингизни гапириб беринг.
3. Шеър қандай гаплардан тузилган?
4. Сатрлар ичидан гапларни топишга ҳаракат қилинг. Нимасига қараб гапни аниқлаш мумкинлигини изоҳланг.
5. Сўз бирикмаларини айтинг.

## 6. «Катталарнинг сўзини

*Яхши англаб ўқиймиз»* сатрларини диққат билан ўқинг. Дўстингиз билан ўртоқлашиб, қандай тушунганлигингни изоҳланг.

### Бу – биз бўламиз

Сўрасангиз: – Сиз кимсиз?  
Деймиз: – Бахтли ўғил-қиз!  
Биз бир оз шўх бўлсак ҳам  
Яхши, аъло ўқиймиз.  
Катталарнинг сўзини  
Яхши англаб ўқиймиз.  
Кўп нарсалар ўрганиб,  
Унга тақлид қиламиз.  
Ўзи билмас деманглар –  
Ўзимиз ҳам биламиз.  
Катталардек ҳар ишни  
Бош қотириб ўйлаймиз.  
Гапга ҳам биз чечанмиз –  
Топиб-топиб сўйлаймиз.  
Сўрасангиз: – Сиз кимсиз?  
Деймиз: – Бахтли ўғил-қиз!

### 34-машқ. Гапларни ўқинг. Сўз бирикмаларини аниқланг.

1. Ярим кечага яқин ўрдакча бир камбағал одамнинг кулбасига келиб қолди. (Х. Анд.) 2. Биз меҳнат билан, ҳунар билан яшаймиз. (Эрт.) 3. Уй жиҳозларидан қолган энг сўнгги бўйрасини ҳам аямади. (М. Х.) 4. Талъат чумчуқ боласининг оёғини авайлаб, ипини ечди. (Ў. У.) 5. Мана шу яқин орадаги қир бошида турувчи чол бобонинг бир ити бор. (Эрт.) 6. Қийналган жониворларга, айниқса ўзингдан кичикларга доим ёрдам бергин. Бу бизнинг энг биринчи вазифамиз. (А. А.)

**35-машқ. Берилган сўз бирикмаларини гапларга айлантириб, ёзинг. Гапнинг сўз бирикмасидан фарқини айтинг.**

Гўзал боғ, оқ йўл, энг катта тепалик, жўшқин дарё, уч хил ранг, тўлин ой, ярадор қушча, муқаддас Каъба.

## ҚЎШМА ГАП

### 5-§. ҚЎШМА ГАПЛАРДА БОҒЛОВЧИЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ ВА ТИНИШ БЕЛГИЛАРИНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

Қўшма гап таркибидаги содда гаплар ўзаро боғловчиларсиз оҳанг ёрдамида *шунингдек, ва, аммо, лекин, бироқ, шунинг учун, чунки* боғловчилари ёрдамида боғланади.

1. Қўшма гап таркибидаги содда гаплар ўзаро боғловчиларсиз, оҳанг ёрдамида боғланса, улар орасига вергул қўйилади: *Тилингни ботир қилма, ўзингни ботир қил. Дарё тиниқ, осмон безубор.*

2. Қўшма гап таркибидаги содда гаплар *ва* боғловчиси билан боғланса, ёзувда улар орасида вергул ишлатилмайди: *Тонг отди ва атроф ёришиди.*

Қўшма гап таркибидаги содда гаплар *аммо, лекин, бироқ, шунинг учун, чунки* боғловчилари ёрдамида боғланса, ёзувда улардан олдин вергул қўйилади: *Нутқингиз сўзга бой бўлсин, лекин ҳар бир сўзни ўз ўрнида ишлатинг. Карим ростгўй бола, шунинг учун уни дўстлари ҳурмат қиладилар. Раҳима китоб ўқиди, аммо ҳеч нарса ёзмади. Шавкат соғлом ўсди, бироқ унинг тили жуда кеч чиқди. Ҳунар ўрган, чунки ҳунарда кўп сир.* (М.)



#### **36-машқ. Берилган гапларнинг мазмунига қараб давом эттиринг.**

*Намуна: Ой ёритади, аммо ... - Ой ёритади, аммо иситмайди.*

1. Шеърни ифодали ўқидим, шунинг учун ... 2. Баҳор эрта келди, шунинг учун ... 3. Қуёш чиқди ва ... 4. Иш иштаҳа очар, ... 5. Пухта билим ол, чунки ... 6. Ўқитувчимиз байрамга тайёргарлик кўришимизни айтди, шунинг учун ...

#### **37-машқ. Ўқинг. Ҳар бир қўшма гапнинг нечта содда гапдан тузилганини айтинг.**

1. Йиллар ўтди, замон ўзгарди, одамлар ўзгарди. (С. Аҳм.)

2. Чор атрофда эсарди еллар

Ва боғларда қушлар чийиллар. (Х. О.)

3. Тун узун, вақт эса жуда секин ўтади. (Ш. Р.) 4. Узоқ Шарқда куз кунлари кўп вақт қуёш чиқиб туради, осмон тоза бўлади. (Ш. Р.) 5. Буюк қурилишлар барпо бўлди, каналлар қазилди, мамлакатимиз обод бўлди. (Газ.) 6. Сидиқжон беихтиёр тўхтади ва унга қайрилиб қаради. (А. Қ.)

#### **38-машқ. Нуқталар ўрнига мос боғловчиларни қўйиб кўчиринг.**

1. Комила уни ўтиришга таклиф этди ... ўзи ҳашарчилар билан суҳбат бошлади. (О.) 2. Саҳна очилди ... залдагилар тинчланди. 3. Тонг ҳали ёришмаган, ... осмонда юлдузлар анча сийраклашган эди. 4. Бирдан эшик очилди ... Ойқиз кириб келди. (Ш. Р.) 5. Қуёш ботди ... Замира ҳамон пахтазорда эди. 6. Қор тингану ... қуёш булутлар орасидан чиқа олмай гаранг.

**39-машқ. Берилган ҳикматлар қандай гап эканлигини аниқланг. Нуқталар ўрнига керакли боғловчилар ёки тиниш белги қўйиб кўчиринг.**

1. Шижоатли кишиларни дўст тут .... Тангри жасур кишиларни ардоқлайди.
2. Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим ... зулму ситам йўлини тўсдим.
3. Чораси бўлмаган ишга киришма ... ундан қутулиб бўлмайди.
4. Мерган овда билинади ... ботир ёвда.
5. Яхши одам юрт ... тузар ёмон одам юрт бузар.
6. Бир ишга киришмай туриб ... ундан қутилиш йўлларини мўлжаллаб қўй.



**40-машқ. 1-топшириқ. Матни диққат билан ўқинг.**

**2-топшириқ.** Қўшма гапларни кўчириб ёзинг. Тиниш белгиларининг ишлатилиш ўринларига аҳамият беринг.

**3-топшириқ.** «*Ой тутилди*» гапини ўқитувчингиз ёрдамида илмий асосланг.

### Муҳаббат манзиллари

Айвондаги чорпояда ухлаб ётган Муҳаммадни бувиси уйғотиб: «Ойни қара, тутиляпти», – деди.

Муҳаммад уйкуга қонмаган кўзларини ишқалаб очиб, осмонга қаради. Ҳалигина осмон гумбазининг жанубий ғарбида балқиб турган тўлин Ойни Ғарб томондан булутга ўхшаш қизғиш соя қоплаб келаверди. Маърифат опа ваҳимага тушиб, кетмонга тош уриб даранглатмоқда эди. Муҳаммад бувисига бу ирим бидъат эканлигини айтиб тўхтатди. Ой бора-бора ўша сарғиш булут билан тўлик қопланиб, сариқ сополга айланди. Энди бора-бора ўз ҳолига келиши керак эди, лекин ҳадеганда бундай ҳол юз беравермади. Муҳаммаднинг кўзи энди уйкуга кетган эди, хўжалик устахонаси томондан ваҳимали чинқирган гудок овози эшитилди. Ҳали кўкда субҳи содиқ пайдо бўлмай янграган бу ёқимсиз овоздан атроф маҳаллалардаги одамлар чўчиб уйғониб, саросима билан дарвозаларидан ташқарига чиқишди. Муҳаммад бувисининг ташвишига қўшилиб, ҳовли ташқарисига бирга чикди. Тўнларини елкасига ташлаб олган сарпойчан қўни-қўшнилари ҳам ташвишлари ортиб, бир-бирларидан сўраб-суриштиришди: янги келган колхоз раиси одамларни ишга эрта кўзғаш учун хўжалик устахонасига гудок ўрнаттирибди. Уни хўжалик муҳандиси Саттор Олимов ясаган эмиш. Энди ҳар куни худди шу маҳалда одамларни ишга чорлаб гудок чалинаверариш.

(Ж. Қурашев)



**Гапни таҳлил қилиш тартиби:**

1. Гапнинг мақсадга кўра тури.
2. Икки бош бўлакли гап, бир бош бўлакли гап.
3. Содда ёки қўшма гап.
4. Грамматик асоси.

## Таҳлил намунаси

Биз дам олиш куни ўқитувчимиз билан музейга борамиз.

Дарак гап, икки бош бўлакли гап, ёйиқ содда гап, грамматик асоси – Биз борамиз.

Биз – ким? сўроғига жавоб бўлади, эга, оломош билан ифодаланган, кесим билан боғланган;

Борамиз – нима қиламиз? сўроғига жавоб бўлади, кесим, феъл билан ифодаланган, эга билан боғланган.

## 6-§. КЎЧИРМА ГАП ВА УНДА ТИНИШ БЕЛГИЛАРИНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

Бошқаларнинг ҳеч ўзгаришсиз ишлатилган гапи кўчирма гап дейилади. Кўчирма гап муаллиф гапи билан бирга ишлатилади. Муаллиф гапи кўчирма гап кимнинг гапи эканлигини билдиради.

### *Муаллиф гапи*

Буюк саркарда Амир Темур  
илмни улуғлаб шундай дейди:

### *Кўчирма гап*

«Илм ва диннинг машҳур кишилари  
ўз маслаҳатлари  
билан подшоҳларга  
ёрдам бериб келганлар».

Кўчирма гап қўштирноқ ичига олинади ва бош ҳарф билан ёзилади.



**41-машқ.** Берилган кўчирма гапларнинг тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг, тиниш белгиларининг қўйилиш сабабларини тушунтириб беринг.

1. Одамлар бўш келмаса, иш бўшашмайди мулойимгина жавоб қайтарди Ойқиз. 2. Буғдой нонинг бўлмасин, ширин сўзинг бўлсин дейди халқимиз. 3. Эргаш ака, мактабимизнинг эшиги қаёқдан бўлади деди Турсуной дарров. (Асқ. М.) 4. Қойил, жиккаккина бўлса ҳам, мард йигит экан деди чол шеригига. (Асқ. М.) 5. Ҳолва деган билан оғиз чучимаиди деди кесатиб Ҳакимжон. (М. М.)

Агар кўчирма гап муаллиф гапидан олдин келса ва бу кўчирма гап дарак гап бўлса, кўчирма гапдан сўнг қўштирноқ беркитилиб, вергул ҳамда тире қўйилади, муаллиф гапи кичик ҳарф билан бошланади: «Халқимиз ижодиётни, қурилишни севади», – деди Сайрамов. (О.)

Агар кўчирма гап сўроқ ёки ундов гап бўлса, сўроқ ёки ундов белгиларидан сўнг қўштирноқ ёпилади, қўштирноқдан сўнг тире қўйилиб, муаллиф гапи кичик ҳарф билан бошланади: «Навбатчи қани?» – деб жаҳл билан сўради Чапаев. «Маринка, кел бу ёққа!» – деб чақирди кампир. (Д. Фурманов)

Бу хил кўчирма гаплар чизмасини шундай кўрсатиш мумкин.

а) « К », - М .

б) « К ?» - М .

в) « К !» - М .

**42-машқ. Кўчирма гап муаллиф гапидан олдин келганда, ишлатиладиган тиниш белгиларини тушунтириб беринг.**

1. «Бу кўчатлар мактаб ҳовлисига экилади», – деди мактаб директори.  
2. «Қани, укажонлар, ашулани тўхтатинглар!» – деди Марҳамат. 3. «Айбни яширмоқ – номарднинг иши», – деди ҳоким қизишиб. 4. «Сиз заводда ишлайсизми?» – сўради Маъсуда. 5. «Билим билан қуролланган киши енгилмасдир», – деган эди М. Горький. 6. «Элликбоши сизми?» – деди пичинг билан Гулнор. (О.)  
7. «Сен менинг суянган тоғимсан, ўғлим», – дерди ҳамиша онам. (Ў.Х.) 8. «Сенга нима бўлди?» – деди у Асроранинг сочини силаб. (Т. М.) 9. «Жаноб вазир, бизни ўз ҳолимизга қўйсангиз бўларди», – деди жаҳли чиқиб Чўпон ота.



**43-машқ. Ўқинг. Муаллиф гапи ва кўчирма гапларни топинг. Тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг.**

1. Бугун мактабимизда шоирлар билан учрашув ўтказилади деб тайинлади ўқитувчимиз. 2. Эрталаб барвақт туриб, ҳовли -уйларни тозаласанг, фаришталар парвона бўлади деб насиҳат қиларди бувим. (М. И.) 3. Дўстлик – муқаддас туйғу деб таъкидларди ўқитувчимиз. 4. Қандай мавзудаги асарларни ўқишни хоҳлайсизлар деб сўради болалардан кутубхоначи опа. 5. Нима қиласан буларни деди у. 6. Иккита синглим бор, ўшаларга совға қилиб олиб бормоқчиман деб жавоб бердим мен.

**44-машқ. Ўқинг. Тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг. Кўчирма гаптаги ундалманинг тагига чизинг.**

1. Болалар, Ойбекнинг «Болалик» асарини ўқиганмисиз деб сўради ўқитувчимиз. 2. Хафа бўлма, қизим, сенга ёрдам бераман дебди қизни юпатиб кампир. (Эрт.) 3. Яхши қилдингиз, буви, неварангиз ёлчиб қолди деб мақтанди келини. (О.) 4. Соғайиб кетганингиз муборак бўлсин, Муротали амаки деди Ойқиз. (Ш. Р.) 5. Ўқтам ака, мақтов ёрлиғини кишига аъло меҳнат беради-ку деб жавоб берди Комила табассум билан. (О.) 6. Гулга қарздормиз Саидахон деди ҳазиломуз Қаландаров. (А. Қ.)

Агар кўчирма гап муаллиф гапидан кейин келса, муаллиф гапидан сўнг икки нукта қўйилади. Кўчирма гап қўштирноққа олиниб, бош ҳарф билан ёзилади. Кўчирма гап дарак гап бўлса, қўштирноқдан кейин нукта қўйилади: *Мактаб директори деди: «Эртага барчамиз ёш ниҳолларни экиб битиришимиз керак».*

Кўчирма гап ундов ёки сўроқ гап бўлса, сўроқ ёки ундов белгиси қўштирноқ ёпилмасдан олдин қўйилади, сўнг қўштирноқ ёпилади: *Ўқитувчи ўқувчидан сўради: «Нега вазифани бажармадинг?». Аваз ўғлига деди: «Индамасдан пастга туш!».*

Бу қонданинг чизмасини қуйидагича кўрсатиш мумкин:

а) М: « К ».

б) М: « К? ».

в) М: « К! ».

Агар муаллиф гапи кўчирма гап орасида келса, тиниш белгилари куйидагича қўйилади: Кўчирма гап узилиб қолган жойда ҳеч қандай тиниш белгиси бўлмаса, ёки у ерда вергул, тире ёки икки нукта бўлса, кўчирма гапнинг биринчи қисмидан сўнг вергул ва тире қўйилиб, муаллиф гапи бошланади, муаллиф гапидан сўнг яна вергул ва тире қўйилиб, кўчирма гапнинг иккинчи қисми кичик ҳарф билан бошланади.

Масалан: «*Халқ гайрат қилса, – деди Сайрамов маънодор кулиб, – умиди туш бўлиб қолмайди*». (О.)

**45-машқ. Ўқинг. Тушириб қолдирилган тиниш белгиларини қўйиб, гапларни кўчиринг.**


1. Амин деди Қидиртирсакмикин-а, суюнчиси нима бўлади? 2. Уй эгаси Муқбилдан сўрабди Яхши йигит, Ҳотамтойда нима ишингиз бор эди? 3. Подшоҳ кизига дебди Агар жумбокни ечсанг, гуноҳларингдан ўтаман. (Эрт.) 4. Усмон Юсупов кизиқиб сўради Қаерликсан, бола? 5. Тошлоқнинг Зириллама қишлоғиданман деб жавоб берди Азизхон. (С. Аҳм.) 6. Тил сўзловчининг эшитувчига билдирувчи таржимондир деган эди Абу Райхон Беруний.

 **46-машқ. Қўштирноқлар ичига муаллиф гапининг мазмунига мос кўчирма гаплар қўйиб, уларни кўчиринг.**

1. «*»*, – деди отаси. 2. «*?*» – сўради ўртоғи. 3. «*!*» – хитоб қилди Ботиржон. 4. «*»*, – деди онаси. 5. Собир Нафисадан сўради: «*?*». Подшоҳ фармон берди: «*!*»

**47-машқ. Гапларни кўчиринг. Муаллиф гапи ва кўчирма гап ўрнини белгиланг. Тиниш белгиларининг қўйилиш сабабини тушунтириб беринг.**


1. Пахта дейди кулиб-товланиб: «Севган киши мени мактасин». (У.) 2. «Соғлом ўсиш учун спорт билан шуғулланиш керак», – деди синф раҳбаримиз. 3. У мендан сўради: «Хушхат экансан. Ҳисобни биласанми?» (О.) 4. «Қизлар звеноси – бу», – деди Жўра. (О.) 5. Онам бувимга қараб деди: «Кўйинг, ўқисин, мулла бўлсин, болам». (О.) 6. «Она тили» туриб деди: «Ўз тилини билмай туриб, билиш қийин бошқани». (П. М.)

 **48-машқ. Гапларни кўчиринг. Кўчирма гап ва муаллиф гапларининг ўрнини белгиланг ва тиниш белгиларини қўйинг.**

1. Мен маймунжон тергани шу ергача келган эдим деди Қўзибой. (Ҳ. Н.) 2. Бу ўлжалар деди Олимов болаларни тинчитиб, мактаб биология хонасига керак. (Ҳ. Н.) 3. Ариларнинг ғاشига тегманглар, бир ёпишса, қўймайди деб огоҳлантирди Олимов. (Ҳ. Н.) 4. Қирғовул билан бедана ҳеч қачон тушган жойида турмайди деди Йўлдош ота. (Ё. Ш.) 5. Барно узр сўрагандай, овозини пасайтириб деди энди гапларингизга кулоқ соламан. (Ҳ. Н.) 6. Бу – ҳақиқат деди Ориф ака. (Ас. М.) 7. Нега яланг оёқ юрибсан деб кулоғига пичирлади у.

**49-машқ.** Берилган гапларни муаллиф гапидан кейин келган кўчирма гапларга айлантириб ёзинг.


1. «Саволлар йўқми?» – деб сўради капитан Енакеев наводчиклардан.  
2. «Эй, секинроқ!» – деб қичқирди Биденко. 3. «Қани, мана бу ерга, бизнинг ўртамизга ўтира қолинг», – дейишди болалар. (П. Т.) 4. «Бу шаҳарни ким бино қилди?» – деб сўради подшо. 5. «Бу дарвозадаги суратнинг эгаси», – деб жавоб беришди соқчилар. (Эрт.)

 **50-машқ.** Нукталар ўрнига кўчирма гаплар қўйиб, кўчиринг.

1. Ситора: «...,.....», – деб айтди. 2. Синф раҳбари: «.....!..!» – деб уқтирди. 3. Ўқитувчи Махфузадан сўради: «.....?» 4. Мактаб директори шундай деди: «.....». 5. «.....», – дейди халқимиз. 6. «.....», – деган экан донишманд.

**51-машқ.** Берилган кўчирма гаплар мазмунига мос тушадиган муаллиф гапи қўйиб, уларни ёзинг.

1. \_\_\_\_\_: «Сен ҳам бўлгин қаҳрамон». 2. «Эй биродар, сени дарёдан ўтказиб қўйгани келдим», – \_\_\_\_\_. 3. «Кўли гуллар чўл қўйинини гулзор этар», – \_\_\_\_\_. 4. «Табассум яхшилиқнинг белгисидир», – \_\_\_\_\_. 5. \_\_\_\_\_: «Ҳали ёшсан, катталарни эшит, ўрган, ўрнак ол». 6. «Ҳар орзунинг аввал боши меҳнатдир», – \_\_\_\_\_.

 **52-машқ.** Матни ўқинг. Кўчирма гапнинг диалогда (суҳбат нутқида) берилишига эътибор беринг.

Шунда Муқбил анча ноқулай аҳволга тушиб, бир оз жимиб қолибди. Ўзича: «Ҳотамтойи халқ орасида юрса, фуқарога ёмонлик қилмаса, ёмон одам эмас экан-да», – деб ўйлабди, кейин бундай дебди:

– Мен ҳайрон бўлиб қолдим. Юртимиз подшосининг амри билан Ҳотамнинг бошини олиб кетгани келган эдим. Гапингизга қараганда, Ҳотам жуда баҳодир йигит кўринади. Мен энди у билан майдонда қандай олишар эканман?

Уй эгаси Муқбилдан:

– Ҳотам сизга нима ёмонлик қилган эди? – деб сўради.

– Ҳотам-ку менга ҳеч ёмонлик қилган эмас, – дебди Муқбил. Сўнгра Ҳотамни нима учун ўлдиргани келганини бирма-бир айтиб берибди. («Оз-оз ўрганиб.»)



## 7-§. ДИАЛОГ. МОНОЛОГ

Нутқ фаолиятида монолог, диалогдан фойдаланилади.

Кишиларнинг нутқий фаолияти монолог, диалог кўринишда амалга ошади.

Икки ёки ундан ортиқ кишининг суҳбати диалог дейилади.

Монолог сўзловчини ўзига ёки тингловчиларга қаратилган нутқидир. Монолог нутқида сўзловчи ўзига маълум бўлган воқеа-ҳодисалар, ўз ички кечинмалари ҳақида маълумот беради. Монолог тингловчиларни суҳбатга фаол аралашувига ундамайди, улардан айтилганларга жавоб талаб қилмайди.

Монолог ўз хусусиятларига қараб, бир неча кўринишда бўлиши мумкин: ички монолог ва ташқи монолог.

*Ички монолог* бадиий адабиётда қўлланувчи услубий усуллардан биридир. Бу усул юз берган аниқ воқеаларни уларнинг таъсирида қаҳрамон ички кечинмаларида пайдо бўлган фикрлар сифатида баён этиш имконини беради. Ички монолог сўзловчининг ички нутқидир.

*Ташқи монолог* сўзловчининг ташқи нутқидир. Унда тил имкониятлари ҳақиқатга айланади.



**53-машқ. Берилган матни ўқинг. Матнда суҳбат неча киши ўртасида бўлаётганига эътибор беринг.**

Йигит тезгина чўпон отага яқинлашди ва қўл бериб, ҳол-аҳвол сўради:

– Ота дейман, бу ерда ҳеч ким турмайди, шекилли?

– Эй болам, бу чўл-биёбонда одам нима қилсин.

– Сиз ўзингиз шу ерликмисиз?

– Мана шу қишлоқданман, беш-олти кун майса вақтида қўйларни ўтлатиб юриб, бу ерларга келиб қоламан.

– Қўйларингиз кўпми?

– 500 тача қўйни фермер менга топшириб қўйган. Ишқилиб, бир минг бўлсин деб юрибман.

(*Ойдин*)

**54-машқ. Шеърни ифодали ўқинг. Нутқнинг турини аниқланг.**

### Қурбонжон она

Уйлар ёнар, ловиллаб ёнар,  
Юрак ёнар ҳасратга тўлиб,  
Ёғий келар оқизиб қонлар,  
Ёғий келар музаффар бўлиб.  
Она эдим фарзандлар туғдим,  
Фарзандларим тортиб олди дор.

Энди бирга мен билан ўлим,  
Алла эмас, қалбимда озор.  
От қўяман далалар бўйлаб,  
Учаётган ўт тили –отим.  
Хазонларнинг тунж исин бўйлаб  
Бўғзимда жим эрир фарёдим.  
Бу ер – юртим,  
Агар ёв унга  
Қўлин чўзса, турайми қараб,  
Қандай чидай, халқим бошига  
Душман келса қиличин қайраб.  
Бўғзидан қон оқар хоиннинг,  
Ҳеч ким артмас кўрқоқ кўз ёшин,  
Қумга сингган сув каби номард  
Қулоғига сингар кўрғошин.  
Оқ пошшонинг қонхўр калхати  
Чарх урмоқда гўё ҳақорат,  
Уни кўкдан қулатмоқ учун  
Ўқлар эмас, зарурдир нафрат.  
Мағлуб эрлар!  
Келиб тиз чўкинг,  
Содик навкар бўлингиз менга,  
Умрингизни қўлимга беринг,  
Ўзим сизни бошлайман жангга.  
Дилимда ўч,  
Дилимда озор,  
Қонга томган бир томчи сутман.  
Худди қуриб ётган чангалзор  
Томон елиб борувчи ўтман.

*(Хуришд Даврон)*



**55-машқ. Матни ўқинг. Қандай нутқ эканини, суҳбат неча киши томонидан олиб борилаётганини аниқланг. Матни яқунлашга ҳаракат қилинг.**

Лабораторияни ичдан беркитиб, суҳбатга киришди. Аввал унинг яхши ўқувчи эканлигини, унга ихлоси кучли эканини айтди. Сўнгра:

– Нега адабиёт дарсларига кирмаяпсан? – деди. – Биламанки, сен бу фанни яхши кўрасан.

У индамади, ерга қараб тураверди.

– Ё сени ая бирор хусусда камситдими? Очиқ айтавер.

– Йўқ...

– Нега бўлмаса, дарсларига кирмаяпсан?

Бирдан у муаллиманинг юзига ёлворгансимон қараб:

– Айтаверайми, ая?.. –деб қолди.

– Ҳа, айт-да. Қани?

Оғирлигини у оёғидан бу оёғига олиб, ерга қараганича қизишиб шарта-шарта гапира кетди:


– Бизларга одамгарчилик, дўстлик ва тўғри сўзлик тўғрисида дарс ўтади.


Меҳру шафқатни мақтайдилар. Ўзлари бўлса...


– Хўш, нима ўзлари?

– Айтолмайман, ая. Дарсларига кирсам тилимнинг учида турган нарсаларни ҳам унутиб қўяман.

(Қўлдош Бекмирзаев)

 **56-машқ.** Жуфтликда шеригингиз билан «Автобус бекатида», «Кутубхонада» мавзуларининг бирида диалог тузинг. Диалогда қўлланган ундалмаларнинг аҳамиятини изоҳланг.

 **57-машқ.** Гуруҳда, шеригингиз билан диалог ва монолог ҳақида Венн диаграммаси тузинг. Диаграммани тузишда дарсликдаги назарий маълумотлардан унумли фойдаланинг.



### Мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар

1. Содда ва қўшма гапнинг фарқини айтинг.
2. Қўшма гап таркибидаги содда гаплар орасига вергул қачон қўйилади?
3. Қайси боғловчи ишлатилганида содда гаплар орасига вергул қўйилмайди?
4. Содда гаплар боғловчилар ёрдами билан боғланганда тиниш белгилари ишлатиладими?
5. Кўчирма гап ҳақида гапиринг, тиниш белгиларини изоҳланг.
6. Диалог нима? Диалогнинг кўчирма гапга ўхшаш томонларини айтинг.
7. Монолог нима? Монологнинг қандай турлари бор? «*Қурбонжон она*» монолоғи сизда қандай таассурот қолдирди?

## 8-§. ЎЗБЕК ТИЛИ ЛУҒАТИНИНГ БОЙИШ МАНБАЛАРИ

Ўзбек тилининг сўз бойлиги ҳаёт, фан, техника, санъатнинг тараққиёти билан боғлиқ ҳолда йилдан йилга бойиб бормоқда. Сўз бойлигининг бойиши асосан икки манбага асосланади:

1. Ўзбек тилининг ички имкониятлари (ички манба). Бунда кўпинча сўз яшаш орқали янги сўзлар ҳосил қилинади: *вазирлик, намунали, ижарачи, тинчликсевар, гулдаста*.

2. Бошқа тиллардан сўз олиш (ташқи манба).

Ўзбек халқи қадим замонлардан буён бошқа халқлар билан алоқада бўлиб келган. Бу тилимизда ҳам акс этган. Ўзбек тилига бошқа тиллардан жуда кўп сўзлар кириб келган ва ҳозирги вақтда ҳам кўшилмоқда. Масалан, арабча (китоб, мактаб, маъно, абадий, аъло, санъат); форс-тожикча (барг, доно, камтар, тилла, каптар, дастурхон, ғишт); мўғулча (туман, навкар, ясовул); уйғурча (лағмон, мампар, манти); хитойча (чой) каби.

3. Ўзбек тили луғати рус тили ва рус тили орқали бошқа тиллардан ўтган сўзлар ҳисобига ҳам бойиб боради, масалан, *ручка, перо, печка, парта*.

Рус тилидан олинган сўзлар орасида асли келиб чиқиши бошқа тилларга хос бўлган сўзлар ҳам бор: *бухгалтер, солдат, танк, штаб* (немисча), *пальто, трико* (французча), *клуб, футбол* (инглизча), *томат, лимон* (испанча).

Бошқа тиллардан ўтган сўзлар олинма (ўзлашма) сўзлар дейилади.

Ўзбек тилидан ҳам бошқа тилларга сўзлар ўтган. Масалан, рус тилига *ўрик* (урюк), *анжир* (инжир), *сомса* (самса), *қора тош* (карандаш), *аралаш* (ералаш).

Ҳозирги ўзбек адабий тили фанининг асосий бўлимларидан бири этимология бўлими бўлиб, этимологияда тилдаги сўзларнинг асл шакли ва маъносини аниқлаш ҳамда келиб чиқиш тарихи бўйича олимлар томонидан изланишлар олиб борилади. Сўзларнинг келиб чиқишини изоҳлайдиган луғатлар этимологик луғатлар дейилади.



**58-машқ.** Рус тилидан ўзбек тилига ўтган сўзларни топиб, намунадагидек ёзинг.

*Намуна: Стол, стул, каравот, парта, диван ...*

**59-машқ.** Қуйидаги жадвални тўлдилинг.

Уй-рўзгор жиҳозларига оид сўзлар	Мактаб жиҳозларига оид сўзлар	Касалхона жиҳозларига оид сўзлар	Қурилиш жиҳозларига оид сўзлар
Қозон, чўмич ..., ..., ..., ...	Парта, доска ..., ..., ..., ...	Қушетка, ..., ..., ..., ...	Краска, бўр..., ..., ..., ...



**60-машқ.** Жўфтликда шеригингиз билан имло луғатидан бошқа тиллардан кирган сўзлардан 10-15та ёзинг. Уларнинг маъноларини изоҳланг.

**61-машқ.** Қуйида берилган сўзларнинг маъноларини билиб олинг ва улар иштирокида гаплар тузинг.

**Атлас.** 1. Альбом ёки китоб тарзида нашр этилган географик хариталар тўплами.

2. Бир томони ялтироқ шоҳи мато, материал.

**Гербарий.** Қуритилган ўсимликлар тўплами.

**Гимн.** Давлат бирлигининг ифодаси, рамзи сифатида расмий суратда қабул қилинган тантанали куй.

**Макулатура.** Чикинди, қийқим ёки ишлатилган қоғозлар.

**Фестиваль.** Санъат кўриги, санъатнинг турли ёки ҳамма соҳалари бўйича вақти-вақти билан ўтказиб туриладиган оммавий кўрик ва шу муносабатлар билан бўладиган байрамлар.



**62-машқ.** Ўзбек тилининг ички имкониятлари (ички манба) орқали бойи-ган сўзларни бир устунга, бошқа тиллардан кирган сўзларни иккинчи устунга ёзинг.

Интернет, самовий, компьютер, ижарачи, резюме, дўстона, аренда, гулхона, турист, светофор, абадий, коллекция, рюкзак, календарь, иссиқхона, предмет, ўсимликшунос, кемасоз.



**63-машқ.** Берилган сўз ясовчи қўшимчалар ёрдамида янги сўзлар ҳосил қилинг ва улар иштирокида гаплар тузинг. *-шунос, -чи, -зор, -каш, -лоқ, -чилик, -гарчилик, -ли, -сиз.*



**Саволларга жавоб беринг.**

1. Ўзбек тилида сўз бойлигининг бойиши қайси манбаларга асосланади?

2. Ички манба орқали сўз бойлиги қандай ортади?

3. Ташқи манба орқали сўз бойлиги қандай ортади?

4. Рус тили орқали луғатимиз қандай бойийди?

5. Бошқа тиллардан ўтган сўзлар ҳисобига ҳам луғат бойиши мумкинми, асосланг.

6. Ҳозирги ўзбек адабий тили фанининг этимология бўлимида қандай изланишлар олиб борилмоқда?

7. Сўзларнинг келиб чиқишини изоҳлайдиган луғатлар қандай номланади?

## 9-§. УМУМХАЛҚ ИШЛАТАДИГАН СЎЗЛАР

Тилимиздаги кўп сўзларни ҳаммамиз тушуниб бирдай қўллаймиз, масалан: *қўл, қўз; яхши, ёмон, қизил, кўк; бир, икки, уч; мен, сен, улар; бор, кел, кет; ва, билан, чунки; ух, вой, воҳ* ва бошқалар. Бу сўзлар фаол сўзлар деб ҳам аталади. Улар тилнинг асосий сўз бойлигидир.

Сўзлар ишлатилиш доирасига кўра сўзлашув услубига хос сўзлар, китобий сўзлар, услубий бетараф сўзлар гуруҳига ажратилади.

Масалан:

Сўзлашув услубига хос сўзлар	китобий сўзлар
чиройли	сулув
кўк	мовий
бола	фарзанд
одам	инсон
кувонмоқ	шодланмоқ

Сўзлашув услубида ҳам китобий услубда ҳам ишлатиладиган сўзлар услубий бетараф сўзлар ҳисобланади: *дала, сув, осмон, тоғ, тош, мактаб, оиҳона, дафтар, китоб.*

**64-машқ. Матни ўқиб, умумхалқ ишлатадиган сўзларни топинг. Матн мазмунини сўзланг.**

...Миртемирнинг ўзбек қирғиз адабий-маданий алоқалари тарихидаги хизматлари сезиларли ва самаралидир. У қирғиз халқи тарихи, адабиёти, маданиятининг билимдони эди. Қирғиз фольклори ва ёзма адабиётининг чин ихлосманди бўлиб, Али Тўқўнбаев, Тугелбой Сидикбеков, Чингиз Айтматов, Темиркул Уметалиев сингари машҳур адиблар билан кадрдон эди. Муҳими шундаки, Миртемир қирғиз халқининг қарийб бир миллион мисрадан иборат «Манас» эпосининг ярмини ўзбек тилига меҳр-муҳаббат билан таржима этди ва бу иш ҳар иккала халқ ҳурмати қозонди. Бугина эмас, Миртемир ўтмиш ва замонавий қирғиз адабиётидан ўзбек тилига ўтирилган қатор шеърлар таржималарнинг муаллифи сифатида диққатга сазовордир.


Миртемирнинг қардошлар мавзусида битган асарлари орасида қирғиз халқига бағишланган шеърлар ҳам бор. Шоирнинг қирғиз диёрига қилган кўплаб сафарларининг натижасида дунёга келган «Қирғизистон», «Қирғиз халқига», «Чағалай» ва бошқа асарларида қардошлар дўстлиги улуғланади. Ўзбек халқининг қирғиз халқига муҳаббати туйғулари ўз аксини топади. (О.)

**65-машқ. «Шугулланувчи зина»**

**Топширик: ушбу модел бўйича сўзлар топинг. (Бир нечта варианты бўлиши мумкин):**

о							
	о						
		м					
			м				
				о			
					у		
						о	

Оқ, қор, олма, тугма, копток, атиргул, китобхон.

 **66-машқ. Матнини ўқинг. Умумхалқ ишлатадиган сўзларни аниқланг. Сиз учун қизиқ бўлган маълумот ҳақида ўртоқлашинг.**

### Ниначи

Биласизми, қайси жонивор еб тўймас. Арслон ёки бўри-да деб жавоб бермоқчи бўласиз. Яна кимдир ўйлаб туриб, қушлар бўлса керак. Чунки уларнинг баъзилари кунига тутиб ейдиган ҳашаротлари ўз вазнига тўғри келади дейиши мумкин. Бироқ дунёда энг еб тўймас мавжудот ниначи эканлиги ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди. Ҳа, худди шундай: ниначи икки соат ичида 40 та пашша ва майда чивинларни паққос туширади. Борди-ю, у арслондек бўлганидами, бир ўтиришда бутун бир сигирни еб қўйиши ҳеч гап эмас эди. Бундай еб тўймаснинг қорин тўйдириши осон эмас. Пашшани ҳамма жойда топиш мумкин бўлса-да, ниначи қорин ташвишида кун бўйи турли жойларда ов қилиб юради. Энди ниначи дала ва боғлар узра учиб юриб, қанчадан-қанча зарарқунанда ҳашаротларни қириб ташлашини тасаввур қилиш мумкин. Зарарқунанда ҳашаротларни қириб фойда келтирса, личинкаси майда балиқларни еб, балиқчиликка зарар келтиради.

*(Болалар энци.)*


**67-машқ. Шеърни ифодали ўқинг. Умумхалқ ишлатадиган сўзларни шеъринг матнида қўлланишига эътибор қилинг.**

### Харакатда – барака

Ҳар даланинг ўз файзи,  
Таровати бошқадир.  
Меҳнат қилган қўлларга  
Саховати бошқадир.  
Ойнинг ипак нурлари  
Далаларга қуюлгай,  
Қуёш берган ҳарорат,

Ерга дармон туюлгай.  
Қаттиқ ерни қазилаб,  
Юрган деҳқон бобомдир.  
Кузда тўкин ҳосили  
Дала тутган инъомдир.  
Далам,  
Бобом бағри кенг,  
Дилда зўр ният банддир.  
Бегона ўт ўсмасин,  
Иштиёқи баланддир.  
«Ҳаракатда – барака» –  
Бобом нақли ёдимда.  
Шундай ишлар қилайки,  
Бари ҳали олдинда.

(Ҳабиб Раҳмат)

 **68-машқ.** «Менинг дам олиш куним», «Бир кунлик иш тартибим» мавзуларининг бирида кичик матн тузинг. Матндаги умумхалқ ишлатадиган сўзларнинг тагига чизинг.

**69-машқ.** Машхур «Алпомиш» достонидан келтирилган парчани ўқинг. Умумхалқ ишлатадиган сўзларни топинг. Давомини сўзлаб беринг.

...Бурунги замонда ўн олти уруғ Қўнғирот элида Добонбий деган инсон ўтди, Добонбайдан Алпинбий деган ўғил фарзанд пайдо бўлди. Алпинбийдан тагин икки ўғил пайдо бўлди, каттаконининг отини Бойбўри қўйди, кичкинасининг отини Бойсарни қўйди. Бойбўри билан Бойсарни иккови катта бўлди. Бойсарни бой эди. Бу Бойбўриси эса шоҳ эди.


Мазкур элдаги бир тўйда тўй эгалари вориси йўқлиги туфайли Бойбўри ва Бойсарнига мулозамат кўрсатмайдилар. Улар фарзандсизлик дашномини эшитиб, ака-ука ворис топиш ниятида уч кун йўл босиб Шохимардон пирнинг равзасига бориб, қирқ кун ётиб олиб худодан фарзанд сўрашади. Қиркинчи кун мақбарадан овоз келади: Бойбўри, сенга худойим бир ўғил, бир қиз берди, ёлғиз эмас эгиз берди. Бойсарни, сенга эгиз эмас ёлғиз қиз берди...

## 10-§. УМУМХАЛҚ ИШЛАТМАЙДИГАН СЎЗЛАР

Нутқимизда доимо қўллана бермайдиган сўзлар ҳам бор. Улар турли сабабларга кўра кундалик турмушда тез-тез қўланавермайди. Бундай сўзлар умумхалқ ишлатмайдиган сўзлардир. Бундай сўзларни яна нофаол сўзлар ҳам дейишади.



Умумхалқ ишлатмайдиган сўзларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:  
 1. Атамалар (терминлар). 2. Шевага хос сўзлар. 3. Касб-хунарга оид сўзлар. 4. Эскириб қолган сўзлар: тарихий сўзлар, (историзмлар), архаик сўзлар (архаизмлар). 5. Янги пайдо бўлган сўзлар (неологизмлар). 6. Олинма (ўзлашма) сўзлар.


 **70-машқ.** Жуфтликда шеригингиз билан умумхалқ ишлатадиган ва умумхалқ ишлатмайдиган сўзлар ҳақида Венн диаграмма тузинг. Диаграммада дарсликдаги назарий маълумотлар акс этсин.



**71-машқ.** Берилган сўзларни қайси гуруҳга мансублигига кўра қуйидаги жадвалга жойлаштиринг.

Иссиқ, қуёш, лексика, фонетика, луғат, бормоқ, ўқимоқ, ишламоқ, яхши, тез, аниқловчи, бадан, балкон, вазелин, вазирлик, имкон, импорт, интизом, пальто, панжара, фарзанд, ота-она, стадион, ўйин, сурма, телефон, тепалик, увол, ош-нон, улоқ, чанг, чеҳра, эгри, эшик, экин, электрон, кадам, ковормоқ, қайчи, ҳовли, ҳовуз, шунинг учун, биз, сиз, улар, афеус, беш, олти, морфология, тузмоқ, танламоқ.

Умумхалқ ишлатадиган сўзлар	Умумхалқ ишлатмайдиган сўзлар

 **72-машқ.** Матнни ўқинг. Умумхалқ ишлатадиган сўзларнинг тагига бир чизиқ, умумхалқ ишлатмайдиган сўзлар тагига икки чизиқ чизинг. Матн охирида берилган топшириқларни бажаринг.

Ҳозирги оддий нутқда «нафс» сўзи баъзан ҳайвонга, асосан инсонга нисбатан қўлланади ва «нафс» деганда кишининг ўзининг жисмоний талабларини қондиришга бўлган интилиши тушунилади. Шу интилиш кишида меъёрдан ортиқ ёки ахлоқ доирасидан ташқари бўлса, ундай кишини «нафси ёмон» ёки «баднафс» ёхуд, «нафсини тиёлмаган» киши деб атайдилар. Агар меъёрида ва ахлоқ доирасида бўлса, уни «нафси яхши» ёки «некнафс» киши дейдилар. Агар нафсоний талаби меъёридан кам бўлса, ундай кимсани «нафси ўлик» ёки «нафсини тийган киши» дейилади ва бу ахлоқда ҳусн ҳисобланади. Инсонда ақл бўлгани учун ақл нафсни идора қилиб туради. Ҳайвонда ақл

бўлмагани учун унинг нафсини ғариза, яъни инстинкт бошқаради. Шунинг учун ҳайвон нафсоний талабларни тажовуз йўли билан ҳам қондиради. Бу жиҳатдан инсоннинг ҳайвондан фарқ қиладиган ери унинг ақл ёрдамида нафсини тия олишидир. Нафсни тия олган шахснинг инсонлиги, тиёлмаганнинг ҳайвонлиги ортиқ бўлади.

(Алибек Рустамов)

### Топшириқлар

1. Матн мазмунига мос сарлавҳа топинг.
2. Матндаги нафс сўзи билан боғлиқ антоним сўзларни топинг.
3. Нафси ёмонлик қандай оқибатларга олиб келиши мумкин синфдошларингиз билан мунозара ўтказинг.

## 11-§. АТАМАЛАР

**1-топшириқ.** Тилшуносликка оид сўзларни бир устунга, қурувчиликка оид сўзларни иккинчи устунга ёзинг.

Товуш, белқурак, ҳарф, бўғин, андава, урғу, теша, унли, болта, ундош, ранда, искана.

**2-топшириқ.** Тиббиётга оид атамаларни кўчириб ёзинг.

Қискич, шприц, қайчи, бетоб, гугурт, шина, спирт, дока, вата, терапевт, хирург, бошлик, терговчи, адвокат, боғбон.


Маълум бир фан ва касб-ҳунар доирасида аниқ бир маънони ифодалаш учун қўлланилган сўзларга атамалар дейилади.

Атамалар (терминлар) икки йўл билан ҳосил бўлади.

1. Умумхалқ тилидаги сўзлардан маъносини махсуслаштириш орқали ҳосил қилинади. Натижада бундай сўзлар умумхалқ тилида бир маънони, фан тилида эса, бошқа маънони билдиради: феъл, хол, илдиз.

2. Бошқа тиллардан илмий тушунча учун атама олиш орқали. Булар фақат шу фан соҳасидагина ишлатилиб, умумхалқ тилида ишлатилмайди: мусбат, манфий.

Атамалар (терминлар) илмий нутқда қўлланади.

 **73-машқ.** Матндан ўзбек тилига оид бўлган терминларни биринчи устунга; адабиётга оид бўлган терминларни иккинчи устунга ёзинг.


Синтаксис, проза, кўмакчи, аруз, бадийлик, синоним, юклама, ғоявийлик, кесим, бош бўлак, морфема, наср, банд, қофия, гап, фонетика, ўхшатиш, ғазал, образ, эга, феъл, прототип, ритм, сифат, лексика, сарлавҳа, вазн, аниқловчи.

**74-машқ.** Қуйидаги сўзларни гуруҳларга ажратиб ёзинг.

Косинус, ундош, цилиндр, аффикс, лексикология, теорема, кинетик энергия, синус, кучланиш, боғлама, пароним, ток, конус, қаршилик, куб, ток, ампер, тўлдирувчи.


Ўзбек тили 

Физика 

Геометрия 

**75-машқ.** Сиз мактабда ўрганадиган фанларга тегишли бўлган атамаларни жадвалга тўлдилинг.

Математика	Ботаника	Жисмоний тарбия	Рус тили

 **76-машқ.** Берилган атамаларни қайси фанда кўпроқ ишлатасиз? Шу фан ҳақидаги фикрларингизни жамлаб, боғланишли матн тузинг.

Революция, конституция, тарихий шахслар, император, хон, фронт, кўзғолон, феодализм, кулдорлик, империализм, хронология, демократия.

## 12-§. ШЕВАГА ХОС СЎЗЛАР

**1-топшириқ.** Матнни ўқинг.

**2-топшириқ.** Шевага хос сўзларни топинг. Адабий тилда қандай айтилишини изоҳланг.

Ўзбек тилининг маҳаллий шевалари талайгина.

Маълум ҳудуддагина ишлатилиб, фақат шу ерда яшовчи кишиларга тушунарли бўлган сўзлар шевага хос сўзлардир: дада (Ўш, Жалолободда) ада (Тошкентда); опадада (Ўш, Жалолободда) дода (Тошкентда); шати (Ўш, Жалолободда), нарвон (Тошкентда) каби.

Ёзувчилар бадий асарларда қаҳрамонларнинг қаерлик эканлигини, тилидаги хусусиятларини кўрсатиш учун уларнинг нутқида баъзан шевага хос кўшимча ва сўзларни ишлатадилар.

**77-машқ. 1-топшириқ.** Матнни ўқинг.

**2-топшириқ.** Шевага хос сўзларни топинг. Адабий тилда қандай айтилишини изоҳланг.

**3-топшириқ.** \*билан белгиланган гапларда тиниш белгилар қўйилиши сабабини тушунтиринг.<sup>[SEP]</sup> – Модарни кўрдиларму? – сўради Вафо аттор кемшик тишларини кўрсатиб. – Хўш, қалайлар, кампир тузукларму?

– Раҳмат! – Баширжон гапни қисқа қилиб, ўтиб кетмоқчи эди, лекин Вафо аттор:

– Бир дақиқа! – дея унинг енгидан тортди.

– Хўш!

– Инди, ука ўртоқ Зайнишув! – деди у митти кўзларини йилтиратиб.

– Биз ўзимиз бетобдурмиз, ҳовлида ногирон куррачанинг холи не кечди?\*

Кеча ўғул келиб эрди, эшшак боласига ем ва беда керак дейдур...

Баширжоннинг жаҳли чиқиб кетди, атторнинг қўлини қаҳр билан силтаб ташлади.


– Бас-да энди! – деди у кип-қизариб. – Ҳозирга қадар ўттиз сўм олдийиз...  
Ўша куррайиз икки пулга қиммат!..\*

– Мани, беморни силтаманг, ука ўртоқ Зайнишув! – деди Вафо аттор йиғламсираб. – Бобонгиз тенгиман, силтаманг мани!\*

(Н. Аминов)

**78-машқ.** Тил ва лаҳжа жиҳатдан турлича бўлган ўзбек диалект ва шева-ларарида сўзлар талаффузидаги баъзи тафовутларни аниқланг, солиштиринг.

Адабий тилда	Новкент шевасида	Бозорқўрғон шевасида	Сузоқ шевасида
Помидор Терак Олябди Этик	помилдори тэрэк олияпти ўтик	помидор тэрак оляпти ўтув	патинча тэрак олябди ўтук
Адабий тилда	Сузоқ шевасида	Ўш шевасида	Жалолобод шевасида
Анор Бозор Сарой Қозон	онор бозор сорой қозан	онор бозор сарой қозон	онар бозор сарой қозан

 **79-машқ.** Ўз шевангизга хос олтига сўз топинг ва уларни адабий тилдаги муқобиллари билан солиштиринг.

 **80-машқ.** Икки устундаги сўз бирикмаларини қоидага биноан жадвалга тўғри жойлаштиринг.

Жонли тилда айтилади: (бу нотўғри)	Адабий тилда шундай айтилади: (бу тўғри)

Олмани гули  
Каримди укаси  
Китопни муқоваси  
Толди кес  
Отти мин

Олманинг гули  
Каримнинг укаси  
Китобнинг муқоваси  
Толни кес  
Отни мин



**81-машқ. Матнни ўқиб шевага хос сўзларни кўчириб ёзинг. Уларни адабий тил ёзув меъёрига солинг.**

### Тонгги суҳбат

– Бу йил ҳам ўрикларни ушуг уради шекилли, – деди ачиниб қор ёғишини дераза ёнида кузатиб ўтирган чол.

– Совуқ урса, яна ғўра емиймизми? – хавотирланиб сўради набираси кўзларини ишқалаб, бобосининг ёнига тиз чўкиб.

– Ашинга ўхшаяпти, деди ёстикни биқинига суриб ёнбошлаган чол.

Набира маржон-маржон бўлиб ўрик шохларини безаган гулларни қор қоплаётганини жимгина кузатиб бобосига юзланди:

– Ҳозир чиқиб, шохлардаги қорни қоқиб тушириб ташасек-чи? Ашинда совуқ урмас?

– Бўлар-бўмасга элбургутан фол очмасдан, туринг, оғил-поғилни тозаленг, мол-холга қаренг, – деди буви ва набирасига юзланди. – Тур, юз-кўзингни, кир-пирингни юв, уй-пуйни шупур сен ҳам.

– Сиз индамасдан ўтириб туринг, бувиси, – мийиғида кулди чол. – Қор тинсин, ҳаммасига улгурамиз. Сиз ўзингиз чой-пой дамлаб, ош-пош қилай демейсизми?

– Вой, ана, сут пишириб қўйдим! Саҳарлаб ошга бало борми?!!

Ҳаммалари мамнун кулиб юборишди.

*Р. Розикова*



**82-машқ. Шева талаффузига биноан ёзилган куйидаги сўзларни адабий тил талаффуз меъёрига биноан айтиб, қайта ёзинг ва уларнинг айтилишида қандай тафовут борлигини тушунтиринг.**

Салимди укаси Меҳнатти роҳати  
Қозонди қопқоғи Терагди кес  
Отами тўни Эргашти чақирди  
Пулими олдим Томди тепаси  
Сизи кўрдим Бувими боласи

## 13-§. КАСБ-ХУНАРГА ОИД СЎЗЛАР

**1-топширик.** Оила аъзоларингизнинг қайси касб-хунар эгаси эканлигига қараб, уларнинг касбига оид сўзларни ёзинг.

**2-топширик.** Икки гуруҳга бўлининг. Қизлар гуруҳи. Йигитлар гуруҳи. 1-гуруҳ аёллар касбига оид сўзларни, 2-гуруҳ ўғил болалар касбига оид сўзларни доскага ёзиб, изоҳланг.

Турли касб-хунарли кишилар умумхалқ ишлатадиган сўзлардан ташқари, ўз касб-хунарларига хос сўзларни ҳам қўллайдилар.

Касб-хунарга оид сўзлар – маълум касб-хунар эгалари ишлатадиган сўзлардир.

Ёзувчилар бадиий асарларида қаҳрамонларнинг меҳнат фаолиятини кенг, ҳар томонлама ёритиш учун ушбу сўзлардан фойдаланадилар, масалан: *пойтеша, нина, чок, ангишвона, қийқинди.*



**83-машқ.** Матни ўқинг. Касб-хунарга оид сўзларни топиб, ёзинг.


Этиқдўз уста Маҳмуд хромдан ҳозирланган заготовкани учи узунчоқ ва тишли омбури билан тагига стилка ётқизилган қолипга тортди. Михдондаги ўткир учли михчалардан олиб, чарм четларига қоқди. Устидан простилка қўйди. Сўнгра мум суртилган ип билан кўклаб қўйди; этикнинг иккинчи пойини ҳам шундай қилди. Кейин сиркосада ивитилган сирачдан олиб простилкага суртди. Ундан сўнг андазага мувофиқ кесилган тагчармни аввал темир михча билан қолипга омонатгина қоқиб қўйди, панжа қисмига тагчарм чети бўйлаб рант қўйди, атрофига михчўп қадаб чикди.

**84-машқ.** Шеърини матни ўқинг. Муаллиф қайси касб ҳақида гапиряпти? Матнга қандай сарлавҳа қўйиш мумкин?

Йўғон темирни бирдан  
Қайчи билан кесамиз,  
Паровой болға билан  
Хамир қилиб эзамиз,  
Осма кранга тизиб,  
Оғир юклар ташиймиз.  
Машиналар юргизиб,  
Эритамиз қалай-мис.

*(В. В. Маяковский)*

**85-машқ.** Сартарошхонада сартарошлар қандай буюмлардан фойдаланади? Дўстингиз билан муҳокама қилиб, сартарошларнинг касб-хунарига оид сўзларидан топиб ёзинг.

 **86-машқ.** Қизлар чеварчиликда ишлатадиган сўзларни, ўғил болалар дурдорликда ишлатадиган сўзларни ёзинг. Синфда қизлар ва ўғил болалар гуруҳини ташкил этинг ва ўз ишларингизни умумлаштириб тақдимот тайёрланг.

Жуфтликда ишлаш учун топшириқ. Жадвални тегишли атамалар билан тўлдириг.

Дехқончилик хунарига оид сўзлар	Курувчилик хунарига оид сўзлар	Чорвачилик хунарига оид сўзлар	Пахтачилик хунарига оид сўзлар

 **87-машқ.** Расмни кузатинг.

*«Бизнинг мактабда ҳам жонли бурчак бор»* мавзуида эссе ёзинг. Гуруҳда муҳокама қилинг.



## 14-§. ЭСКИРИБ ҚОЛГАН СЎЗЛАР. ТАРИХИЙ СЎЗЛАР. АРХАИК СЎЗЛАР

**Топшириқ.** Арбоб, ҳаттот, расадхона, суворий, сарф, кироатхона, фармон, мударрис, кулох, ясовул, султон, шайх сўзларини қатнаштириб гап тузинг. Бу сўзларнинг маъносини тушунтириг.

Жамиятимиз шиддат билан тараққий этиб бормоқда. Йиллар ўтиши билан меҳнат қуроли, кийим-кечак, уй жиҳозларининг янги нусхалари пайдо бўлади, эскиларининг баъзилари ишлатилмай қолади, натижада уларни ифодаловчи сўзлар ҳам бор-бора жуда кам қўлланади ёки истеъмолдан чиқиб кетади.

Кундалик ҳаётда ишлатилмайдиган бўлиб қолган сўзлар эскириб қолган сўзлар дейилади.

Эскириб қолган сўзлар иккига бўлинади:

1. Тарихий сўзлар (историзмлар) – ҳозирда мавжуд бўлмаган нарса-ҳодисаларнинг истеъмолдан бутунлай чиқиб кетган номларидир: *мингбоши, канизак, додҳоҳ, халфа*.

2. Архаик сўзлар (архаизмлар) ҳозирда мавжуд бўлган нарса-ҳодисаларнинг эскириб қолган атамаларидир; бунда сўз эскиради, лекин тушунча эскирмайди, у бошқа сўз билан ифодаланадиган бўлиб қолади: *халқ* (улус), *ёзув* (битик), *район* (туман).

### 88-машқ. Ўқинг. Эскирган сўзларни аниқланг.

1. Қизга шайтон арава минишни ким қўйибди! (О.) 2. Мусулмонобод йўлида ғазотни бошлаш учун ҳамма тайёр... (А. Қ.) 3. Хуросону Мовароуннаҳр бир туғ остидадирки, биз ҳаммамиз улуғ ҳазратга хизмат қиламиз. (Мирм.) 4. – Ҳа, ҳа, энди эшон бўлиб қишлоқма-қишлоқ мурид овлаб юрибсанми? (Ғ. Ғ.) 5. Манак устига манак келди. (Ғ. Ғ.)

### 89-машқ. Кўчиринг. Эскирган сўзларни аниқлаб, маъносини изоҳлашга ҳаракат қилинг.

1. Подшо ясама оқ соқолини ичига боғлаб олган эди. (Ғ. Ғ.) 2. Аммо шу лаҳза ош сузилаётганда, эшик тақиллаб, ясовуллар афандининг оёғини ерга теккизмай олиб чиқиб кетишибди. (Мирм.) 3. Докторхона деганда Сотиболдининг кўз олдига извош ва оқ подшонинг суврати солинган 25 сўмлик пул келар эди. (А. Қ.) 4. Ўн тошча суздикмикан? – деди Жуманазар, – ўн тошча сузишимиз керак эди. (Мирм.)

### 90-машқ. Матнни ўқинг. Унда берилган эскирган сўзларни топиб, маъносини изоҳлаб беришга ҳаракат қилинг.

Акрамбой мулозим билан карвонбоши олдига бориб, воқеани унга ҳикоя қилди. Карвонбоши даъвонинг мазмунини эшитиб, жиддий бир вазият олди ва чўккалаб ўтириб, мулозимга хитоб қилиб:

«Булар, – деди даъвогарларга ишора қилиб, – менигина эмас, олий ҳазратнинг давлатларини ҳам ҳақорат қилганлар. Мен Бухорои шариф салтанат дарборининг эшик оғабошиси бўлган бўлсам, ёрлиғимда жаноби олий буйруқлари билан «уламо, фузало ва фуқаро буни ҳурмат қилсинлар» деб ёзилган бўлса-ю, икки бозорчи келиб мени қозихонага судрамоқчи бўлса. Бу қандай ҳақорат!»

Карвонбоши ўз-ўзига «астағфируллоҳ» деб бир оз жим тургандан кейин, ҳамёнини очиб беш танга олиб мулозимга бера туриб: «... бу – сизнинг хизматонангиз! – деди. – Буларни ҳозир кўз олдидан йўқотингиз». (С. А.)

### 91-машқ. Кўшк, миршаб, улус, қандил, мулозим, ботмон сўзлари иштирокида гаплар тузинг. Шу сўзларнинг маъносини изоҳлашга ҳаракат қилинг.

## 15-§. ЯНГИ ПАЙДО БЎЛГАН СЎЗЛАР

### 1-топшириқ. Ўқинг. Янги сўзларни изоҳланг.

Бакалавр – тўрт йиллик олий таълим босқичи. Магистр бакалаврдан кейинги босқич бўлиб, унда яна икки йил ўқилади.

2-топшириқ. Академик лицей, коллежлар ҳақида нималарни биласиз, сўзлаб беринг.



Ҳаёт, фан, техника ва саноатнинг ривожланиши билан янги-янги меҳнат куруллари, жиҳозлар, ишлаб чиқариш машиналари пайдо бўлмоқда. Кунинча компьютер янги сўз эди, ҳозирга келиб скайп, агент болалар учун ҳам янгилик бўлмади қолди.

Тилда эндигина қўлланаётган сўзлар янги пайдо бўлган сўзлар (неологизмлар) саналади: сайт, файл, шоу, дебат.

**92-машқ. Кўчиринг. Бутунлай янги кириб келган сўзлар ва янги маъно касб этган сўзларни топиб, уларнинг маъносини изоҳланг.**

1. Бешинчи ё олтинчи мартасида гўшакни Жамшид олди! (Т. М.) 2. У ноёб хислатли аксилдунё вакиллари билан мулоқотга кириша оладиган ўта сезгир одам эди. (Тўхтамиш, Ҳақимбек) 3. Ўнта эмас, учта. Учтинчи кўз – гипофиз. Гипофиз ана ўша аураларни қабул этади. Укангизни ҳам, сизни ҳам бегона энергоинформацион майдонлар безовта қилган. (Т. М.) 4. Бироқ энг алам қиладигани шу эдики, унинг ақлдошлари – сайёра эгалари ўзларига ўхшаш ва айни замонда ўхшамайдиган «бу икки оёқли маҳлук»қа негадир душманлик кўзи билан қарашарди. (Р. Обидов)

**! 93-машқ. Матнни ўқинг. Исириқнинг табобатдаги хусусиятларини билиб олинг.**

### Исириқ

Исириқ туятовондошлар оиласига мансуб бўлиб, бўйи 20–70 сантиметр га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Пояси бир неча, сершоҳ. Барглари ингичка, бир неча бўлақларга бўлинган. Кул ранг, яшил тусли. Улар пояси бўйлаб жойлашган, бандсиз. Илдизи ер остига чуқур жойлашган. Гуллари оқ, диаметри 4 сантиметр гача бўлади. Меваси кўп уруғли, уч чанокли кўсакча. Исириқ май - июнь ойларида гуллайди, меваси июнь - августда пишади. Бу ўсимлик қурғоқ ерларда ва даштларда, шўрхокроқ ерларда ўсади.

Исириқ илдизида 3,3 %, поясида 3,57% гача, баргида 4,96 % ва уруғида 6,60 % гача алколоидлар борлиги қайд қилинган бўлиб, улар йиғиндисидан гармалин, гармин, пеганол каби моддалар ажратиб олинган.

Исириқ қадим замонлардан бери Шарқ халқлари табобатида қўлланиб келинаётган шифобахш гиёҳлардан саналади. Халқ табобати исирикни қайнатмасидан тери касалликларида, бодни даволашда ванна қилиш йўли билан фойдаланишни тавсия этади. Шунингдек, исирикдан тайёрланган қайнатма ва дамламалардан безгак, тутқаноқ, невростания, шамоллаш билан боғлиқ бўлган хасталикларда фойдаланилади. Исириқдан тайёрланган қайнатмалардан оғиз чайқаладиган бўлса, оғиз бўшлиғи ва томоқ шамоллашдан халос бўлади.

Абу Али ибн Сино исирикни куймич асаблари шамоллаганида, тизза ва суяклар қақшаб оғриганда оғрик қолдирувчи омил сифатида ишлатишни тавсия этган. У исирикдан кучли сийдик ҳайдовчи дори сифатида фойдаланган.

Исириқнинг сўт ширасига ўн кун давомида шимдирилган пахта ёки жунли мато қичима билан оғриган беморларга суртилса, улар анчагина таскин топади.

Исириқ ва зиғир уруғининг қайнатмаси нафас олишнинг қийинлашишида, қалампир уруғи қайнатмаси билан бирга захмбоб касалликларини даволашда ишлатилади.

(«Шифобахи неъматлар»дан)

**94-машқ. Гапларни ўқинг. Янги кириб келган сўзлар билан янги маъно касб этган сўзларни топинг.**

1. Муддаони ўзимизбоп қилиб айтинг-қўйинг, мулла. (М. И.) 2. У ўзининг сурати туширилган ва кинофильм номи ёзилган рангли қоғозчани кўра бошлади. (В. Александров) 3. Юпқа симтўрга ўраниб олинса, Штирнер тарқатган электр тўлқинлари тўрга урилиб, ерга ўтиб кетади. (А. Беляев) 4. Ахир биоқурилма деб аталадиган сезги аъзоларимиз ўша сигналлорди, сигналлорти сигналларни тутиш ёки сезиш-да фаол иштирок этиб, келажақда содир бўладиган воқеа ёки ҳодисаларни олдиндан айтиб беради-ку! (Тўхтамиш, Ҳақимбек)



**95-машқ. Интернет, скайп, агент, вирус, антивирус каби сўзлардан фойдаланиб гаплар тузинг. Улар қандай маъно ифодалашини изоҳлаб беринг.**

## 16-§. ОЛИНМА СЎЗЛАР

**1-топшириқ. Университет, коллеж, бакалавр, магистр сўзларини қатнаштириб гаплар тузинг.**

**2-топшириқ. Юқоридаги сўзлар қандай маъно англатишини ўқитувчингиз ёрдамида ва изоҳли, таржима луғатларидан фойдаланиб, билиб олинг.**

Бошқа тиллардан ўзбек тилига кириб ўзлашиб қолган сўзларга олинма (ўзлашма) сўзлар дейилади: *телевизор, газета, радио, лицей*.

Бундай сўзлар бир тилдан иккинчи тилга сиёсий, ижтимоий, маданий алоқалар натижасида ўзлашади.



**96-машқ. Берилган сўзлар қандай маъно англатишини ўйлаб кўринг. Бу сўзларни қаерда эшитгансиз?**

Компания, металл, грамматика, нота, генерал, поэма, сержант, банк, интернет, чат, антивирус, теплоход.

**97-машқ. Берилган сўзлар қаторида битта бегона сўз бор, уни топинг. Қайси жиҳатларига қараб уни билиб олдингиз, изоҳланг.**

1. Волейбол, баскетбол, футбол, шахмат, хоккей.
2. Ёмғир, қор, дўл, об-ҳаво, жала
3. От, сифат, олмош, равиш, сўзлар

**98-машқ.** Қавслар ичидан шундай 2 та сўзни топингки, улар қавс олдида турган сўзнинг моҳиятига айнан тегишли бўлсин.

Спорт (медаль, стадион, ғалаба, мусобақа, оркестр)

Узук (диаметр, печать, айлана, олтин, проба)



**99-машқ.** Ўзлашма сўзлар ҳақидаги фикрингизни ота-онангизга гапириб беринг. Улар ёрдамида 6 та гап ёзинг. Гаплар ичида ўзлашма сўзлардан унумли фойдаланинг.

## 17-§. ИБОРА

**1-топшириқ.** Биринчи устундаги сўзлар билан иккинчи устундаги сўзларни қиёсланг.

Тинчиди кўнгли жойига тушди

Аччиқланди тепа сочи тикка бўлди

Ювош қўй оғзидан чўп олмаган

Раҳмдил кўнгли бўш

**2-топшириқ.** Иккала устундаги сўзларни қатнаштириб тўртта гап тузинг.

Икки ва ундан ортиқ сўздан таркиб топган ва яхлит бир маъно ифода-лайдиган сўзлар қўшилмаси ибора (фразеологик birlik) дейилади: *тарвузи қўлтигидан тушди, лом-мим демади, боши берк кўчага кириб қолди, тилидан бол томади.*

Иборалар аҳамияти ва қўлланиши жиҳатидан сўзга тенг бўлади.

Иборалар кўчма маъно ифодалайди. Иборалар кўпроқ сўзлашув нутқда ҳамда бадиий адабиётда ишлатилади. Улардан ўринли фойдаланиш нутқнинг таъсирчанлигини оширади.

Тилшунос олимлар нутқимиздаги барча ибораларни тўплаб фразеологик луғат тузганлар.

**100-машқ.** Ўнг томондаги ибораларга чап томондаги муқобил сўзларни қўйиб кўчиринг.

Ёғ тушса ялағудек

анқов

Оғзинг қани деса қулоғини кўрсатади

озода

Тилидан бол томади

жуда шошиб

Оёғи куйган товукдек

мулойим



**101-машқ.** Ибораларни ўқинг. Қандай маъно ифодалашини тушунтиринг.

1. Кўкраги тоғдай кўтарилди. 2. Калаванинг учи топилди. 3. Юраги тарс ёрилди. 4. Чизган чизиғидан чиқмаслик. 5. Нафаси ичига тушиб кетди.



**102-машқ. Берилган сўзлар ўрнига қандай ибораларни ишлатиш мумкин?**

Ранжиди, қувнади, кўрқди, кутди, озода, билимли, шошди.



**103-машқ. Берилган иборалар иштирокида гаплар тузинг. Қандай маъно ифодалаб келганлигини изоҳланг.**

Кўзининг қорачиғи. Кўзи мошдек очилди. Ичаги узилди. Ерга ҳам, кўкка ҳам ишонмайди. Суягидан ўтиб кетди.

## 18-§. ТАСВИРИЙ ИФОДА

**1-топширик. Биринчи устундаги сўзлар билан иккинчи устундаги сўзларни қиёсланг.**

Дала маликаси – маккажўхори

Оқ олтин – пахта

Мўйқалам соҳиблари – рассомлар

Қушлар – қанотли дўстлар

Ақл гимнастикаси – шахмат, математика

**2-топширик. Берилган тасвирий ифодаларни англатган маъноларига қараб тушунтиринг.**

Ғазал мулкининг султони, зангори экран, ойнаи жаҳон, чарм қўлқоп устаси, саломатлик посбонлари, олтин бошоқ.

Нарса-буюмнинг номини аниқ атамай, уни тасвирлаб англатадиган сўз бирикмаси тасвирий ифода дейилади: *фазогирлар* – само лочинлари; *бункер* – пўлат этак; *пилла* – кумуш тола.

Тасвирий ифодалар нарса ва ҳодисаларнинг иккинчи номи ҳисобланади. Тасвирий ифодалардаги битта сўз ҳар доим ўз маъносида бўлади, шу билан улар иборалардан фарқ қилади.

Тасвирий ифодалар нутқ гўзаллигини таъминловчи асосий воситалардан биридир.

**104-машқ. Ўнг томондаги тасвирий ифодаларга чап томондаги муқобил сўзларни қўйиб кўчиринг.**

Пўлат от чавандози

механик-ҳайдовчи

Зангори кема капитани

шифокор

Саломатлик посбони

кўмир

Қора олтин

ипак

Кумуш тола

қушлар

Қанотли дўстлар

комбайнчи

**105-машқ. Қуйидаги тасвирий ифодаларнинг маъноларини изоҳланг.**

Келажак авлод, саломатлик посбонлари, ғазал мулкининг султони, ватан посбонлари, баҳор элчилари, бахт қуши, само бекалари.

**106-машқ. Кўчиринг. Тасвирий ифодаларнинг маъноларини изоҳланг ва намунадагидай жадвалга тўлдириг.**

Уйғониш фасли, мангу музликлар, нон шаҳри, яшил водий, пўлат от, билим булоғи, кумуш тола, маърифат маскани, ҳаётимиз қомуси, кунчиқар мамлакат, олтин бошоқ.

Тасвирий ифодалар	Маънолари
Олтин бошоқ	бугдой

**107-машқ. Кўчиринг. Гаплар таркибидаги тасвирий ифодаларни топиб, маъноларини изоҳланг.**

1. Улар олдида Меъмор кўзига ёш олмади, фақат фалакнинг гардиши—ўз қисматининг аччиқ эканини айтди, холос. (Мирм.) 2. Бунда унинг кўз қорачиғи – фарзанди ер тишлаб ётибди. (Мирм.) 3. Ҳар бир миллатнинг бахтли турмуш тарзи ўша миллатнинг халқпарвар давлат устунларига боғлиқ бўлади. (Газ.) 4. Шунинг учун уларга ўрмон хўжайини деб ном берилган. (Р. Расулов) 5. Қабристоннинг пастак деворига қадалган энсиз йўлакчадан бораётган Анвар беихтиёр индамаслар дунёсига кўз ташлади. (Т. М.)



**108-машқ. 1-топшириқ. Матни ўқинг.**

### Хумо қуши

Сомон сувоқ томимизнинг орқасида шу томга шохлари тарвақайлаб ўсган гилос бор эди. Сарик гилос эди. Шохлари доимо қўнғир тусда атласдек ялтираб, эски пўстлари кўчиб ётарди. Биз гилос устида ўйнашни, шохдан-шохга осилишни яхши кўрар эдик. Томдан гилосга, гилосдан томга ўтардик. Томдан лолақизғалдоқлар терардик.

Гилоснинг силлиқ шохлари яланг оёқларимизга ғоятда хуш ёқарди.

Бир куни тонг азонда уйқум қочиб, ҳовлимизнинг чеккасидаги кичкина эшиқдан югуриб боққа чиқдим. Балки қирқ саккизинчи йил эди, балки қирқ тўққиз, ҳар ҳолда эллигинчи йил эмасди.

Чопқиллаб гилос тагига бордим. У ерга етмасимдан тўхтаб қолдим. Гилос тагидаги қанотлари худди сарик атласдай, қизил, мовий, сарик товланган бир ғаройиб қуш менга хуркиб қараб турар эди. Унинг гўзал бошида йилтиллаган чўғдай кичкина тожиси ҳам бор эди.

Мен ҳеч қачон бундай қушни кўрмаган эдим. Холбуки, бизнинг томонларда қушлар ғоятда кўп, бу ерлар қуш сайроғи оламни тутар жойлар эди.

Қуш беҳад гўзал ва хуснкор эди. Негадир учиб кетмас, ҳамон хуркиб менга қараб турарди. Мен беихтиёр бир қадам ташладим. Қуш зум ичида кўздан ғойиб бўлди.

Мен то мана бугунга қадар ўша қуш каби қушни бошқа учратмадим. Ҳанузгача ўн яшар бола тасаввурига афсоналардек товланиб кириб келган ўша қушни эслайман. Яна бир кўрсайдим, у билан бирга ўша узунлаб кетган саришта, жозибали ишқомлар узра учсайдим дейман. Лекин бундай қуш одамга бир мартагина учрайди. Яхши одамлар билан учрашсам, ўша қуш эсимга тушади. Одамлар олтиндан ҳам қимматлироқ сўзларни менга ҳады этсалар, ўша қушни эслайман.

(«Эсдалиқ» дан)

## **2-топшириқ.**

Матн мазмунини қайта ҳикоя қилинг.

## **3-топшириқ**

1-шаҳсга исм қўйиб, III шаҳсда баён ёзинг.

## **19-§. ЛЕКСИКОГРАФИЯ (ЛУҒАТШУНОСЛИК). ЛУҒАТ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ**

**1-топшириқ.** *Таажжуб, санъат, ахлоқ, сермашаққат* сўзларини ўқинг. Буларнинг тўғри ёзилиши ва тўғри ўқилиши қайси луғатларда берилишини эсланг.

**2-топшириқ.** *Оила, Ватан, дўстлик, билим* каби сўзларнинг русча таржимасини «Ўзбекча-русча сўзлар луғати»дан билиб олинг.

**3-топшириқ.** Ватан ва билим сўзлари иштирокида боғланишли 2 та гап тузинг. Шу сўзларнинг изоҳини «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»дан билиб олинг.


Тилимиздаги сўзларнинг алифбо тартибида жойлаштирилишига луғат, луғат тузиш қоидаларини ўрганувчи тилшунослик бўлими эса лексикография (луғатшунослик) дейилади.

Тилдаги барча сўзларнинг қандай маъно билдиришини таништирувчи луғат изоҳли луғат ҳисобланади. Сўзларнинг тўғри ёзилишини кўрсатувчи луғат имло луғатидир.

Бир тилдаги сўз иккинчи тилда қандай сўзга тенг келишини кўрсатувчи луғат таржима луғатидир.

**109-машқ.** Мактаб кутубхонасига кириб, унда қандай луғатлар борлигини билиб олинг. Шу луғатларнинг муаллифлари, китобнинг чиқарилган санаси ва қанча саҳифадан иборатлиги ҳақида ён дафтарчангизга намунадагидек ёзиб олинг.


Китобнинг номи	Муаллиф ёки муаллифлари	Китобнинг чиққан санаси	Қанча саҳифадан иборат
«Имло луғати» (мактаб ўқувчилари учун)	Й.Абдуллаев, М.Омилхонова, С.Зуфарова	1976 йил	176 бет

 **110-машқ.** Дўстингиз билан биргаликда «*Бизнинг мактаб*» мавзусида 4 та гапдан иборат кичик ҳикоя тузинг. Ёзган ҳикоянгизни қирғиз тилига таржима қилишга ҳаракат қилинг.

**111-машқ.** Матни ўқинг. Сизга ёққан сўз ва жумлалар олдида «!» белгиси қўйинг. Қўйилган белги ҳақидаги шарҳларингизни қуйидаги жадвалга тўлдиринг. Уни синфда муҳокама қилишга тайёрланинг.

«!»	Шарҳларим

Инсоният тўплаган билим – бебаҳо хазина. Уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Чунки куч – билим ва маърифатда. Шу билимлар ўз умрини китобларда давом эттиришади. Сабаби ҳар бир аждод ўз авлодларига энг қимматли китобларни қолдириб кетган. Бу ҳақда француз ёзувчиси, маърифатчи-файласуф Франсуа Вольтер шундай деган: «Ёзилаётган асарлар шу қадар кўпайиб кетганки, яқин келажакда ҳамма нарса танлаб олинган фикрлару луғатларга бориб тақалиши муқаррардир».

 **112-машқ.** Ватанпарвар сўзининг маъносини «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»дан кўриб билиб олинг. «*Ватанпарвар ким?*» мавзусида кичик эссе ёзинг. Уни муаллиф курсисида тақдирот қилишга тайёрланинг.

 **Мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Лексикография бўлими нимани ўрганади?
2. Луғат деганда нималар кўз олдингизга келади?
3. Луғатнинг қандай турларини биласиз? Мисоллар келтиринг.
4. Ибораларни ўрганадиган луғат қандай номланади?
5. Сўзларнинг маъносини изоҳлаб берадиган луғат қандай номланади?
6. *Билим, ақл, олам, коинот, денгиз* сўзларининг русча таржималарини топинг. Бунинг учун қандай луғатдан фойдаланасиз?
7. А. Авлонийнинг тўртлигини ўқиб, ажратиб кўрсатилган сўзларни изоҳли луғатдан топиб, маъносини тушунтиринг.

Яхшилиқ қилсанг, бўлур жонинг **омон**,  
Яхшилиқдан ҳеч киши қилмас **зиён**.  
Яхши сўз бирлан илон индан **чиқар**,  
Сўз ёмон бўлса, пичоқ **қиндан** чиқар.

8. *Ахтармоқ, ашъор, галерея, кирсовун, зараркунандалик* сўзларини имло луғатидан топинг. Сўзларни қандай тартибда топдингиз? Тушунтиринг. Ёзилишига эътибор бериб, эслаб қолинг.

9. Ўзбек тили луғатининг бойишига қайси тилдан кирган сўзлар кўпроқ таъсир кўрсатган деб ўйлайсиз?

10. Синфдошларингизнинг исмларини алфавит тартибида ёзиб чиқинг. Уларнинг маъноларини сўранг.

**113-машқ. 1-топширик. Матни ўқинг.**

### Бургутнинг тақдири

Ҳайвонлар, қушлар кўпинча вафодор бўладилар. Шунинг учун ҳам бирор жониворни душман деб билган тақдирда ҳам, ўтакетган ёвузлик билан қасос олиш ёки биринчи бўлиб ҳамла қилиш инсонга хос фазилат эмас. Аммо инсон ўзининг сунъий қасди ёки қўпол «муомаласи» билан жониворларнинг «ҳимоявий» хўжалигига гирифтор бўладилар.

Қадим замонда овга ишқибоз бир подшоҳ бўлиб, унинг шиддатли бир бургутни бор экан. Бир кун подшоҳ овга чиқибди. Тасодифан оҳуни кўриб қолибди. Мулозимларидан ажралиб, оҳуни қувиб кетибди. Қанчалик уринмасин бари бир ушолмай ҳориб-чарчабди. Ташналик қийнай бошлабди. Узоқдан бир дарахт кўринибди. Подшоҳ ўша томонга қараб от солибди. Дарахт устида каттакон бир илон ётар экан. Подшоҳни кўриши биланок идишга заҳар сочиб қўйибди. Идиш заҳарга тўлгач, подшоҳ ичмоқчи бўлибди. Шу чоқ бургут бир қанот қоқиб, сувдонни тушириб юборибди. Подшоҳ бургутдан хафа бўлибди. Сувдонни қайтадан томчи остига қўйиб тўлдиргач, эндигина оғзига олиб борган экан бургут яна тўкиб юборибди. Подшоҳ қаҳрланиб, бургутни ерга уриб ўлдирибди.

Шу чоқ хизматкори етиб келибди. Қараса, бургут ўлиб ётибди. Подшоҳ эса ташналиқдан мажолсиз экан. Дарров ўзининг сувидан қўйиб подшоҳга узатибди. Подшоҳ ташналиқни қондиргач, хизматкори ундан: «Нега бургутни ўлдирдингиз?» – деб сўрабди. Подшоҳ воқеани айтиб берибди. Зийрак хизматкор дарахт тепасига қарабди-да: «Бургутни бекор нобуд қилибсиз, шохим, – дебди. – Қаранг, бургут сизни қандай балодан асрабди. Сиз ичмоқчи бўлган нарсасув эмас, илоннинг заҳари экан».

**2-топширик. Қуйида берилган режа асосида матни қайта ҳикоя қилинг.**



Режа:

1. Инсонга хос фазилат.
2. Бургутнинг сезгирлиги.
3. Яхшиликка ёмонлик.

**3-топширик. «Яхшиликка ёмонлик» мавзуида ижодий баён ёзинг.**

## 20-§. СЎЗ ЯСАЛИШИ ВА ИМЛО ТАКРОРЛАШ

Сўз ясалиши тилшунослик фанининг бир бўлими бўлиб, бу бўлимда сўзнинг икки томони ўрганилади: 1) сўз ясалиши; 2) сўз тузилиши

Ўзак ва қўшимчалар сўзнинг маъноли қисмларидир.

Ўзак сўздаги маъноли қисмларнинг етакчиси бўлиб, у бошқа маъноли қисмларга бўлинмайди: *боғ, боғбон, боғли, боғсиз.*

Бир ўзакдан ясалган сўз ўзакдош (асосдош) сўзлар дейилади: туз, туздон, тузла.

## 21-§. СЎЗ ЯСОВЧИ ҚЎШИМЧАЛАР. ШАКЛ ЯСОВЧИ ҚЎШИМЧАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ

**1-топширик. Пўлат Мўминнинг «Қуёш ва бола» шеърдан берилган шеъринг парчани ўқинг. Ундаги асосий фикрни аниқланг.**

Эрта билан бир ўғлон  
Қуёшга сўзлар шодон:  
-Офтоб, Офтоб, ҳой Офтоб,  
Нуринг, меҳринг беҳисоб,  
Эрта билан чиқасан,

Зулматларни йиқасан,  
Ҳар тонг сени кутаман,  
Нурингга гул тутаман,  
Миннатдорман ҳар қачон,  
Омон бўлгин, Қуёшжон.

**2-топширик. Ажратиб кўрсатилган сўзлар қандай қўшимчалар билан келганлигини айтинг.**

Ўзакка (асосга)га қўшилиб, янги маъно ясайдиган қўшимчалар сўз ясовчи қўшимчалар дейилади: *иш – ишла– ишчан– ишсиз.*

Ўзак (асос) га қўшилиб, унинг маъносига қўшимча маъно бериш ёки ўзи қўшилаётган сўзни бошқа сўзга боғлаш вазифасини бажарувчи қўшимчаларга шакл ясовчи қўшимчалар дейилади.

Шакл ясовчи қўшимчалар вазифасига кўра икки хил бўлади: 1) луғавий шакл ясовчи; 2) синтактик шакл ясовчилар.

Ўзакка (асосга)га қўшилиб, унинг маъносига қўшимча маъно юкловчи қўшимчалар луғавий шакл ясовчи қўшимчалар дейилади. Уларга кўплик,

кичрайтириш-эркалаш шакллари, сифат даражалари ясовчи қўшимчалар ва бошқалар киради.

Ўзи қўшилаётган сўзни бошқасига боғлаш вазифасини бажарувчи қўшимчалар синтактик шакл ясовчи қўшимчалар ёки муносабат шакллари дейилади. Буларга эгалик, келишик, шахс-сон қўшимчалари киради.

**114-машқ. Мақолларни ўқинг. Қўшимчаларни аниқлаб, уларни изоҳланг.**

1. Қўшнинг тинч – сен тинч. 2. Ҳаракат, ҳаракатдан баракат. 3. Қиш ғамини ёз ўйла. 4. Оз сўзла, кўп тингла. 5. Куч – бирликда. 6. Камтарга камол, манманга завол.



**115-машқ. Матнни ўқинг. Шакл ясовчи қўшимчаларни аниқланг.**

Ёғлар тўкилса ерга ётиб ялар тақсирим,  
Бўлса бозорда пастлик сотиб олар тақсирим.  
Менинг учун бир зирак, Раънобонуга жевак»,  
Деса ойим – «Не керак?!» Юмма талар тақсирим,  
«Қулоқ тешиш фазл эмас, пулни топиш ҳазил эмас,  
Жевак тақиш фарз эмас!» – ғавғо солар тақсирим.

*А. Қод.*



**116-машқ. 1-топшириқ. Ўқинг. Матнлар мазмунан нимаси билан бир-бирини тўлиқлаб келяпти? Шарҳланг.**

**2-топшириқ. Матнларни давом эттиринг. «Илм» ва «Ота-она» мавзуга оид мақол ва ҳикматли сўзлардан мисол келтириб ёзинг.**

**3-топшириқ. Қўшимчаларни аниқланг. Шарҳланг.**

### **Илм**

Илм олиш ўқиш, ўқиш, ўрганиш демақдир. Одам боласи туғилганда яхшидан ёмонни, оқни қорадан ажрата олмайди. Сўнгра кунлар, ойлар, йиллар ўтиб, оз-оз ўрганиб, ҳамма нарсани билиб олади. Оталаримиз, оналаримиз, муаллимларимиз, китоблар ва дўстларимиздан билмаган нарсаларимизни сўраймиз ва ўрганамиз. Илм одамнинг зехнини, ақлини ортттиради, билмаган нарсани билдиради. Илмли киши эса иззатли бўлади.

### **Ота-она**

Азиз болалар, сизга дунёда ҳақиқий дўст, энг яқин кишилар ўз ота-оналарингиздир. Сиз эрта билан туриб, мактабга келасиз. Кечқурун бориб уйингизда роҳат қилиб ётасиз. Ҳеч нарсанинг ташвишини қилмайсиз. Ҳолбуки, ота-оналарингиз сиз учун машаққат чекадилар. Шунинг учун ота-оналарингизни ҳурмат қилинг ва қадрланг.

## 22-§. СЎЗ ТАРКИБИДА ТАРТИБ

Сўзнинг маъноли қисмлари маълум тартибга эга. Улар қуйидагича жойлашади: ўзак (асос)+ сўз ясовчи қўшимча + луғавий шакл ясовчи қўшимча+ синтактик шакл ясовчи қўшимча: *гул+чи+лар+имиз+нинг*.

**117-машқ. 1-топширик. Матнни ўқинг. Аллома Рудакий ҳақида нималарни биласиз? Қайта ҳикоя қилинг.**

**2-топширик. Ажратилган сўзларни маъноли қисмлари тартибида таҳлил қилинг.**

**3-топширик. \*билан белгиланган гаплардаги тиниш белгиларининг қўйилиш сабабини тушунтиринг.**

### Абу Абдуллоҳ Рудакий

(860–941)

Абу Абдуллоҳ Жаъфар Рудакий тахминан ҳижрий 243 (860) йилда Самарқанд яқинидаги Панжрудак қишлоғида, деҳқон оиласида туғилди. Бу даврда Мовароуннаҳр Эрон, Ҳиндистон, Хитой, Миср ва Сурия билан савдо ва маданий **алоқаларни** яхши йўлга қўйган эди.\*

X асрда Бухоро, Самарқанд, Урганч, Марв, Нишопур, Балх, Зарафшон водийсининг юқори қисми хунармандчилик, савдо ва маданий марказларга айланган эди.\* Айниқса, Бухоро шаҳри IX–X асрлардаёқ Шарқнинг энг йирик маданий марказларидан бири бўлган.

Рудакий ёшлигиданоқ шеърятга ихлос қўйди, ўз замонасининг машҳур чолғучиси Абул Аббос Бахтиёр қўлида мусиқадан маълумот олди. Дастлабки маълумотни ўз қишлоғида олган Рудакий ўқиш учун Самарқандга борди. У ерда чуқур билим олиб, тез орада адабиёт ва санъат соҳасида ҳам донг чиқаришга муваффақ бўлди.

Рудакий шеърят вазифасини кишилар қалбига таъсир этиш, «сангу-сандон юракларни мум каби юмшатиш» деб билди. Унинг асарларида халқчил ғоялар кучли. Қадимги **манбаларда** Рудакийнинг «Офтоб даврони», «Ароис ан-нафоис» («Нафис куртаклар») ва «Синдбоднома» достонлари бўлганлиги ҳақида маълумотлар учрайди.

Рудакийнинг қасидаларидан «Модари май», «Дар васфи Бухоро» ва «Шикоят аз пири» («Қариликдан шикоят») бизгача етиб келган. Рудакийнинг ижодида X асрнинг ижтимоий ҳаёти ўз аксини топган. Унинг ҳамма асарларида халқнинг орзу-умидлари, манфаатлари ифода қилинган.

Рудакийнинг ахлоққа оид асарларида ақл-идрок, хулқ-атвор ва билимасосий ўринни эгаллаган.\* Мутафаккир билимни ҳамма **бойликлардан** устун қўяди. Унинг айрим насихатлари инсоннинг қандай ҳолатда бахтли бўлиш шароитларини аниқлашга ёрдам беради. Рудакийнинг фикрича, инсоннинг тўла бахтга эга бўлиши учун **тўрт нарса** керак: **соғлиқ, яхши ном ва ақл**.\* У инсонларни воқеаларнинг ички моҳиятидан унинг ташқи томонини

ажрата билишга чақиради. У яхшилик, сахийлик ва улуғворликни тарғиб қилади.

Рудакийнинг табиат гўзалликларини ифода этган асарлари жуда жозибалидир. Унинг асарларида Ватанга, халққа муҳаббат мавзуларигина ёритилмай, кенг фалсафий фикрлар ҳам баён этилган. Масалан, «Кексалик қасидаси» асарида моддалар бир шаклдан иккинчи шаклга ўтишини ҳамда йўқ бўлиб кетмаслигини таъкидлайди.

Буюк мутафаккир кишилар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик кишилик жамияти учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини бир неча бор таъкидлаб ўтган. Унинг фикрича, ҳақиқий дўстлик учун кишиларни ҳатто турли динда бўлишлари ҳам халақит бера олмайди. Унинг қуйидаги сатрлари диққатга сазовордир:

Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун,  
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.

Рудакий ҳаётнинг ўзини биринчи устод ҳисоблайди ва ундан таълим олишига ундайди:

Ҳар киши олмаса ҳаётдан таълим,  
Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим.\*


(М. Ҳайруллаев)

#### 4-топширик.

Ҳар киши олмаса ҳаётдан таълим,  
Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим

ҳикматини қандай тушундингиз? Изоҳ беринг.

#### 5-топширик. Ушбу ҳикматни ёдланг.

 **118-машқ.** Нукталар ўрнига қавс ичидаги қўшимчалардан мосини қўйиб тартиб билан кўчиринг.

1. У овутиб турган укам (-ни, -нинг) қўйди-да, кўғирчоқлари (-нинг, -ни) олди (-га, -да,-дан) югуриб кетди.(Ғ.Ғ.) 2. Жониворлар ичи (-да, -дан,) энг кичиклари чумолидир. (А.А.) 3. Қадрни (-ни, -нинг) билган киши (-га, -да), шубҳасиз, жондир китоб (Ҳ.Ҳ.) 4. Бор эди Кашмир навоҳи (-да,-га,-дан) тоғ, Боғи Эрам рашкидин кўкси (-да,-га) доғ. (Г.)

**119-машқ.** *Сирли катаклар!* Бўш катакларга керакли унлиларни қўйсангиз, дўстлик ҳақидаги афоризмни ўқийсиз.

Д	ст	д	с	т	и	г	ж	н	и
н	қ	и	л	д	и	қ	л	қ	н,
Д	с	т	д	н	ҳ	а	м	я	х
ш	р	қ	б	р	м	и	ҳ	ч	
	н	с	н	?					

Абу Шукур Балхий

## 23-§. СЎЗЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИГА КЎРА ТУРЛАРИ. СОДДА СЎЗЛАР

**1-топширик.** Абулқосим Фирдавсийнинг қуйидаги ҳикматли сўзини ўқинг, ундаги асосий фикрни аниқланг.

Ўзининг айбини билганда одам,  
Бошқалар айбини сўзламасди ҳам.

**2-топширик.** Ажратиб кўрсатилган сўзлардан қайси бирини туб, қайси бирини ясама сўз деб аташимиз мумкин? Нега?

Сўзлар тузилишига кўра содда, қўшма, жуфт ва такрорий сўзларга бўлинади.

Содда сўзлар бир ўзак (асос) дан иборат бўлган сўзлардир: *ер, дарё, боғ, дунё.*

Содда сўзлар икки хил: туб сўз (таркибида фақат ўзак: иш, боғ, бўр) ва ясама сўз (таркибида ўзак ва ясовчи қўшимча: ишсиз, боғла, бўрла).

**120-машқ.** Матнни ўқинг. Ундаги асосий фикрни аниқланг. Туб ва ясама сўзларни айтинг.


Бешиктерватар бирор хавф-хатар пайдо бўлганида, гавдасини тошдек қотириб, қимир этмай жим қолади. Бу билан у душманнинг кўзига чалинмасликка ҳаракат қилади. Душман илғаб қолса-чи? Унда бешиктерватар дарҳол химоя кўринишидан ҳужумкор кўринишга ўтиб, қилтиғли олд оёқларини кенг тутиб, ҳамлага шайланади ва пўписа ўрнида икки ёнга тебрана бошлайди. Унга ҳужум қилган ҳар қандай кичикроқ йиртқич зарба ейиши турган гап...

*(Ақром Аминов)*

### «Варрак»

Топширик: ушбу модель бўйича сўзлар тузинг. (Бир нечта варианты бўлиши мумкин):

В - - - -  
- В - - -  
- - В - -  
- - - В -  
- - - - В  
- - - В -  
- - В - -  
- В - - -  
В - - - -

 **121-машқ.** Сўзларни туб ва ясама сўзларга ажратиб жадвалга жойланг.

Гулдон, пахта, сувчи, ошхона, ошпаз, хабар, мева, ошқошиқ, чойдон, ошхўр, ихтиро, тиним, тинимсиз, беғараз, кулмоқ, боқмоқ.

Туб сўз	Ясама сўз

### Бегонасини топинг!

Ҳар бир қаторда бештадан сўз берилган. Улар орасида биттадан бегона сўз бор. Шу бегона сўзларни топиб, қайси жиҳатлари билан бошқаларига ўхшамаслигини тушунтиринг.

- 1) соат, дақиқа, йил, ҳафта, эрталаб
- 2) ботир, жасур, золим, қатъиятли, қўрқмас.

## 24-§. ҚЎШМА СЎЗЛАР ВА УЛАРНИНГ ИМЛОСИ

**1-топширик.** Қуйидаги гапни ўқиб, қўшма сўзни аниқланг. У қандай маъно англатяпти? Шундай қўшма сўздан ташкил топган жой номлари, каналларни биласизми?

Йигит ивирсиб ўчоққа ўт қалади-да, челақ олиб пастга, Хонариққа тушиб кетди. (Х.С.)

**2-топширик.** Берилган гапни ўқиб, ажратилган сўзнинг маъносини тушунтириб беринг. Таркибида қайси сўз туркумига оид сўзлар борлигини айтинг.

Кунботарда бир муддат чўғдай яллиғланган шафақ аста-секин сўнди.


Икки ва ундан ортиқ ўзақлар (асослар)дан ташкил топиб, битта сўроққа жавоб бўлган сўзлар қўшма сўзлар дейилади: *гултоғжихўроз, ерэнгоқ, отбоқар.*

Қўшма сўзлар ёзилишига кўра икки хил бўлади: 1) қўшиб ёзиладиган қўшма сўзлар; 2) ажратиб ёзиладиган қўшма сўзлар.

Биринчи сўзи бир сони ва ҳар, ҳеч олмошлари бўлган қўшма сўзлар ажратиб ёзилади: *бир тилим, ҳар хил, ҳеч бўлмаса.*

**Эслатма:** бирпас, бирйўла сўзлари қўшиб ёзилади.

Қолган барча қўшма сўзлар қўшиб ёзилади: *бўриқалла, карнайгул, оққуш, қисқичбақа, лолазор.*

 **122-машқ.** Матнни ўқинг. Қўшма сўзларни аниқлаб, уларнинг қайси сўз туркумларидан ташкил топганлигини изоҳланг. Ўйлаб кўринг, тукли ари қандай маслаҳат берган бўлиши мумкин?


### Боларилар, эркак асаларилар ва тукли ари

Ажойиб ёз кунларида шундай яхши ҳаво бўлдики, атрофда жуда кўп гуллар гуллади. Бир болари галаси дарахт ковагига ўзининг мумкатакларини қурди. Боларилар тинимсиз меҳнат қилиб мумкатакларни асалга тўлдирди.


Бирок қаердандир золим ва текинхўр эркак асарларилар учиб келди. Улар ко-  
вакка кириб, бу уларнинг мумкатаклари эканлигини, улар бу ерда ишлаганлик-  
лари ва асал уларга тегишли эканлигини билдиришди. Боларилар улар билан  
урушишни иташмади ва адолатли ҳукм излаб қозининг олдиға жўнашди.  
Қози тукли ари эди. У жуда доно ари бўлиб, эркак асарлариларнинг очкўз ва  
хийлакор эканликларини билар эди.

– Дўстларим, – деди у. – Мен унга ҳам, бунга ҳам яхшилик истаيمان ва бу  
можарони қандай ҳал этишни биламан. ...

(Эрт.)

 **123-машқ. Гапларни ўқинг. Қўшма сўзларни аниқлаб, таркибидаги сўзлар қайси сўз туркумига хослигини айтинг.**

1. Навоий туркман халқи ўртасида шундай оммалашиб кетганки, туркман халқи Навоий ҳақида бир қатор хикоялар яратиб, уни адолат учун курашган халқпарвар ва маърифатпарвар шахс, деб баҳолайди. (П. Қ.) 2. Низом унинг Аграда фил миниб, Кўхинур олмосини пешонасига қадаб юрган пайтини эслади. Сувости ўпқонлари Низомни ҳам Ҳумоюнга қўшиб пастга тортиб кетиши мумкин. (П. Қ.) 3. Махфуза Булокбошидаги одатча дўппи, қийиқлар тикиб ўзини овутарди. (Т. М.) 4. Катта тошойнадан унга газ мастери Бегимкул эмас, камида фан кандидати, ҳатто ёш профессорларга ўхшаб кетадиган, қаддиқомати кетворган, салобатли ва айни замонда хушсурат бир йигит мағрур жилмайиб қараб турар эди. (О. Ё.)


 **124-машқ. Қуйидаги қўшма сўзлар такрибидаги сўзлар қайси сўз туркумига хос бўлган сўзлардан ташкил топган. Улар иштирокида гаплар тузинг.**

Сассиқпопишак, радиоэшиттириш, радиотўлқин, пистакўмир, оқсоқол, зардўппи.

**125-машқ. Ўқинг. Қўшма сўзларни аниқлаб, ёзилишига диққат қилинг.**

1. Меҳмондўст, меҳнатсевар халқимизга мос бўлган софдил, мард ва до-  
вюрак, доно ёшлар келажак пойдеворидир. 2. Бир куни Оқилжоннинг дадаси  
уч-тўрт туп атиргул кўчати кўтариб келди. (Ф.М.) 3. Ҳозиржавоб болалар-  
ни тайёрлаган экансиз. (Газ.) 4. Туркия дўконларидан қизларимга хушбичим  
кўйлақлар харид қилдим. 5. Очилди бойчечак, Энди ҳар ён гул демак. (Ғ.Ғ.)



Сўзларни қисқартириб қўшиш йўли билан ҳам сўз ясалади. Булар қисқартма қўшма сўз дейилади. Қисқартириб сўз яшаш отларда учрайди: Ўш ДУ – Ўш Давлат университети; БДУ – Бишкек Давлат университети.

 **126-машқ. Қум, оқ, катта, ширин, умум, қора сўзлари иштирокида қўшма сўзлар тузинг.**

*Намуна: қумсичқон, қумтупроқ, қумтош.*



127-машқ. Қўшма сўзлар хосил қилинг. Маъносини тушунтириб беринг.



## 25-§. ЖУФТ СЎЗЛАР ВА УЛАРНИНГ ИМЛОСИ

**1-топширик.** Алишер Навоийнинг «Лисон-ут-тайр» асаридан олинган кичик маттни ўқинг. Ундаги асосий фикрни аниқлашга ҳаракат қилинг.

Унинг жонига офат етказган нарса, албатта, ўзи йиққан **сим-у зар** эди. Шунингдек, унинг яшириб қўйган хазинаси ҳам **талон-тароҷ** бўлди. **Олтин-кумуш** йиғиш оқибатида ана шундай мудҳиш воқеа содир бўлди.

**2-топширик.** Матнда ажратиб кўрсатилган сўзларнинг маъносини изоҳланг. Ўйлаб кўринг, улар нима учун чизиқча билан ёзилган?

Маъноси бир-бирига яқин икки сўз жуфт сўз дейилади. Жуфт сўзнинг ҳар икки қисми, одатда бир хил сўз туркумидан ташкил топади: *мева-чева, қанд-қурс, лаган-товоқ (от сўз туркумига хос); борди-келди, борса-келмас, келди-кетди (фeyл сўз туркумига хос)*. Жуфт сўзлар чизиқча билан ёзилади.

Жуфт сўзларнинг маънолари куйидагича:

1. Маъно умумлашади: *ота-она, ўғил-қиз, яхши-ёмон, катта-кичик*.
2. Маъно кенгайди: *қозон-товоқ, уй-жой, қовун-тарвуз*.



128-машқ. Ҳадисни ўқиб, ундаги асосий фикрни аниқланг. Жуфт сўзни аниқлаб, маъносини изоҳланг.

Пайғамбаримиз (с.а.в)дан:

– Ислонда қайси иш энг яхши саналади? – деб сўрашибди.

– Очларга таом, таниш-нотанишларга салом, – деб жавоб берибдилар

Расулulloҳ.

**129-машқ.** Ўткир Ҳошимовнинг «Дехқоннинг бир куни» ҳикоясидан олинган гапларни ўқинг. Жуфт сўзларни аниқлаб, қайси сўз туркумидан ташкил топганлигини айтинг.

1. Муяссар толиққан оёқ-қўлларини ёзганча, донг қотиб ухлаб қолди.
2. У борган сайин баландга, осмон-фалакка чиқиб тушармиш.
3. Туппа-тузук машинасини ҳайдаб юрган одам айни қиш чилласи «пичан обкелмасак бўлмайди», деб тоққа кетди-ю, бир ҳафтада шу дардни орттириб келди.
4. Уч-тўрт жазни оғзига салади-ю, товоқни беркитиб қўяди.
5. Пахтазор катта-кичик ҳаммани, ҳатто мактаб болаларигача ўз комига тортган.





**130-машқ. Нуқталар ўрнига жуфт сўзлардан мосини қўйиб, гапларни кўчиринг.**

1. Қараса, икки меҳмон ... базм қилаётганмиш. (В. И. Даль) 2. ... четга чиқиб олгач, нафасини ростлаб ўтираркан, нозик қўлларига армон билан бир қараб қўйди. (А. О.) 3. –Мунча чийиллайсан, болам? – уйқудан алаҳсираётган ўғлини ... тинчлантира бошлади она Қуён. (А. О.) 4. Юр, ... ювиб, дам ол. (А. Қ.)

**Қўйиш учун сўзлар:** *яйраб-ёзилиб, соғ-омон, шоша-пиша, юз-қўлингни*



**131-машқ. Матни ўқинг.**

**1-топширик. Ундаги асосий фикрни аниқлаб, ниҳоясига етказинг.**

**2-топширик. Жуфт ва такрорий сўзларни топиб, уларнинг қайси сўз туркумидан ташкил топганлигини изоҳланг.**

### Оға-инилар

Оға-инилар бирга сафарга чиқишибди. Чошгоҳда улар дам олгани ўрмонда тўхташибди. Уйғониб мундоқ қарашса, йўлларида бир тош турганмиш, тошга бир нима ёзилган экан. Улар ёзувни ўқишибди:

«Кимки бу тошни топса, тўппа-тўғри ўрмонга қуёшни қаршилаб юрсин. Ўрмонда бир сойга дуч келади: сойдан сузиб ўтса, у ерда болаларини ўйнатиб юрган айиқни кўради. Айиқчаларни онасидан ажратиб, орқа-ўнгига қарамай тўғри тоққа қараб чопса, тоғда бир уй бўлади, ўша уйда бахтини топади».

Ака-укалар ёзувни ўқишгач, кичиги шундай дебди:

«Юр, бирга борамиз. Эҳтимол сойдан ҳам сузиб ўтамыз, айиқчаларни ҳам ўша уйга элтамыз ва бирга бахтимизни топамиз».

Шунда ака шундай ўғит берибди:

– Айиқчаларни орқасидан ўрмонга бориб юрмайман, сенга ҳам буни маслаҳат бермайман. Биринчидан, бу тошдаги ёзувлар ростми? – ҳеч ким билмайди; эҳтимол бизни шунчаки лақиллатиш учун ёзилгандир. Эҳтимол биз уни яхши тушунмагандирмиз. Иккинчидан, тўғри ёзилган ҳам бўлсин, ўрмонни ҳам топдик дейлик, аммо қоронғи тушганда сойни тополмай адашиб қолишимиз мумкин. Сойни ҳам топдик дейлик, аммо ундан қандай ўтамыз? Эҳтимол, у катта ва тезоқардир. Учунчидан, дарёдан ўтдик ҳам дейлик, аммо айиқдан болаларни ажратиб олиш осонми? Айиқ бизни тилка-пора қилиб ташлайди, бахтга эришиш ўрнига жувонмарг бўламыз. Тўртинчидан, айиқчаларни айиқдан олсак ҳам, дам олмай тоққа югуриб чиқа оламызми? Энг асосийси айтилмаган: «Бу уйдан қандай бахт топамиз. Эҳтимол, у ердаги бахтнинг бизга мутлақо кераги йўқдир».

Ука бунга жавобан дебди: «Менимча, бундай эмас. Тошдаги ёзув бежизмасдир. Ҳаммаси аниқ, равшан битилган».

Биринчидан, уриниб кўрсак, осмон узилиб ерга тушмас. Иккинчидан, агар биз бормасак бошқа биров ёзувни ўқиб, бахтини топади, биз бўлсак кўлимизни бурнимизга тикиб қолаверамиз. Учинчидан, бекорчидан худо безор, жон куйдирмасанг жонона қайда? Тўртинчидан, мени кўркоқ экан, деб ўйлашларини истамайман».

Шунда акаси дебди: «Мақолда ҳам айтиб қўйилган: «Узоқдаги буғдойдан яқиндаги сомон яхши».

Укаси яна бўш келмабди: «Чумчуқдан кўркқан тариқ экмас», деган гап ҳам бор. Менимча, бориш керак».

Акасини қолдириб, укаси жўнаб кетибди...

(Л.Н.Толстой)

## 26-§. ТАКРОРИЙ СЎЗЛАР ВА УЛАРНИНГ ИМЛОСИ

### 1-топширик. Мақолни ўқинг. Маъносини изоҳлаб беринг.

Оз-оз ўрганиб доно бўлур,

Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

### 2-топширик. Мақолда такрорланиб келган сўзлар қандай маъно билдирипти? Ўзингиз ҳам мисоллар келтира оласизми?

Давомийлик маъносини билдириб, бир сўзнинг такрор келишидан ҳосил бўлган сўзлар такрорий сўзлар дейилади: *чугур-чугур, кичик-кичик, чуқур-чуқур*.

Такрорий сўзларда айтиб берилган сўзнинг такрор ҳолда қўлланиши натижа-сида грамматик маъно ифодаланади. Такрорий сўзлар чизиқча билан ёзи-лади.

Такрорий сўзлар ҳосил бўлиши учун ҳар икки сўз бир хил шаклда бўлиши керак.

Маънони кучайтириш учун кетма-кет келтириладиган сўзлар такрорий сўзлар ҳисобланмайди: *Ҳавони қара, ҳавони!*

### 132-машқ. Ҳадисни ўқиб, мазмунини изоҳланг. Такрорий сўзларни топиб, қайси сўз туркумидан ҳосил бўлганлигини айтинг.

Одамлар бир-бири билан айтишиб, сан-манга бориб қолса нима бўлади? – деб сўрашибди.

– Мусулмонлар бир-бири билан уч кундан ортиқ аразлаб, гина сақлаб, гаплашмай юриши мумкин эмас. Шунда уларнинг қайси бири аввал салом-лашган бўлса ўшанинг иши маъқулроқ саналади, – деб жавоб берибдилар Пайғамбаримиз (с. а. в.)

### 133-машқ. Қуйидаги такрорий сўзлар иштирокида гаплар тузинг.

Катта-катта, аста-аста, бир-бир, кундан-кун, юриб-юриб, ўша-ўша.



### 134-машқ. Нукталар ўрнига такрорий сўзлардан мосини қўйиб гапларни кўчиринг.

1. Ҳамма ... уриб кулади, раис ҳам. (Ў. Ҳ.) 2. Тулки, шоқол, айиқ сингари иприндилар жаҳлдор ҳоқоннинг совуқ кўзларига пастдан ... чўчинқираб боқиб қўйишарди. (А. О.) 3. – Дўппослагани йўғ-у, кўпчиликнинг ичида мени ... ҳақорат қилди, – йиғламсираб, дардини айтди Сичқон. 4. Унга яхши қарасанг, тагига сув қуйиб турсанг, ғунча ... катта бўлади. (З. И.)

**Қўйиш учун сўзлар:** *қаҳ-қаҳ, тез-тез, бекордан бекорга, секин-секин.*

### 135-машқ. Гапларни ўқинг. Такрорий сўзларни аниқлаб, маъносини изоҳланг.

1. Муяссар унинг юзини ғира-шира қоронғида аниқ кўрмаса ҳам, ковоқлари пир-пир учиб турганини пайқайди. (Ў. Ҳ.) 2. Муяссар уйни наридан-бери йиғиштиради-да, икки четида қатор-қатор тераклар шовиллаб турган тошлоқ йўлдан дала томон юриб кетади. (Ў. Ҳ.) 3. Она-бола бир-бирини қучоқлаб осмон-фалакка учиб кетишаётганмиш. 4. Қизини қучоғига олибди-ю, учаверибди-учаверибди. 5. Бесабаб ҳаётинг қилмагин чил-чил. (Қўшиқдан) 6. Майлига бағримни пора-пора тил. (А. П.)



### Мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар


1. Сўзлар тузилишига кўра неча турли бўлади?
2. Содда сўзлар деб нимага айтамыз? Мисоллар келтиринг.
3. Содда сўзлар ўз ичида нечтага бўлинади? Мисоллар келтиринг.
4. Жуфт сўзлар деб нимага айтамыз? Мисоллар келтиринг.
5. Берилган гапда жуфт сўзларни топинг ва маъносини изоҳланг: «Қутқаринг!» – деб дод-вой солган эмиш. (Н.)
6. Такрорий сўзлар деб нимага айтамыз? Мисоллар келтиринг.
7. Қўшма сўзлар деб қандай сўзларга айтамыз? Мисоллар келтиринг.
8. Тезоқар, оккуш, Иссиққўл қўшма сўзлари иштирокида гаплар тузинг.
9. Шеъринг матнни ўқиб, жуфт сўзларни аниқланг. Уларнинг маъносини изоҳланг. Ўйлаб кўринг, бу гапларни айтаётган жонивор нима бўлиши мумкин?

Мушуклардай панжамиз,  
Куч-қувватга тўлса-чи.  
Тишларимиз кескирликда  
Олмосдайин бўлса-чи.

(Т.Кожомбердиев)



136-машқ. Жуфт ва такрорий сўзларни диаграммада таҳлил қилинг.



## 27-§. СЎЗ ТУРКУМЛАРИ

**1-топширик.** Қуйидаги сўзларга сўроқ беринг ва маъносини аниқланг.

Ўқувчи, дарслик, мактаб, шаҳар, чиройли, ер, давлат, бешинчи, ўнта, сиз, улар, эртага, Лобар, бошламоқ, бугун, сўзламоқ.

**2-топширик.** Ушбу сўзларни қатнаштириб тўртта гап тузинг.

**3-топширик.** Берилган сўзларни қайси сўроққа жавоб бўлишига кўра жадвалга жойлаштиринг.

Она, бормоқ, келмоқ, югурмоқ, бола, амаки, гўзал, миллион, олти, бу, ўша, ясси, кўк, беш.

Ким?	Нима?	Қандай?	Қанча? Неча?	Қайси?	Нима қилмоқ?

**!** **Билиб олинг!** Сўзларнинг сўроғи ва қандай умумлашган маъно ифодаланишига кўра гуруҳларга бўлиниши сўз туркумлари ҳисобланади.

Сўз туркумлари маъно ва вазифаларига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Мустақил сўзлар.
2. Ёрдамчи сўзлар.
3. Ундов сўзлар.
4. Таклид сўзлар.
5. Модал сўзлар.

137-машқ. Матни ўқинг.

**1-топширик.** Унга сарлавҳа қўйинг. Асосий мазмунни аниқланг.



**2-топширик.** Матн мазмунини очишга қаратилган саволлар тузинг ва ўртоқларингиз билан муҳокама қилинг.

**3-топширик.** Матндаги маълум саволга жавоб берадиган мустақил сўз ва ёрдамчи сўзларни 2 гуруҳга ажратиб ёзинг.

Бир куни ўқувчилардан: «Қайси бирингиз ўйинни ёлғиз ўйнашни ёқтирасиз?» – деб сўрашди. Ҳамма ҳаяжонга тушди. «Ўртоқларсиз ўйиннинг қизиғи борми! Ўртоқлар билан ўйнаганда ҳар доим янги ўйин ўйлаб топиш мумкин, ҳатто эски ўйинни ҳам янгича қилиб ўйнаса бўлади. Керак бўлганида ўртоқлар ҳамма ишда ёрдам беришади». Дарҳақиқат, ўқиш ҳам, ўйин ҳам,

меҳнат қилиш ҳам, кўнғил очиш ҳам ўртоқлар билан, дўстлар билан яхшироқ ўтади.


Бироқ ўртоқлар билан бирга бўлиш дегани ҳамиша ҳам коллективда бўлиш маъносини англатавермайди. Болалар ҳовлида йиғилишиб, бирпас ўйнашди, кейин тарқалиб кетишди. Буни ҳали коллектив деб бўлмайди, бу оддий болалар гуруҳи, холос.

Синфдаги ўртоқларингиз – бу бошқа масала. Чунки бу ерда ҳаммангизнинг мақсадингиз битта – ўқиш, янгиликни билиш, олинган билим чуқур ва мустаҳкам бўлишига интилиш, биргаликда синфдан-синфга ўтиш.

Синфда болалар бир-бирларига кўмаклашадилар, ўртоқлари учун қайғурадилар. Болалардан биронтаси мактабга келмай қолса, бошқалари бориб хабар олишади, дарсдан қолиб кетмаслиги учун ёрдам беришади, топшириқлар олиб келишади. Касал бўлиб қолган ёки ўқиши бўшашиб кетган ўқувчиларни ҳам эсдан чиқаришмайди.


Сизнинг синфдаги ўртоқларингиз мустаҳкам, аҳил коллективни ташкил этади. Бу синф коллективидир.

*(Болалар энци.)*

 **138-машқ. Матни ўқинг. Асосий фикрни ифодалаган гапни кўчиринг. Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг қандай сўз туркуми эканлигини аниқланг.**

Инсон –якка ўзи, жамиятдан ажралган ҳолда яшай олмайди. Халқимиз ўзининг бир қанча мақолларида кишига жамият билан, кўпчилик билан бирга бўлиш зарурлигини уқтиради, кўпчиликнинг, коллективнинг куч-қудрати қанчалар буюклигини, коллективдан ажралиш, якка-ёлғиз яшаши эса ёмон оқибатларга олиб боражагини ажойиб тамсиллар орқали кўрсатади: «Бириккан куч – куч, бирикмаган куч–пуч».

*(Ҳикматнома)*

 **Маълум бир сўроққа жавоб бўлиб, бирор гап бўлаги вазифасида келадиган сўзлар мустақил сўзлар саналади. От, сифат, сон, олмош, феъл ва равишлар мустақил сўзлардир.**

**139-машқ. 1-топшириқ. Матни ўқинг. 1 ва 2-гаплардаги сўзларга савол қўйинг. Гапдаги вазифасини аниқланг.**

**2-топшириқ. Саволга кичик гуруҳда тақдимот тайёрланг.**


Мактабда «Ўқувчилар қондаси» бор. Агар ўқувчи яхши ўқимаса, одобли бўлмаса, синф, гуруҳ, мактаб ҳаётида фаол иштирок этмаса, у ва унинг ўртоқлари белгиланган дастурни бажара олмайди. Демак, улар давлат режасини барбод қиладилар. Режада мактабнинг ҳар бир битирувчиси саводли, илмли, маданиятли, билим олишга интилувчан, халққа содиқ, меҳнат қилишга тайёр бўлиши назарда тутилган. Мактабнинг асосий вазифаси ҳам шулардан иборат.


*(Болалар энци.)*

**3-топширик. Сиз мактабда ўқувчилар қондасига қандай рию қиласиз? Оғзаки иншо тайёрланг.**

 **140-машқ.** Берилган сўзларни мустақил ва ёрдамчи сўзлар туркумлари гуруҳига ажратинг. Шу сўзлар иштирокида боғланишли чакқон матн тузинг.

Манзара, шаҳар, обод, гўзал, бўлмоқ, учун, аммо, юрмоқ, енгилмоқ, тарбия, ва, лекин, бироқ, ҳам, оппоқ, чунки.

 **Шахс, нарса маъноларини ҳамда жой номларини билдириб, ким?, нима?, қаер? сўроқларига жавоб бўладиган сўзлар от дейилади.**


 **141-машқ.** Матнни ўқинг. Шахс, нарса маъноларини билдирган отларни бош келишиқда ёзинг.


«Мифлар» сўзини юнон тилидан ўзбек тилига таржима қилсак «афсона», «ривоят» бўлади.

Мифлар узок ўтмишда вужудга келган. Мифлар сюжети жуда ранг-барангдир. Инсон оламда рўй берадиган ҳодисаларни изоҳлашга интилиб, олам, Куёш, юлдузлар, Ой, ороллар, одам, хайвонлар, ўсимликларнинг пайдо бўлиши ҳақида мифлар яратган. Булар фантастик ҳикоялар бўлиб, оғзаки равишда авлоддан авлодга ўтган.

Довюраклик, мардлик, нафрат, муҳаббат каби инсоний туйғулар бизнинг авлодларимиз тасавурида инсоний образлар (баъзан хайвонлар ёки ярим одам – ярим хайвонлар) қиёфасига эга бўлган. Қадимги дунё халқлари афсонавий қаҳрамонлар ҳақидаги ҳикояларда ўзларининг турмуш тарзларини, орзу ва умидларини, муқаддас ўйларини ифода этганлар.

*(Болалар энц.)*

 **142-машқ.** Қуйида берилган кластерни шеригингиз билан отнинг грамматик категориялари асосида кенгайтиринг.



## 28-§. ОТЛАРНИНГ КИЧРАЙТИРИШ, ЭРКАЛАШ ВА ХУРМАТЛАШ ШАКЛЛАРИ

### Топширик.

Гаплардаги ажратиб ёзилган сўзларнинг ясалишига аҳамият беринг.

**Отабек** шарпа орқасидан секин юрди. (А. Қод.)

**Қизалоқ кўғирчоғини** бағрига босганича баланд товушда йиғлар эди.

**Келинчак** ҳовлига кўлоблатиб сув сепди.

Отларнинг **-ча, -чоқ, -чак** каби кўшимчаларни олган шакли кичрайтириш шакли; **-жон, -хон, -ой, -бегим, -ниса, биби, -бек -хўжа; -гина (-қина, -кина)** каби кўшимчаларни олган шакли эса ҳам ҳурматлаш, ҳам эркалаш шакли ҳисобланади: *уйча, кўзичоқ, келинчак, қизалоқ; акажон, Оқилахон, Ойдиной, Нодирабегим, Зебунниса, Ойшабиби, Отабек, Норхўжа, ёлғизгинам.*

**-жон, -хон, -ой** кўшимчалари ҳамма вақт ҳам эркалаш маъносида эмас, ўз мустақил маъносида ҳам қўлланади: **Жон** аччиғида қаттиқ қичқириб юборди (О.) **Анвар хон** ҳузурига чиқиб кетди. (А. Қод.) **Ойнинг** тўлишига қараб ҳайит кунлари белгиланади.



**143-машқ.** Аввал кичрайтириш шаклини олган отларни, сўнгра эркалаш шаклини олган отларни кўчиринг.

1. Бу ерда на тиккайган дарахтча, на бир парча майса бор. (О.) 2. Мен су-пачага ўтирдим ва ўзига билдирмасдан уни кўздан кечира бошладим. (С. А.) 3. Алла, болам, алла-ё, кўзичоғим, алла-ё, эркин юртда туғилган, қулинчоғим, алла-ё. (Кўшиқдан) 4. Эҳ онажон, онагинам!... 5. Бизнинг майдончага яна бир йўловчи чикди. (Азиз Несин) 6. Шу бир йил ўғилгинам йигирма олтига кирди... (О.)

**144-машқ.** Матни ўқинг. Отларнинг кичрайтириш, эркалаш ва ҳурматлаш шакллари қатнашган гапларни кўчиринг. Ушбу сўзлар имлосига аҳамият беринг.

1. Шу пайт пешайвондаги токчада юрган мушук атлас кўйлакли кўғирчоқни беихтиёр туртиб юборди. «Қизалоқ» худди уйкудан чўчиб уйғонган чақалоқдек бирдан йиғлашга тушди. 2. Кўғирчоқ йиғлаётган пайтда кўлидаги оппоқ рўмолчасини тез-тез кўзига суртиб қўйишини кўриб, Гулсанамнинг кулгиси қистади... (А.О.)



**145-машқ.** Шеъринг матнларни ўқиб, отларнинг қандай шаклдаги кўшимчаларни олганлигини изоҳланг.

Ййловда бир бузоқча  
Аразлабди тўдадан.

Кетиб қолиб узоқча,  
Адашибди тўдадан.

(О.Кўчқорбеков)

Ухламайди юлдузлар,  
Юмилмайди кўзчаси.  
Айтинг-чи, ака, улар  
Кўрқмайдими кечаси?

(М.Бобоев)

Чуқурча кўлланди...  
Томчини кўптириб  
Бетида ўйнатди  
Чуқурча.  
У – жиндак кулча...  
Томчилар-кўкларни сўзлар  
Ерларни қамчилар!...

(Чўлпон)

Отларнинг кичрайтириш, эркалаш ва ҳурматлаш шаклларига ўнтадан мисол топиб, жадвалга намунадагидай жойланг.

Отларнинг кичрайтириш шакллари	Отларнинг эркалаш шакллари	Отларнинг ҳурматлаш шакллари
дафтарча	укажон	Акбархўжа

## 29-§. ҚАРАШЛИЛИК ШАКЛИ


Қарашлилик шакли -ники қўшимчаси билан ясалади ва нарса ёки шахснинг шу қўшимчани олган нарса ёки шахсга тегишли эканлигини билдиради: Бу китоб – Мухтасарники.

Бу қўшимча отдан ташқари олмош ва отлашган сўзларга ҳам қўшилиши мумкин: *бизники, иккинчисиники*.

**146-машқ. Шерий матни ўқинг. Қарашлилик белгисини аниқлаб, маъносини тушунтиринг.**

Даволайман беморни,  
Бундан яхши иш борми?  
Бориб Поляникига,  
Бориб Коляникига,  
«Салом, болалар! – дердим.  
Аҳволларингиз қалай?  
Қорни оғриб қолган ким?


(В.Маяковский)

 **147-машқ. *Бизники, бизникини, бизникига, бизникида, бизникидан* сўзлари иштирок этган боғланишли матн тузинг. Матнда бир сўз иккинчи марта такрорланмаслиги зарур.**



148-машқ. Қуйидаги сўзларга *-ники* қўшимчасини қўшиб, улар иштирокида гаплар тузинг.

Мен, яхши, биз, сиз, сен, олтинчиси, у, ёмон, улар, ўнинчи.

 149-машқ. *Сирли катаклар!* Бўш катакларни зарур унлилар билан тўлдириб, мақолни ўқинг. Қарашлилик шакли қўшимчасини изоҳланг.

о	л	м	б	л	с	н	г	л	м	с	н	к
---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

### 30-§. ОТЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

**1-топшириқ.** Берилган отларни маъновий бўлақларга ажратинг.

Овчи, мактабдош, туякаш, дорбоз, ўлкашунос, пахтакор, шодлик, ёқилғи.

**2-топшириқ.** Берилган отларни туб ва ясама отларга ажратинг.

Мева, узумзор, илмоқ, меҳр, тилшунос, заргар, олтин, меҳнат, китобхон.

**3-топшириқ.** Қуйидаги отларга берилган сўзлардан мосини қўшиб қўшма отлар ҳосил қилинг.

Қўл, бел, муз, от, беш, ғўза, минг. (қоп, боғ, ёрар, боқар, отар, поя, оёқ).

Отлар асосан, икки усул билан ясалади:

1. От ясовчи қўшимчалар билан: *ўқитувчи, тарбиячи, кутубхоначи, синфдош, сувдон.*

2. Сўзларни қўшиш ёки жуфтлаш билан: *Арслонбоб, Қорақўл, Учқўргон, отқулоқ, учбурчак, ошқўк, кўксултон, ер-сув, оёқ-қўл, уй-жой.*

**150-машқ.** Кўчиринг. Ясама отларни аниқлаб, қандай усул билан ҳосил бўлганини тушунтиринг.

1. Шийпоннинг бир четида садарайҳон, намозшомгул, гултожихўрозлар ўсиб ётади. 2. Яқиндагина ўтказилган мирзатераклар том бўйи бўлган. 3. Эркесвар, тинчликесвар халқимиз Ватан ободлиги йўлида меҳнат қилиб толмайди. 4. Элмурод мол боқиш учун ўтлоқ қидириб кун сайин узоқроққа кетиб қоларди. (П. Т.) 5. Уст-боши ёдимда йўқ, оддий, лекин озода кийинган, хушмуомала йигит. (О.)



Расм асосида «Катталарни ҳурмат қилинг» мавзусида эссе ёзинг.

## 151-машқ. Грамматик топишмоқларнинг жавобини топинг.

1. Жуфт нарсалар номини  
Маъноси билдиради.  
Касб-хунар, ака-ука  
Қандай отлар бўлади?
2. Тозалик умрингга умр кўшади,  
Яхшилик қалбларга кувонч кўшади.  
Иккиси бўлса доим одатинг,  
Шудир сенинг шарафинг, саодатинг.  
Матнда қайси сўзлар  
Бўлибди мавҳум отлар?

(Р. Сирожидинов)

### Ясовчи қўшимчалар билан от ясаш

От ясовчи қўшимчалар куйидаги маъноларни билдирувчи отлар ясайди:

1. Шахс отлари.
2. Нарса-буюм отлари.
3. Ўрин-жой отлари.
4. Мавҳум отлар.

## 31-§. ШАХС ОТИ. ШАХС ОТИ ЯСОВЧИ ҚЎШИМЧАЛАР ВА УЛАРНИНГ ИМЛОСИ

Шахс отлари ким? сўроғига жавоб бўлиб, шахсларни ёшига, яшаш жойига, мансаб-унвонига, касб-корига, ижтимоий ҳолатига, насл-насабига кўра номлаб келади.

Шахс отларининг бир гуруҳи асосга **-чи, -соз, -хон, -дош, -боз, (-воз), -вчи, -лик** қўшимчаларини қўшиш ёрдамида ясалади. **-вчи** қўшимчаси **и** унлиси билан тугаган феълларга қўшилганда **и** унлиси у шаклида, **а** билан тугаган феълларга қўшилганда **а** унлиси **о** шаклида талаффуз қилинади ва шундай ёзилади: *ўқувчи, тингловчи*. Ундош билан тугаган феълларга **-увчи** шаклида қўшилади: *сузувчи, қурувчи*.

**-кор, -каш, -дор, -бон, -паз, -шунос, -дўз** қўшимчалари ҳам шахс отлари ясайди: *пахтакор, аравакаш, чорвадор, саройбон, ошпаз, этикдўз*.

**Топшириқ. Қиёсланг. Отларнинг маъноларига эътибор қилинг. Биринчи устундаги сўзлар таркибига кўра нима дейилади? Иккинчи устундаги қўшимчаларни аниқланг.**

Боғ- боғбон  
Тош-тошлоқ-суратош  
Гул-гулзор-гултожихўроз  
Қалам-қаламдон  
Туз-туздон

**152-машқ. Қуйидаги шахс оти ясовчи қўшимчалар ёрдамида отлар ясанг. Сўзнинг ўзак ва қўшимчаларини кўрсатинг.**

- чи: тарихчи, ...
- дош: ватандош, ...
- кор: бастакор, ...
- каш: жафокаш, ...
- бон: дарвозабон, ...
- боз: найзабоз, ...
- дор: чорвадор, ...
- паз: мантипаз, ...
- хон: газетхон, ...
- шунос: тилшунос, ...
- дўз: зардўз, ...
- соз: асбобсоз, ... .

**153-машқ. Шахс оти ясовчи қўшимчаларнинг тагига чизинг.**

Доирачи, сурнайчи, бетончи, сувчи, суҳбатдош, синфдош, мусобақадош, издош, пахтакор, бинокор, ижодкор, заргар, ўлкашунос, аравакаш, меҳнаткаш, қаламкаш, соатсоз, этикдўз, китобхон, шеърхон.



**154-машқ. Қуйидаги сўзлардан шахс отлари ясанг ва ёзинг.**

Тарози, сарой, парта, балиқ, масхара, тергов, ов, табиат, ғалла, ойна.

**155-машқ. Грамматик топишмоқларнинг жавобларини топинг.**

1. Машғулот, касб, хунарнинг  
Номларини кўп ясар.  
Тилимизда жуда кўп  
Бунақа қўшимчалар?
2. Ватандош, қардош, бардош,  
От ясаган қайси-дош?

*(Р. Сирожидинов)*



**156-машқ. Гапларни кўчиринг. Шахс оти ясовчи қўшимчалари ёрдамида ҳосил бўлган отларнинг тагига чизинг.**

1. Болаларнинг бири подачига ёрдамчи, бири темирчига босқончи, бири бўзчига шогирд, бири бойга югурдак. (М. И.) 2. Терговчи жиддий оҳангда бирин-кетин саволлар бера бошлади. 3. Маҳалламизда этикдўз, маҳсидўз, дўппидўз, каштачи каби хунармандлар кўп. 4. Тарозибон вазифаси ўта масъулиятли. 5. Спорт ишқибозлари чемпионатни диққат билан кузатиб бордилар.

## 32-§. НАРСА-БУЮМ ОТЛАРИ. НАРСА-БУЮМ ОТЛАРИ ЯСОВЧИ ҚЎШИМЧАЛАР ВА УЛАРНИНГ ИМЛОСИ

Нима? сўроғига жавоб бўлиб, жонли ва жонсиз нарса-буюмларни билдирган отларга нарса-буюм отлари дейилади.

Нарса буюм отлари **-гич (-кич, -қич)**, **-ги (-ки, -қи, -ғи)**, **-к, -қ, -оқ; -ма, -дон, -(и)нди** қўшимчалари ёрдамида ясалади: *чизгич, супурғи, курак, тирноқ, тароқ, сувдон, ювинди*.

**-к** қўшимчаси **а** унлиси билан тугаган феълларга қўшилганда **а** унлиси **о** тарзида, **я** унлиси **ё** тарзида талаффуз қилинади ва шундай ёзилади: *тирна –тирноқ, бўя – бўёқ*.

**-им** қўшимчаси асосда **у** ёки **ю** бўлган ҳолларда **-ум** тарзида талаффуз қилинади ва шундай ёзилади: *ун – унум, ют – ютум*.

### 157-машқ. Грамматик топишмоқларнинг жавобини топинг.

1. Буюм-нарса номларин  
Жуда дўндириб ясар.  
Қойил унга мен, ҳатто  
Жиянимиз Муяссар.  
Қанақа қўшимчалар,  
Ким топар, мисол айтар?
2. Юрак, элак ҳам этак,  
Тилак, билак ва курак.  
От ясовчи қўшимча  
Қай сўзларда сизнингча?
3. Чопик, чизғич, гилдирак,  
Сувдон, чопқи, пирпирак.  
Қанақа отлар булар?  
Ўйлаб топинг, шу керак.



### 158-машқ. Қуйидаги берилган буюм-нарса оти ясовчи қўшимчалар ёрдамида отлар ясанг.

- ма:** қатлама, суз... , қовур... .  
**-к (-ик, -ук), -қ (-ик, уқ):** элак, кура... , кўр... , чақир... .  
**-оқ:** ўроқ, қоч... , қуч... .  
**-гич, -кич, -қич, -ғич:** савағич, кўрсат... , кир... , қис... , қашла...  
**-м, -им, -ум:** чидам, ўр... , ун... , ют... , кир... , чиқ... .  
**-инди:** чўқинди, юв... , чиқ... , қир... , чай... .  
**-ч, инч:** ишонч, қувонч, сев... , кўрқ... , таян... , ўтин... .  
**-ин:** ёғин, йиғ... , бўғ... .  
**-қин, (-қун):** тошқин, уч... .  
**-чак, (-чок):** бурчак, белан... .

## «Шуғулланиш зинаси»

Топширик: ушбу модел бўйича сўзлар тузинг. (Бир неча варианты бўлиши мумкин):

о									
		н							
				с					
						ғ			
								у	

**159-машқ.** Берилган гаплардаги ясама шахс ва нарса-буюм отларини аниқланг. Ясама отларни таркибий қисмларга ажратинг.

1. Элакдан ўтказилган ундан хамир қорилди ва тез орада қатлама пиширилди. 2. Ҳисобчи кирим-чиқимларнинг саноғини чиқарди. 3. Севинчдан кўзлари чакнади, юзи кулгидан ёришди. 4. Ҳаракат ва ғайрат билан қилинган ишда унум бўлади. 5. Учқундан аланга ҳосил бўлади. 6. Ўқишда барча қийинчиликларни енгиш учун чидам ва сабот талаб қилинади.


**160-машқ.** Кўчиринг. Ясама сўзларнинг қўшимчалари тагига чизинг. Айримларини қатнаштириб гаплар тузинг.

Навоийхон, сувоқ, шоликор, пулдор, машинасоз, қувонч, бўғин, қирғич, беланчак, чолғу, ўтинч, кўрик, безак, ёқилғи, коворма, таянч.

**161-машқ.** Қуйидаги сўзлардан **-қ** от ясовчи қўшимчаси ёрдамида отлар ясанг. Ўзақдаги ўзгаришни имло қондасига мос равишда ёзинг.

*Намуна: сайра- сайроқ, тара-тароқ.*

Сўра, сана, бўя, сува, қама, ўта, яма, тирна, қайра.

 **162-машқ.** Рўзғорда, хўжаликда ишлатиладиган нарса-буюмларнинг номлари ҳамда уларнинг вазифалари ҳақида 4-5 та гапдан иборат бўлган матн ёзинг.

## 33-§. ЎРИН-ЖОЙ ОТИ. ЎРИН-ЖОЙ ОТИ ЯСОВЧИ ҚЎШИМЧАЛАР ВА УЛАРНИНГ ИМЛОСИ

Қаер? сўроғига жавоб бўлиб, ўрин-жой маъносини билдирувчи сўзлар ўрин-жой отлари саналади. Бундай отлар ўрин-жой маъноси билан бирга нарсалик маъносини ҳам билдиради шунинг учун қаер? сўроғи билан бирга нима? сўроғини ҳам олиши мумкин.

**-зор, -истон, -лоқ, -гоҳ, -хона, -обод** қўшимчалари ўрин-жой отлари ясовчи қўшимчаларидир: *гулзор, Қирғизистон, ўтлоқ, сайлгоҳ, оишхона, Жалолобод.*

### 163-машқ. Топишмоқларнинг жавобини топинг.

1. Тошлок, кулоқ, бўғалоқ,  
Ўтлоқ, қолоқ, япалоқ.  
Ўрин-жой номин ясар  
Қайси сўзлардаги «-лоқ?»
2. Пахтазор, бозор, гулзор,  
Ҳеч кимга берманг озор.  
Ўрин-жой отин ясар,  
Қайси сўзлардаги «-зор?»
3. **-истон** кўшимчаси бор,  
Кўп юртлар номида бор.  
Чаққон ўйлаб, тез айтгин,  
Ҳаммадан олдин Саттор?

(Р.Сирожидинов)



### 164-машқ. Қуйидаги кўшимчалар ёрдамида ўрин-жой отлари ясанг.

**-зор:** гулзор, пахта... , чаман... , лола... , олма... , ўрик... , узум...

**-истон:** Қирғизистон, Ўзбек... , гул... , баҳор... , Тожиқ.... .

**-лоқ:** ўтлоқ, кум... , тош... , муз... .

**-хона:** ошхона, иш... , чой... , гул... , иссиқ... .

### 165-машқ. Кўчиринг. Ўрин-жой оти ясовчи кўшимчаларининг тагига чизинг.

1. Оққушлар чекка, одам оёғи етмайдиған кўлларга, қалин қамишзорларга уя куради. (*Болалар энц.*) 2. Ёз ойларида тоғ қоялари ва арчазорлар орасидан эрта тонгда, оқшом пайтлари какликнинг қақағлаши эшитилади. (*Болалар энц.*) 3. Қирғизистон Ўзбекистон, Тожикистон ва Хитой каби давлатлар билан чегарадошдир. 4. Музлоқ ерлар ўсимликлар ўсишига халал бермайди, фақат дарахтларнинг илдизи чуқурликка эмас, балки атрофга тарқалади. (*Болалар энц.*)

### 166-машқ. Берилган ўрин-жой отларини қатнаштириб гаплар тузинг ва дафтарингизга ёзинг.

Қирғизистон, гулистон, ишхона, ошхона, кумлоқ, ўтлоқ, чаманзор.



### 167-машқ. Матни ўқинг, ундаги асосий фикрни аниқланг.

Бир вақтлар Мавлоно Танбурий деган устод мусиқачи ўтган экан. У киши танбур, дутор, най, чангни шундай маҳорат билан чалар эканки, эшитган киши сел бўлиб кетаркан. Устод кўплаб шогирдлар тайёрлаган экан. Аммо у кишининг шогирд танлашда қизиқ бир одатлари бўлиб, ким шогирд бўламан деса, дарров кўлига чўп ё ҳассаларини тутқазар эканлар. Бир бой ўз ўғлини қобилиятли зўр мусиқачи бўлади деб, устоз Танбурийга олиб келибди. Танбурий берган ҳассани бола бир қарич, икки қарич деб ўлчаётганини кўрган устоз: «Йўқ, болангиздан мусиқачи эмас, бозиргон-савдогар чиқади», – дебди.

Яна бир кишининг боласи берилган ёғочни кеса бошлаганини кўрган устод ундан мусикачи эмас, дурадгор чиқажагини айтибди. Бошқа савдогарнинг ўғли ҳассани от қилиб минишини кўриб, ундан чавандоз чиқишлигини айтибди. Шундай қилиб, устоз шогирд бўламан деб келган бола синаш учун берилган чўпни ерга тикса – боғбон, қилич қилиб ўйнаса – сарбоз деб жўнатиб юбораверибди. Кейин болаларни йиғиб, қўлларига биттадан ҳасса бердириб пойлаб ўтирибди. Улардан бири ҳассани яна қилич қилиб ўйнабди, иккинчиси от қилиб минибди... Фақат бир усти юпун бола ҳассани найга ўхшатиб чала бошлабди. Буни кўриб, Танбурий.... . (У.)

### Топшириқларни бажаринг.

1. Сизнингча, устоз Танбурий нима дейди, матнни давом эттиринг.
2. Сўнги шогирд келажакда ким бўлиши мумкин? Нима учун шундай деб ўйлайсиз?
3. Матндаги шахс отларини ажратиб кўчиринг.
4. Матнга сарлавҳа қўйинг.

## 34-§. МАВҲУМ ОТ. МАВҲУМ ОТ ЯСОВЧИ ҚЎШИМЧАЛАР ВА УЛАРНИНГ ИМЛОСИ

Мавҳум от ясовчи қўшимчалар қуйидагилар: **-лик, -лик, -ч, -гарчилик, -чилик, -ш(-иш), -в(-ув), -от:** болалик, дўстлик; оталиқ, борлик; севинч, қувонч; одамгарчилик, огайнигарчилик; деҳқончилик, камчилик; қурилиш, эмлаш; ундов, уқув; ташивиқот, тарғибот.

**-ат** қўшимчаси **й** ундоши билан тугаган сифатларга қўшилганда **ят** тарзида талаффуз қилинади ва шундай ёзилади: *қонуний+ ат = қонуният; маданий+ат= маданият.*

### 168-машқ. Грамматик топишмоқларнинг жавобларини топинг.

1. Йигитларга вазминлик,  
Қизларга бўлсин ибo.  
Донога бағри кенглик,  
Ёшларда бўлсин ҳаё.  
Қандай қўшимчадир -лик,  
Қандай сўз бағри кенглик?
2. Меҳнатсеварлик  
Бу – фаровонлик.  
Одамсеварлик  
Бу – бахтиёрлик.  
Қандай сўз булар?  
Ўйлаб топайлик.


3. Тинчлик, ўқийлик, бойлик,  
Катталик, ойлик, йиллик.  
Бор бунда бир неча -лик,  
От ясовчи қайси -лик?  
(*Р.Сирожидинов*)

**Топширик. Қуйидаги мавҳум оти ясовчи қўшимчалар ёрдамида сўзлар ясанг.**


**-лик:** шодлик, яхши... , мард... , дўст... , ёмон... , манман... , ҳамжиҳат... .  
**-чилик:** хурсандчилик, қўшни... , қариндош... , валломат... , ёлғон... .  
**-гарчилик:** хафагарчилик, нобуд... , оғайни... , одам... ,

**169-машқ. Кўчиринг. Мавҳум отларнинг тагига чизинг.**

1. Нодонликдан ёмонлик келади фақат,  
Нодонга ёндашма, босмасин ғафлат.
2. Фақат ёмонликдир нодондин асар,  
Билимсизлар томон ташлама назар.  
(*Абулқосим Фирдавсий*)
3. Хуррамлик китобин ўқимоқ керак,  
Дилда ғам кўкати ўсмасин андак.  
(*Умар Хайём*)

 **170-машқ. Берилган ҳикматлардан мавҳум отларни топинг. Улар иштирокида ўзингиз гап тузинг.**

1. Осонликча келмас шодлик, фароғат,  
Меҳнатсиз қозонмас ҳеч киши шуҳрат.  
(*Фахриддин Жўржоний*)
2. Сен одам экансан, ўзга ҳам одам,  
Камчиликсиз одам бўлмайди ҳеч ҳам.  
(*Абдураҳмон Жомий*)
3. Яхшилик уруғин сепсанг ҳар томон,  
Жаннат мевасини берур бегумон.  
(*Абдуқодир Бедил*)

 **171-машқ. Намуна асосида берилган сўзлардан фойдаланиб, фойдали маслаҳатлар ёзинг.**

*Намуна: Касалликни даволагандан кўра олдини олган афзалроқ. Тозалик– саломатлик гарови.*

Дўстлик, яхшилик, меҳнатсеварлик, одамгарчилик, қўшничилик.



## 35- §. ОТЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИГА КЎРА ТУРЛАРИ. СОДДА ВА ҚЎШМА ОТЛАР

**Топшириқ.** Ўқинг. Берилган сўзларнинг тузилишини қиёсланг. Иккинчи ва учинчи устундаги сўзлар нечта ўзак (асос) дан иборат эканига диққат қилинг.

Ош– ошпаз– ошқозон  
Ток– токзор– тоққайчи  
Сув – сувчи– Қорасув

Отлар тузилишига кўра содда, қўшма, жуфт ва такрорий отларга бўлинади.

Фақат бир ўзак (асос)дан таркиб топган отлар содда отлардир: *нон, одам, баҳор, китоб, қўл, оёқ.*

Икки ва ундан ортиқ ўзак (асос)дан таркиб топган отлар қўшма отлардир: *мингоёқ, қўларра, учбурчак.*

Бир-бирига яқин ёки қарама-қарши маъноли ўзак (асос)лардан таркиб топган отлар жуфт отлардир: *оёқ-қўл, дафтар-китоб, ёш-қари.*

Бир отни такрорлаш йўли билан такрорий отлар ҳосил бўлади: *боғча-боғча (ўйин), лик-лик (кўкат тури)*

**172-машқ. Кўчиринг. Отларнинг тузилишига кўра турларини аниқланг. Содда отларга савол беринг.**

1. Ота-онага муҳаббат – барча яхши фазилатларнинг асоси. (Цицерон)  
2. Ҳасад яхшиликка олиб келмайди. (М.) 3. Иссиққўл – сайёҳларнинг эътиборини тортган энг сўлим маскан. 4. Китобхонлар учрашувида Қорасув, Тепакўрғон ва Жалолободдан келган ўқувчилар қатнашди. 5. Ўктам жийдазордан ўтиши биланоқ, пахта майдонлари бутун улканлиги, кенглиги, салобат ва гўзаллиги билан қаршисида очилади. (О.)

«Варрак»

**Топшириқ:** ушбу модел бўйича сўзлар тузинг. (Бошқа вариантлари бўлиши мумкин)

А -  
- Б -  
-- В -  
--- Г -  
---- Д -  
--- Е -  
-- Ж -  
- З -  
И -



### 173-машқ. Берилган сўзларни 4 гуруҳга ажратиб жадвални тўлдилинг.

Синфдош, қўлқоп, белбоғ, музёра, отбоқар, мактабдош, тезлик, буғдой-муғдой, қоп-моп, бирдамлик, атиргул, ака-ука, чол-кампир, сочпопук, ошқовоқ, ошқозон, сомсапаз, кемасоз, шоликор, бола-чақа, ош-пош.

Содда отлар	Қўшма отлар	Жуфт отлар	Такрорий отлар
Пахтакор	Тепакўрғон	Ота-она	Ош-пош

## 36- §. ҚЎШМА ОТЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ ВА ИМЛОСИ

**Топширик. Ўқинг. Қўшма отларнинг қисмлари қайси сўз туркумига оидлигини аниқлаб, намунадагидек ёзинг.**

*Намуна: Белбоғ (от+от)*

Қўлқоп, музёра, отбоқар, бешотар, ғўзапоя, бойчечак, каттакўрғон, уч-бурчак, мингоёк, калтакесак.

Қўшма отлар қуйидагича ясалади:

1. От билан отдан: *Амударё, билагузук, бақатерак.*
2. Сифат билан отдан: *аччиқтош, кўксултон.*
3. От билан сифатдан: *гулсапсар, гулбеор.*
4. Сон билан отдан: *Учқўрғон, Бешариқ, Қирққиз.*
5. От билан феълдан: *отчопар, бешиктерватар.*

Қўшма отлар қуйидагича ёзилади.

Қуйидаги қўшма отлар кўшиб ёзилади:

1. Икки ва ундан ортиқ ўзак (асос)дан таркиб топган турдош отлар ҳар доим кўшиб ёзилади: *кўксултон, қирқоёқ, кунгабоқар, отбоқар, бешиктерватар.*
2. Иккинчи қисми турдош отдан иборат бўлган атоқли отлар: *Қорадарё, Олтиариқ, Жалолобод.*

Қуйидаги қўшма отлар ажратиб ёзилади:

1. Иккинчи қисми атоқли отдан иборат бўлган қўшма отлар ажратиб ёзилади: *Марказий Осиё.*
2. Иккинчи қисми *е, ё, ю, я* ҳарфи билан бошланган қўшма отлар ажратиб ёзилади: *Қозон ювгич, ер ёнгоқ.*

### 174-машқ. Кўчиринг. Қўшма отларнинг ёзилишини тушунтиринг.

Дорихона, отқулоқ, илдизмева, қўларра, гултожихўроз, илдизпоя, қорбўрон, кинотеатр, кинофестиваль, кинофильм, кинохроника, фотокарточка, фотоаппарат, электромеханика, электроэнергия, электромагнит, отқулоқ.

### 175-машқ. Имло луғатидан 10 та қўшма сўз танлаб ёзинг.



**176-машқ.** Нукталар ўрнига мос сўзлар қўйиб, жуфт отлар ясанг ва уларни кўчиринг. Жуфт отларнинг ёзилишига диққат қилинг.

Ота- ... , ака- ... , ... - сингил, ўғил- ... , экин- ... , ошна- ... , дори- ... , дашт- ... , авлод- ... , касб- ... , озиқ - ... , она- ... , кеча- ... , кадр- ... , ақл- ... , қовун- ... , ёш- ... .

### 37-§. ЖУФТ ВА ТАКРОРИЙ ОТЛАР ИМЛОСИ

Жуфт отлар қуйидагича ясалади:

1. Бир-бирига яқин маъноли сўзлардан: *уй-жой, кўрпа-тўшак.*
2. Синоним сўзлардан: *бахт-саодат, ор-номус.*
3. Антонимлардан: *ост-уст, ёш-қари.*

Жуфт отлар чизиқча билан ёзилади:

Агар жуфт отлар ўртасида икки отни бир-бири билан боғлайдиган **у, ю** товушлари бўлса, чизиқча қўйилмайди: *боғу бўстон, гулу гунча.*

Такрорий отлар ҳам чизиқча билан ёзилади: *от-пот, челак-мелак.*

**177-машқ.** Топишмоқларни топинг. Жуфт отларни аниқлаб, ёзилишини изоҳланг. Маъносини тушунтиринг.

Далама-дала қидиради,  
 Қўй билан эчки оҳ уради.  
 Тоғу тошларда тоштовок,  
 Ичи тўла гўшту ёғ.  
 Тўрт ака-ука бир-бирига етолмайди.  
 Узокдан ялдир-юлдир,  
 Ёнига келсам қулфи-калит.

(топишмоқ жавобларини ўйланиб, ўз ўрнига қўйинг: *тарвуз, арава, тошбақа, бўри*)

**178-машқ.** «Имло луғати»дан 10 та жуфт отни кўчиринг. Уларнинг ёзилишига эътибор беринг.



**179-машқ.** Нукталар ўрнига зарур сўзларни қўйиб, жуфт отлар ҳосил қилинг. Улар қандай маъно англатаётганлигини тушунтиринг. Ёзилишини изоҳланг.

1. Ота-... сенга қанчалик меҳрибон бўлса, она-... ҳам сенга шунчалик меҳрибондир. (Ш. Р.) 2. Ким ...-номуснинг қадрига етар, у биздан ажралмайди. (А. Қ.) 3. Чўл-... обод бўлиб, тоғ тепасида мустақкам қўрғонлар пайдо бўлибди. (Эрт.) 4. У борган сайин баландга, ...-фалакка чиқиб тушармиш. (Ў. Ҳ.) 5. Менга одамларнинг димоғ-... эмас, пахта керак. (Ў. Ҳ.)

**Қўйиш учун сўзлар:** *онанг, Ватанинг, ор, бўстонлар, осмон, фироғи*



**180-машқ. Кўчиринг. Жуфт отларнинг остига чизинг, маъносини айтиб беринг.**

1. Кейин ўтин-чўп, қозон-товоқ, тахта-ўқлов, ўчоқ-тандир, тегирмону обжувозга кетадиган вақтини бошқа ишга сарфлайди. (И.Р.) 2. Гул-лолалар пояндоз менга. Ҳатто киш ҳам худди ёз менга. (Ҳ.Пўлат) 3. Ҳузур-ҳаловатига, ғам-аламига ҳамиша шерик бўлган хотини ўлгач, Алиқул ёлғиз қизи билан қолди-ю, юрагининг барча меҳр-муҳаббатини Назокатхонга бағишлади. (Ш.Р.) 4. Кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида ўтказайлик. (Газ.)

### **38-§. ҚИСҚАРТМА ОТЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ ВА ИМЛОСИ**

**1-топширик. Сўзларни ўқинг. Бундай қисқартишлар нима учун кенгайитишни ўйлаб кўринг.**

ЎшДУ, педфак, зоопарк, АҚШ, БМТ, ХХР

**2-топширик. Юқоридаги қисқартма сўзларни кенгайтириб, улар иштирокида гаплар тузинг.**

Қисқартма отлар қуйидагича ясалади:

1. Сўзларнинг биринчи ҳарфидан: Гидро электро станция – ГЭС; Бирлашган Миллатлар Ташкилоти – БМТ.

Бундай қисқартма отларнинг ҳар бир ҳарфи бош ҳарф билан ёзилади.

2. Шартли равишда қисқартирилган сўзлар: Ч. А. – Чингиз Айтматов, О. Ё. – Одил Ёкубов.

3. Биринчи сўзнинг бош қисмини ва бошқа сўзларнинг биринчи ҳарфини олиш билан. Бунда биринчи сўздаги бош қисмининг биринчи ҳарфи ва бошқа сўзлардан олинган биринчи ҳарфлар бош ҳарф билан ёзилади: ЎшДУ – Ўш Давлат университети.

4. Сўзларнинг бош қисмидан: Қирғизнефть – Қирғизистон нефти.

5. Аралаш йўл билан: Қирғизистон телерадиокомпанияси – Қирғизистон телекўрсатув ва радиоэшиттириш компанияси.

**181-машқ. Қисқартма отларни ўқинг, уларни кўчиринг. Ҳар бирининг ёнига тўлиқ шаклини ёзиб кўйинг.**

Ижрокўм, БМТ, ЭҲМ, универмаг, медпункт, ДАН, ГЭС, матфак, МДҲ.

**182-машқ. Гапларни ўқинг. Қисқартма отларни топиб, кенгайтириб ёзинг.**

*Намуна: МДҲ – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги*


1. У Салимахоннинг сўзига эътибор бермай, ижрокўм котибига гап маъқуллашда давом этди. (С. Аҳм.) 2. Кирган бўлсалар, тўртинчи бўлимдаги биологаторияга киргандирлар. (Т. М.) 3. У кибернетик эди, БЭМ – Бош Электрон Мияни яратган ва кемадаги жамики техника шу машина

измига бўйсундирилган эди. (Р. Обидов) 4. Ерга қараб, ийманиб гапирадиган, юмшоқсупурги бошбух Комил билан астойдил сўрашгач, папкасидан қоғозларини чиқарди. (Т. М.) 5. Профсоюзга аъзо бўлишни таклиф этди.

### 183-машқ. Грамматик топшимоқларнинг жавобини топинг.

1. Гоҳ бўғину, гоҳ ҳарф каби кўринар,  
Сўзлар каби тўлиқ маъно билдирар?
2. Бир ё икки ҳарф бўлар,  
Ҳарфдан сўнг нукта бўлар.  
Қавс ичига олинар,  
Ном, таҳаллус билдирар?
3. Бир неча ҳарф бир бўлиб,  
Битта номни билдирар.  
Ўша номда ҳар бир ҳарф  
Бош ҳарф билан ёзилар?
4. Жуфт нарсалар номини  
Маъноси билдиради.  
Касб-ҳунар, ака-ука  
Қандай отлар бўлади?

(Р. Сирожидинов)

 **184-машқ. Гапларни ўқинг. Қисқартма отларнинг маъносини шеригингиз билан бирга изоҳланг.**

### Колхоз

Колхоз сўзи «коллективное хозяйство» (жамоа хўжалиги) сўзларининг қисқартмасидан иборат. Колхозлар совхоз «советское хозяйство» (совет хўжалиги) сингари йирик социалистик қишлоқ хўжалик корхонаси ҳисобланган. Колхозлар мамлакат аҳолисига ғалла, гўшт, сут, сабзавот, мева каби турли маҳсулотлар, саноатга эса жун, пахта, зиғир тола, қанд лавлаги ва бошқа муҳим хом ашёлар етказиб берган.

(Болалар энци.)

**185-машқ. Берилган қисқартма отларни кенгайтириб ёзинг. Қандай ясалганини тушунтиринг.**

Медфак, педфак, ЭҲМ, АҚШ, ҚФА.

**186-машқ. Ўқинг. Қисқартма отларнинг қандай ясалганини тушунтиринг.**

Менинг онам ТошДУ ни тамомлаган. Отам медфакда ишлайди. Опам ЎшДУни битирган. У ЭҲМ билан ишлашни жуда яхши билади. Яқинда у янги ГЭС қурилиши ҳақида мақола ёзди.

**187-машқ. Жуфт ва қисқартма отларга мисоллар келтиринг. Улар иштирокида гаплар тузинг.**

**Отни таҳлил қилиш тартиби**

1. Сўроғи.
2. Маъно тури (атоқли ёки турдош от эканлиги).
3. Тузилишига кўра турлари (содда, қўшма, жуфт, такрорий).
4. Сони (бирлик ёки кўшликда эканлиги).
5. Келишиги.
6. Қайси шахсга қарашли? (Эгалик қўшимчаси бўлганда).
7. Гапдаги вазифаси.


**Таҳлил намунаси:** Режасиз иш – қолипсиз ғишт.

Ғишт – от, нима? сўроғига жавоб бўлади, турдош от, содда от, бирликда, бош келишикда, гапда кесим вазифасида келади.

**«Варрак»**

**Тоширик:** ушбу модел бўйича сўзлар тузинг. (Бир нечта варианты бўлиши мумкин)

Б - - - -  
- Б - - -  
- - Б - -  
- - - Б -  
- - - - Б  
- - - Б -  
- - Б - -  
- Б - - -  
Б - - - -

 **188-машқ. Қуйидаги матндан олтига от туркумига хос сўзларни танлаб таҳлил қилинг.**

**Оқ каптар**

Оқ каптар, оппоқ каптар,	Балки у ерда ҳеч ким
Ол мени қанотингга.	Уруш нелигин билмас.
Сўнг учайлик бехатар	Бунда гоҳо бувимнинг
Эртақлар ҳаётига.	Кўзларидан ёш тинмас.

Майли, сен «уруш-уруш»  
Ўйнасанг, ўйна, болам.  
Катталар қилса уруш  
Қайларга етар нолам?»

Рўпарада бир сурат:  
«Бу йигит – бобонг, –дерлар.  
Бахтинг учун беминнат  
Жон берди қанча эрлар.

Уруш деган ялмоғиз  
Номи ўчсин оламда.  
Нетай, борлигим ҳануз  
Ёнар доғу аламда.

Бувим пинжига кириб  
Йўқ бўлиб кетай дейман.  
Бувимдай хаёл суриб,  
Эртақлар айтай, дейман.

Оқ каптар, оппоқ каптар,  
Ол бизни қанотингга.  
Сўнг учайлик бехатар  
Эртақлар ҳаётига.

(Б. Аминов)

## 39-§. СИФАТ

### Такрорлаш

I. Отга боғланиб, унинг белгисини билдирадиган ва қандай?, қанақа? сўроқларига жавоб бўладиган сўзларга сифат дейилади.

II. Сифат, одатда, белгининг даражасини кўрсатади. Сифатларда куйидаги даражалар мавжуд:

1. Оддий даража: *баланд бино, чиройли қиз.*
2. Қиёсий даража: *баландроқ бино, чиройлироқ қиз.*
3. Орттирма даража: *энг баланд бино, энг чиройли қиз.*

III. Сифат одатда, отга, баъзан феълга боғланади: *Майин шамол эса бошлади. Қутлуғ Нигорхоним чиройли ёзади.* Биринчи гапдаги сифат отга (майин шамол), иккинчи гапдаги сифат эса феълга (чиройли ёзади) боғланган.

IV. Сифат гапда кўпинча аниқловчи, кесим, баъзан ҳол бўлиб келади: *Янги мактаб битган, ўқувчилар кенг ва ёруғ хоналарда ўқий бошладилар. Ҳаво безубор, ёқимли. Яхши қиз яхши ўқийди.*

V. Сифатлар маъносига кўра икки турга бўлинади:

1. Аслий сифатлар: *катта, узун, қисқа; кўк, қора, яшил; яхши, семиз; жоҳил.*

2. Нисбий сифатлар: *билимли (киши), чиройли (сурат), ойлик (режа), тонгги (шабада), оилавий (масала), деворий (газета).*

**189-машқ.** Нукталар ўрнига берилган сўзлардан мосини қўйиб, матнни тўлиқлаб ёзинг. Сифатларнинг даражаларини аниқланг.

Бу куш тўқайзорда ва суғориладиган ерларда ... ҳаёт кечиради. Кундузи ... чакалакзорда ётади. Эрталаб ва кечқурун овқатланади. Кўкрагининг ўртаси ... бўлади. Танасининг икки ёнидаги патлари ... ва ... доғли. Бўйнида олд томонидан узук ... халтаси бор. Тумшуғи шохсимон қайрилган, оёқлари ... рангли бўлган бу куш қирғовулдир.

**Қўйиш учун сўзлар:** *ўтроқ, қалин, қизил, яшил, оқ, оч қўнғир.*

## 190-машқ.

1. Матнни ўқинг. Ундаги аслий ва нисбий сифатларни ажратиб ёзинг.
2. Матннинг асосий мазмунини ифодаловчи фикрни аниқланг.
3. Микроб нима? Таърифини матндан фойдаланиб келтириб чиқаринг.

### Микроблар

Бир вақтлар ҳатто олимлар ҳам дунёдаги энг кичик тирик мавжудотни бурга деб ҳисоблар эдилар. Лекин бизнинг ёнимизда, ичимизда ва атрофимизда «кўзга кўринмас» бутун бир олам борлиги ва нозиккина бурга бу олам билан қиёсланганда тоғдек улкан эканлиги ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган эди.

Олимлар нарсаларни катта қилиб кўрсатадиган микроскоп ёрдамида ана шу ажойиб оламни кашф этдилар. Бу олам вакилларини уларнинг майдалиги учун микроблар ёки микроорганизмлар деб атадилар.

Оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган бактериялар бизнинг ҳаётимизга жуда кучли таъсир кўрсатади. Бактериялар одам ёки ҳайвон организмга тушганида турли йирингли ва қон зарарланиши каби хавфли касалликларни келтириб чиқаради.

Лекин фойдали бактериялар ҳам бор, буларсиз ер юзида ҳаёт кечириш анча қийин бўлган бўларди.

*(Болалар энц.)*

## 191-машқ.

1. Матнни ўқинг. Атоқли отлар ва сифатларни ажратиб кўчиринг.
2. Ўзингиз ёқтирган кинофильм, мультфильм қаҳрамони ҳақида кичик эссе ёзинг.

Залда чироқ ўчади ва экранда гўзал ва ажойиб фантазия олами жонланади. Бу ерда болаларнинг севимли китобчалари қаҳрамонлари – томда яшовчи тиниб-тинчимас Карлсон, аломат айиқча Винни Пух, меҳрибон ва бироз ғамгин Тимсоҳ Гена, гўзал Қорқиз истиқомат қиладилар. Расмли ва қўғирчоқли персонажлар ўзларини худди жонли одамлардай тутишади – улар қувонадилар, ғам чекадилар, энг ғаройиб мўъжизалар яратадилар... Лекин бу ҳеч кимни ажаблантирмайди. Ахир биз мультипликацияда ҳамма нарса бўлиши мумкинлигига ўрганиб қолганмиз. Бу ажойиб мўъжиза аслида қандай рўй бериши кўпчиликнинг эсига ҳам келмайди.

*(Болалар энц.)*



# ОЗАЙТИРМА ВА КУЧАЙТИРМА СИФАТЛАР

## 40-§. ОЗАЙТИРМА СИФАТ ВА УЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ

### 1-топширик.

Ўқинг. Учала устундаги сўз бирикмаларини қиёсланг.

Оқ ипак                      оқиш ипак                      оқимтир ипак

Кўк чит                      кўкиш чит                      кўкимтир чит

2-топширик. Сўз бирикмалари орқали қандай рангларни тасаввур қилмоқдасиз?

3-топширик. Иккинчи, учинчи устундаги сифатларни таркибий қисмларга ажратинг.

Сифатларда даражалардан ташқари белгининг (рангнинг) ортиқ-камлигини ифодаловчи шакллар ҳам бор.

Белгининг меъёридан кам эканлигини билдирган сифатлар озойтирма сифатлар дейилади. Озойтирма сифатлар куйидагича ясалади ва ёзилади:

1. Ранг билдирувчи сифатлар олдидан оч, ним сўзларини келтириш билан ясалади: *оч сариқ, оч қизил лента*; ним сўзи билан ясалган озойтирма сифатлар кўшиб ёзилади: *нимпушти рўмол*.

2. **-гина, (-кина, -қина)** кўшимчалари орқали. Бу кўшимчалар ҳам сўзларга кўшиб ёзилади: *кичкинагина ҳовли, юймоққина нон, кичиккина хужра*.

3. Сифат олдидан сал, биров каби сўзларни кўшиш орқали: *ширин –сал ширин, беғам – биров беғам*.

**Эслатма:** Ранг - тус билдирувчи айрим сифатларнинг қорамтир, кўкиш каби шакли белгининг кучсизлиги (меъёридан паст даражасини) ни эмас, балки сифат билдирган белгига мойилликни, шунга яқинликни англатади: *кўкимтир – кўк рангга мойил, кўкка яқин ранг; оқиш – оқ рангга мойил, оққа яқин ранг*.

192-машқ. Кўчиринг. Гаплардан озойтирма сифатларни топиб, қандай кўшимчалар билан ясалганини айтиб беринг.

1. Дарахтдан тушганда, унинг сарғиш юзида ишонч барқ урарди. (О.) У кўкиш, ялтироқ, бўйинбоғ тақиб олибди. (Ў. Ҳ.) 3. Хонага кирдик: кўримсизгина, мурғаккина хотин экан Катянинг онаси. (Сайёр). 4. Сожида байрамга нимпушти кўйлагини кийди. 5. Онам синглимга кўкимтир лента олиб берди.

193-машқ. Нуқталар ўрнига *оч, тўқ* сўзларидан ёки **-имтир, -мтир, -иш, -гина, -кина, -қина** кўшимчаларидан мосини кўйиб гапларни ёзинг.

1. Дарахтларнинг барглари қуёш нурида қизғ..., сарғ... рангда товланади. 2. Кўкдаги қора... булутлар секин тарқала бошлади. 3. Навоий паст..., кўримсиз... уйга кирди. (О.)

4. Қор ёғди-ю, қор ёғди,  
Юмшоқ... пар ёғди. (Қ. М.)

5. Анвар ёшлигида бўшанг... бола эди. (А. Қод.) 6. Темирчи – ориқ..., юзини ажин босган, соқоллари сийрак, манглайи кенг киши. (О.) 7. ... яшил арпалар орасида қийғос очилган лолақизғалдоқлар қизариб кўринди. 8. Қаддиқомати келишган мирзатеракларнинг япроқлари ... сариққа бўялган.



**194-машқ.** Берилган сўзларни озайтирма сифатларга айлантириб ёзинг.

Қизил, оқ, кўк, қора, сариқ, яхши, кичик, иссиқ, шўх, ювош, кўркмас, ақлли, ишчан, кўркам, беозор, думалоқ, ёш, қари, ширин.

**195-машқ.** Нуқталар ўрнига *-гина, -кина, -қина* қўшимчаларидан мосини қўйиб эркалаш ва кичрайтириш сифатларини кўчиринг.

Кичик ..., катта..., чиройли..., аччиқ..., совуқ..., ширин..., иссиқ..., муздек..., кучсиз..., пастак..., ёриқ..., тузук... .

**196-машқ.** Нуқталар ўрнига берилган сифатларнинг синонимларини ёзинг.

Чиройли, ..., ..., ... . Ботир ..., ..., ... .

Шод, ..., ..., ... . Ишчан ..., ..., ... .

Юқоридаги сўزلардан фойдаланиб 4 та гап тузинг.



**197-машқ.** *Оч, ним, тўқ* сўзлари ва *-гина, -кина, -қина, -иш, -имтир, -мтир* қўшимчалари иштирок этган гаплар тузинг ва дафтарингизга ёзинг.

## 41-§. КУЧАЙТИРМА СИФАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ

**1-топширик.**

Ўқинг. Сўзларни солиштиринг.

1. Қизил – қип-қизил, сариқ – сап-сариқ, яшил – ям-яшил, кўк – кўм-кўк, катта – кап-катта.

2. Бутун – бут-бутун, думалоқ – дум-думалоқ, япалоқ – яп-япалоқ, пакана – пак-пакана.

3. Хўл – жиққа хўл, қора – тим қора, қоп-қора, хом – ғирт хом, тўла– лиқ тўла.

4. Катта-катта, иссиқ-иссиқ, яхши-яхши, баланд-баланд.

**2-топширик.** Берилган гаплардаги кучайтирма сифатларни ажратиб ёзинг.

1. Тип-тиник деразадан синфларга оқар нур. (П. М.) 2. Осмон кўм-кўк, уфқда худди атайин бўяб кўйгандек қип-қизил булут парчаси судралиб юрибди. (С. Аҳм.) 3. Дўшпидек дум-думалоқ, катталиги ёнғоқдай мандаринлар япроқлар орасидан мўралаб турибди, гўё қуёш япроқларга тушиб олган-у, юзлаб сап-сариқ кичкина қуёшчаларга бўлиниб кетган. (Ш. Р.)

### **3-топширик. Берилган сифатларни кучайтирма сифатларга айлан-тиринг.**

Янги- ... , тиниқ- ... , ёруғ- ... , курук - ... .

Нарса-буюм ёки шахс белгисининг меъёридан жуда ортиқлигини билдирган сифат кучайтирма сифат дейилади.

Кучайтирма сифатлар куйидагича ҳосил қилинади ва ёзилади:

1. Сифатларнинг бир қисми **п** ва **м** товушларидан бири (мос келгани) билан биргаликда такрорланади: *қизил – қип-қизил олма, қора – қоп-қора костюм, кўк – кўм-кўк осмон, катта – кап-катта бола.*

**Эслатма:** оппоқ кучайтирма сифати қўшилиб ёзилади:

Катта оппоқ дастурхон

Ҳамма ёқни қоплаган. (*Топишмоқ*)

2. Сифатларнинг биринчи бўғини кейинги бўғиннинг биринчи ундош товуши билан бирга такрорланади. Бундай сифатлар чизикча билан ёзилади: *бутун – бут-бутун кўйлак, думалоқ – дум-думалоқ шар, япалоқ – яп-япалоқ тош, пакана – пак-пакана уй.*

3. *Жиққа, тим; гирт* каби сўзларни келтириш билан ҳосил бўлади. Бундай кучайтирма сифатлар ажратиб ёзилади: *жиққа ҳўл сочиқ, тим қора костюм, гирт хом қовун.*


4. Сифатларни такрорлаш билан ҳосил қилинади. Бундай кучайтирма сифатлар чизикча билан ёзилади: *баланд-баланд тоғлар, қора-қора кўзичоқлар, яхши-яхши уйлар, узун-узун кўчалар, катта-катта толлар.*

### **198-машқ. Кўчиринг. Гаплардан кучайтирма сифатларни топиб, остига чизинг. Ясалиш усулини айтиб беринг.**

1. Қоп-қора осмонда юлдузлар чарақлайди.
2. Бойчечаклар кетидан ер бағрига қип-қизил лола гилам тўшалди. (О.)
3. Кап-катта йигит қачонгача боланинг қилиғини қилади. (Сайёр).
4. Боғнинг нариги томони кўм-кўк буғдойзор эди. (О.)
5. Толлар тагидаги ариқчада тип-тиниқ сувлар шилдираб оқиб ётибди. (Ғ. Ғ.)
6. Юм-юмалоқ тандирча, ичи тўла кулча. (Топишмоқ)
7. Оппоқ қизнинг кўкиш кўзлари жиққа ёшга тўлди. (Ҳ. Ғ.)

### **199-машқ. Кўчиринг. Кучайтирма сифатларни топинг, ҳосил бўлиш йўлларини тушунтиринг.**

1. Ям-яшил хурмо дарахтлари кўриниб турар эди. (Сайёр)
2. Кўм-кўк осмон киши бағри-дилини очади. (Л. Б.)
3. Пак-пакана бўйи бор, етти қават тўни бор. (Топишмоқ)
4. Сап-сарик буғдойлар олтин бошоқларини силкитиб турарди. (О.)
5. Даста-даста гуллар терай, терай сизнинг боғингиздан (Кўшиқдан).
7. Тип-тиниқ деразадан синфларга оқар нур. (П. М.)
8. Кўрасиз, бирам чиройли, бурунлари чимчилгандай, кўзлари қоп-қора. (Асқ. М.)

 **200-машқ. Ўқинг. Топшириқни бажаринг. 1. Ўқувчининг ҳатти-ҳаракатини қандай баҳолайсиз?**


### Ёнғиннинг олди олинди

Кунларнинг бирида мактабдан қайтаётиб ферма орқасидан тутун чиқаётганини кўрдим. Теварак атрофда ҳеч ким йўқ эди. Тутун чиқаётган томонга югурдим. Қарасам электр сими узилиб тушиб, ферма деворидан уч метрча наридаги ғўзапоя ғарамига ўт тушган экан. Зудлик билан узун ходани олдим-да, симларни четга сурдим. Ғўзапоя ғарамига эндигина ўт тушган жойини хода билан суришга ҳаракат қилдим. Унгача мактабдан қайтаётган икки ўқувчи келиб қолди. Биз улар билан биргаликда ўтти ўчирдик. Воқеа жамоа раҳбарларига бориб етибди. Ферма мудирини Абдуғаффор Баракаев эртаси куни мактабга келиб, ўқувчилар йиғилишида бўлган воқеани гапириб берди. Мен ва менга ёнғиннинг олдини олишда кўмак берган икки ўқувчига ташаккур айтиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирлади. (О.)

**2. Юқорида берилган матндан фойдаланиб, ўзингиз шоҳид бўлган ҳаётини воқеалар ҳақида ҳикоя ёзинг.**

**201-машқ. Кўчиринг. Кучайтирма сифатларни топиб остига чизинг. Яса-лиш усулини тушунтиринг.**

1. Қишлоқ аҳлининг уйлари кўм-кўк дарахтзор орасида оппоқ-оппоқ бўлиб кўзга ташланади. (Н. С.) 2. Йўловчи иссиқ-иссиқ чой ичди. (О.) 3. Қулоғига тегай-тегай деб учиб ўтган қалдирғоч орқасидан қараб қолди. 4. Ҳанифа ўпкаси тиқилиб ҳансирар, унинг яримта-яримта гапларидан ҳеч нарса тушуниб бўлмас эди. 5. Бора-бора печка гуриллаб кетди. (Ў. Ҳ.) 6. Иброҳимов тутнинг яхши-яхшисини эҳтиётлик билан оғзига солар эди. (А. Қ.)

 **202-машқ. Сирли каттаклар! Бўш каттакларга керакли унлиларни қўйсангиз, Горацийнинг ёзув ҳақидаги афоризмини ўқийсиз.**

ё	з		ш	н		ў	р	г		н		ш	д		н		в	в		л
---	---	--	---	---	--	---	---	---	--	---	--	---	---	--	---	--	---	---	--	---

б	т		р	т		б		ф		к	р	л		ш	н		о	д		т		қ		л	!
---	---	--	---	---	--	---	--	---	--	---	---	---	--	---	---	--	---	---	--	---	--	---	--	---	---

## СИФАТЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ. СИФАТ ЯСОВЧИ ҚЎШИМЧАЛАР ВА УЛАРНИНГ ИМЛОСИ

Сифатлар қуйидагича ясалади: 1. Сифат ясовчи қўшимчалар билан.  
2. Сўзларни қўшиш билан. 3. Сўзларни такрорлаш билан.

### 42-§. ОТДАН СИФАТ ЯСОВЧИ ҚЎШИМЧАЛАР ВА УЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ

Отдан сифат ясовчи қўшимчалар қуйидагилар:

**-ли.** Асосдан англашилган тушунчага эгаликни, нарса-буюмнинг бирор иш-ҳаракат учун яроқли, унга мос эканлигини билдиради: *ақлли бола, кучли шамол, фойдали иш.*

**-сер.** Асосдан англашилган маънони орттириб кўрсатувчи сифат ясади: *серҳосил олма, серсув шафтоли, серунум тупроқ.*

**-чан.** Бирор хусусиятда ориқликни билдиради: *ишчан, талабчан, ҳаракатчан.*

**-сиз.** Асосдан англашилган нарса-буюмнинг йўқлигини билдиради: *тунсиз, тузсиз, мазасиз, зуборсиз.*

**-но.** Асосдан англашилган белгининг инкорини билдиради: *ноҳақ, ноаниқ.*

**-симон.** Предметнинг асосдан англашилган нарсага ўхшашлигини билдирувчи сифат ясади: *одамсимон, ишшасимон, шарсимон, қалқонсимон.*

**-ий (-вий).** Асосдан англашилган нарса-буюмга хосликни билдиради: *тарбиявий, деворий, илмий, оилавий.*

**Эслатма:** Юқорида берилган қўшимчаларнинг барчаси асосга қўшиб ёзилади.

#### 203-машқ. Гапларни кўчиринг. Сифат ясовчи қўшимчалар тагига чизинг.

1. Қўл-оёқсиз чопиб толмас, сувсиз асло яшай олмас. (Топишмоқ) 2. Баҳорги ҳаракат – кузги баракат. (М.) 3. Интизомли лашкар енгилмас. (М.) 4. Ишчан болалар топширикни ўз вақтида бажарадилар. 5. Созли тордан нозли куй чиқади. (Ш.) 6. Серчанг, сершовкин кўчаларда одамлар дарёдай оқиб борар эди. (П. Қод.)



**204-машқ. Отдан сифат ясовчи қўшимчаларнинг ҳар бирига биттадан сўз бирикмаси ёзинг.**

*Намуна: Ақл – ақлли қиз.*

*-ли, -сиз, -ий, -вий, -чи, -ки, -ги, сер-, ба-, бе-, но-, -симон.*

#### 205-машқ. Кўчиринг. Сифат ясовчи қўшимчаларнинг тагига чизинг.

Тадбиркор, ўймакор, хиёнаткор, мафтункор, ташаббускор, гуноҳкор, тежамкор, итоаткор.

**Юқоридаги сифатлар иштирокида 4 та гап тузинг. Гапларни ёзинг.**



## 206-машқ. Берилган сифатларнинг синонимларини топиб, ёзинг.

Серунум, айбли, вафодор, завқли, ширали, ваҳимали, даҳшатли, тадбиркор, сершоҳ, серфарзанд, шовқинли, ғайратли, истеъдодли, илмли, адолатли.

### 43-§. ФЕЪЛДАН СИФАТ ЯСОВЧИ ҚЎШИМЧАЛАР ВА УЛАРНИНГ ИМЛОСИ

Феълдан сифат ясовчи қўшимчалар қуйидагилар:

**-чоқ, -чак; -гир, -кир, -қир, -гир.** Ҳаракат ва ҳолат, хусусиятда ортиқликни билдирадиган сифат ясайди: *эринчоқ, тортинчоқ, куюнчак, сезгир, ўткир, топқир, олгир.*

**-ма.** Иш-ҳаракат натижасида ҳосил бўлган хусусиятни билдирадиган сифат ясайди: *қайнатма (шўрва), бурма (қўйлак).*

**-қ, -оқ, -ик.** Бирор хусусиятга эгаликни, шунга хосликни билдирадиган сифат ясайди: *илиқ, синиқ, қочоқ.*

**-қ, -қи** қўшимчалари **а** унлиси билан битган ўзакка қўшилганда, **а** унлиси **о** унлисига айланади ва **о** ёзилади: *тарқа – тарқоқ, қайна – қайноқ, , йиғла – йиғлоқи, сайра – сайроқи, қоч – қочоқ, қўрқ – қўрқоқ, бақир – бақироқ.*

**Эслатма:** Юқорида берилган қўшимчаларнинг барчаси асосга қўшиб ёзилади.

**207-машқ. Гапларни кўчиринг. Феълдан сифат ясовчи қўшимчаларни топинг, ёзилишини айтиб беринг.**


1. Мухтасар – ўткир зеҳнли, сезгир қиз. Қайнатма шўрва килиш учун ўчоққа қозон осди. (М. Ибр.) 2. Қўрқоқ олдин мушт кўтарар. (М.) 3. Сезгир чегарачи нотаниш кишини қўлга туширди. (М. Г.) 4. Ариқчалар бўйида ўткир ҳидли қорамтир ялпизлар, сершоҳ жамбиллар ўсиб ётибди. 5. Дилафрузнинг ўйноқи, шўх, ёқимли куйлари бизни лол қолдирди. 6. Эринчоқнинг иши битмас. (М.) 7. Чавандозлар чопқир отларга миндилар. 8. Ақлли душман жоҳилу нодон дўстдан яхшироқ. (М.)

**208-машқ. Кўчиринг. Феълдан сифат ясовчи қўшимчаларнинг тагига чизинг, ёзилишига диққат қилинг.**

Синиқ, йиртиқ, ёпик, чопқир, титроқ, сайроқ, қувноқ, қайнатма, эринчоқ, кескир, олғир.

**209-машқ. Қавс ичидаги сифат ясовчи қўшимчалардан мос келадиганларини қўйиб, гапларни кўчиринг.**

1. Бизнинг боғимизда кеч (-чи, -ки, -қи) мевалар ҳам, эрта (-ги, -қи, -ки) мевалар ҳам бор. 2. Олтинсойдан тоққа борадиган катта (-гина, -кина, -қина) тош йўл бор эди. 3. Сен йиғла (-ки, -қи, -ги) сан, биз йиғла (-ки, -қи, -ки) қизни ёмон кўрамир. 4. Дўмбоқ (-кина, -қина, -гина) бир қизча Уйғуннинг «Икки она» шеърини ифодали ўқиди. 5. Усти ялтир (-оқ, -ак), ичи қалтир (-оқ, -ак). (М.)

 **210-машқ.** Қуйидаги сўзларга *-қ, -қи* қўшимчаларидан мосини қўйиб сифат ясанг ва уларнинг товуш ўзгаришига, ёзилишига диққат қилинг.


Ялтира, қалтира, шалдира, йиғла, сайра; ўйна, қувна, тарқа, чанқа, янгра.

**211-машқ.** Кўчиринг. Ясама сифатларни топиб, тагига чизинг.

1. Тикансиз гул, садафсиз дур, машакқатсиз хунар бўлмас. (Машраб) 2. Одобли, билимдон, ишчан, меҳнатсевар фарзанд оила кўркидир. 3. Оромгоҳнинг бир чеккасида қувноқ болаларнинг шўх ашуласи янграмоқда. 4. Юмалоқ, семиз, териси қалин, туки йўқ. (Топишмоқ) 5. Кичкина декча, ичи тўла миҳча. (Топишмоқ)

**212-машқ.** *бе-, -ги, (-ки, -қи) -дон, -ин, -ли* қўшимчалари ёрдамида берилган сўзлардан сифатлар ясанг.

Поён, рухсат, тиним, боя, юза, сайра, ўйна, қадр, гуноҳ, билим, восита, тўк, тартиб, ҳаво, бурун, армон, насл, кеч, қиш.

 **213-машқ.** 1-топшириқ. Берилган матни ўқинг. Ундаги асосий фикрни аниқланг.

### Куз

Ажойиб куз фасли. Меваларнинг эртакилари тамом бўлган, баъзилари фарқ пишган. Олма, анорлар узила бошлади. Пахталар очилмоқда. Ариқларда сувлар тиниқ бўлиб оқа бошлади. Осмон тиниқ. Куёш ёз фаслидек қизгин ва ҳароратли. Кўкда онда-сонда кулранг булут парчалари кўринади. Улар куёш нурида кумушдек товланади. Кузда кунлар қисқа, тунлар узун бўлади.



Дарахт япроқлари сарғайиб ерга тушади. Полиздаги ҳар хил сабзавот йиғиштирилади. Боғ мевалари териб олинади. Ток, анор анжир каби совуққа чидамсиз ўсимликлар кўмилади.

Бирдан қоп-қора булут кўтарилиб, осмонни қоплаб олади. Ёмғирдан дарақ берувчи муздек шамол эсади. Аста ёмғир томчилайди. Кўчаларда одамлар тез-тез юра бошлашади. Ҳамма ўзини пана жойга олади. Ёмғир борган сари тезлашади. Уйларнинг тарновларидан шилдираб сувлар оқади. Одамлар қишга тайёрланадилар. Ёз қушлари учиб кетади. Қўнғизлар, қуртлар инларига кириб яширинади.

Кузда ер шудгор қилинади. Кузги шудгор тупроқни семиртиради. «Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда» мақоли бежиз айтилмаган. Уста деҳқон ерни, албатта, кузда ҳайдайди, бу мўл ҳосилга замин ҳозирлайди.

**2-топширик. Ҳар бир абзаци алоҳида-алоҳида қайта ҳикоя қилинг.**

**3-топширик. Матндан сифатларни топиб белгиланг.**

**214-машқ. Расми диққат билан кузатинг. «Бизлар – кичик боғбонмиз» мавзуида баён ёзинг.**

**215-машқ. Кўчиринг. Сифат ясовчи қўшимчалар остига чизинг.**

1. Боғдан сайроқи қушларнинг ёқимли овози эшитилди. 2. Яхши тобланиб пиширилмаган гишт қизғиш рангда бўлади. 3. Олисдан чигирткаларнинг чирилдоқ товушлари эшитилди. 4. Фермада наслдор сигирлар сони кўпаймоқда. 5. Шеърни ифодали ўқинг. 6. Қаранг, баҳаво, тинч гўзал жойлар экан! 7. Бояги сиз билан саломлашган йигитни танимадим-а?

**216-машқ. 1-топширик. Шеърини парчаларни ифодали ўқинг.**

**2-топширик. Сифатларнинг остига чизинг.**

### I

Ҳали бирор ишни удаламадим,  
Ҳали ҳеч кимсани қилмадим рози,  
Беҳуда ўтибди гўзал умримнинг  
Қанчалар чиройли баҳори, ёзи.

(Ш. Р.)

### II

Кўчати кўм-кўк,  
Гули сап-сарик,  
Меваси қип-қизил  
Одамга озиқ.

(Топишмоқ)

**Ўзингиз билган 6 та топишмоқ айтинг. Улар таркибида сифатлар иштирок этсин.**

### Сифатни таҳлил қилиш тартиби

1. Сифат ва унинг маъно жиҳатдан тури.
2. Қайси сўроққа жавоб бўлади?
3. Гапдаги қайси сўз билан боғланиб келади?
4. Даражаси (оддий, қиёсий, орттирма).
5. Тузилишига кўра тури. (Содда, қўшма, жуфт, такрорий)
6. Ясама сифатларнинг ясалиш йўллари.
7. Гапдаги вазифаси.

*Намуна: Ҳалол меҳнат – лаззатли емиш.*

*Ҳалол* – сифат, ҳолат маъносини ифодалайди. Қандай? сўроғига жавоб бўлади, меҳнат сўзи билан боғланиб келган. Оддий даража; содда, туб. Гапда сифатловчи-аниқловчи вазифасида.

*Лаззатли* – сифат, маза-таъм маъносини ифодалайди. Қандай? сўроғига жавоб бўлади. Емиш сўзи билан боғланиб келган, оддий даража; содда, ясама (қўшимча қўшиш билан ясалган). Гапда сифатловчи-аниқловчи вазифасида.



**217-машқ. Таҳлил учун берилган ҳар бир гапдан биттадан сифатни танлаб намунадагидай таҳлил қилинг.**

1. Най садосининг майин тўлқинлари тип-тиниқ ҳавода тарқалади. (О.)  
2. Тонг шафағи ҳамма ёқни сарғимтир, қизғиш тусга белади. 3. Боғларда кузги мевалар пишиб етилди. 4. Баҳор кезлари кўм-кўк далалар жуда оромбахш бўлади. 5. Теримда ғайрат қил, Ватан олдида Оқ пахтадай оппоқ бўлсин юзимиз. (У.)

**218-машқ. Ўқинг. Сифатларни мустақил таҳлил қилинг.**

1. Катта майдонни ишғол қилгач, гулзорга чиқиб олдик. (О.) 2. Сарик, қип-қизил гулларга қараб кишининг кўнгли қувонади. 3. Тўғри одам эгри сўздан ор қилади. (М.) 4. Серсув, ширадор қовунларни етиштирган деҳқонга раҳмат. 5. Маслаҳатсиз иш – келтирар ташвиш. (М.) 6. Истиклол – энг улуғ неъмат.

**219-машқ. 1-топшириқ. Ўқинг. Матнда берилган сифатларни топинг, турини аниқланг.**

**2-топшириқ. Аслий сифатлар остига бир чизик, нисбий сифатларга икки чизик чизинг.**

**3-топшириқ. Матннинг қайси турига киришини айтинг.**

### **Ёввойи ёнғоқ**

Ёнғоқ дарахти ҳаммага маълум бўлган маданий ўсимликдир. Ёнғоқ Қирғизистон тоғларида ёввойи ҳолларда ҳам ўсади. Ёввойи ёнғоқнинг барги тўмтоқ ёки салгина тўмтоқроқ (маданий ёнғоқнинг барги учлик) бўлади. Ёнғоқ дум-думалоқ бўлади. Шу билан бирга, ёввойи ёнғоқнинг пўчоғи қалин ва мағзи кичкина бўлади. Ёввойи ёнғоқнинг мағзи сермой бўлади. Ундан озиқ-овқат саноатида фойдаланилади. Унинг ғўр мевалари ҳар хил витаминларга бой бўлади, булардан поливитаминли мураббоблар тайёрланади. Ёнғоқнинг пўстлоғидан кўнғир бўёқ олинади.

*(«Шифобахш неъматлар»дан)*

**220-машқ. 1-топшириқ. Ўқинг. Матннинг режасини тузинг.**

**2-топшириқ. Матндаги табиат манзараси тасвирланган жойларга алоҳида эътибор беринг.**

### **Бодом гули**

Баҳор бошланиб, қир-адирларга табиат ўзининг зангори шоҳи палагини ёзди. Ариқлар лабида чучмомалар, қоқигуллар шоҳларини эркалаб, аста кўз очишди.

Баҳор келганида энг гўзал бўлиб кетадиган жойларнинг бири она қишлоғим бўлса керак, деб ўйлайман-у, халқимизнинг «Ўз уйинг – ўлан тўшагинг» деган мақоли ёдимга тушади. Чиндан ҳам навбаҳор қишлоғим

бўйлаб оқаётган «Кўтарма» ариқнинг четлари яшилланиб, ҳар ер- ҳар еридаги бодом дарахтлари оппоқ ҳарир гулларга бурканади. Бодомларнинг гулларига боқиб туриб, бу ёруғ оламда фақат эзулик, яхшилик, меҳр-муҳаббат, диёнат мавжуд, деб қўяман ўзимча. Япроқларга қўниб ғужғон ўйнаётган асаларига пинхон сирларини шивирлаётган гуллар ҳам худди шундай деб ўйлайдилар.

Тонг... Наврўзнинг яна бир тонги. Кечагина ёғиб ўтган ёмғир борлиқ гардни ювиб юборди. Атроф зумрад рангга кирди. Қуёш кимхоб парчасига ял-ял ёниб уфқдан кўтарилаяпти. Гулларини тўкиб юборган бодом дарахтининг новдасида йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, етиб келган булбул ёниб сайрайди. Бағри қон қушча бевақт нобуд бўлган бодом гулларига куйиб-куйиб йиғлайди.

Умида Бону

**3-топширик. Матндаги сифатларни топиб, тагига чизинг.**

**4-топширик. Матн асосида баён ёзинг.**


**Такрорлаш**

**? Саволларга оғзаки жавоб беринг.**

1. Сифат туркумига қандай сўзлар киради?
2. Белги даражаларининг ҳосил бўлиш йўллари мисоллар билан айтиб беринг.
3. Озайтирма ва кучайтирма сифатларга мисоллар айтиб, ҳосил бўлиш йўллари тушунтириб беринг.
4. Ясама сифатларнинг ясалиш усуллари айтиб беринг. Бу усулларнинг энг муҳимлари қайсилар?
5. Қўшма ва жуфт сифатларга мисоллар айтинг.
6. Сифат туркумига оид сўзлардан кундалик ҳаётимизда нима учун фойдаланамиз?

**Топшириқларни ёзма бажаринг.**

1. - *ли* қўшимчали сифатларга 4 та мисол ёзинг.
2. Рангни билдирувчи сифатларга 10 та мисол ёзинг.
3. Таркибида оглашган сифат бўлган 3 та гап ёзинг.
4. Аслий ва нисбий сифатлар ҳақида ўрганганларингиз асосида ушбу диаграммани шеригингиз билан тўлдириг.



## ФЕЪЛ

### 44-§. ҲАРАКАТ ВА ҲОЛАТ ФЕЪЛЛАРИ

**Топшириқ.** Берилган феълларни ҳаракат ва ҳолатни англатишига кўра икки гуруҳга ажратинг.

Югурмоқ, ухламоқ, ҳис қилмоқ, гапирмоқ, ёзмоқ, хафа бўлмоқ, курашмоқ, ўйнамоқ, севинмоқ, яйрамоқ, бўшашмоқ, курмоқ.

Феъллар нимани атаб келишига кўра ҳаракат феъллари ва ҳолат феълларига бўлинади.

Шахс ва нарсаларнинг жисмоний фаолияти натижасида рўй берган ҳаракатни билдирувчи феъллар ҳаракат феъллари ҳисобланади: *юрмоқ, чиқмоқ, бормоқ, қимирламоқ, елмоқ, судралмоқ, учмоқ, ўтмоқ.*

Шахсларнинг ички кечинмалари ва нарсаларнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш жараёнини ифодаловчи феъллар эса ҳолат феъллари саналади: *кулмоқ, йиғламоқ, шошмоқ, тиржаймоқ, исимоқ, ранжимоқ.*

**221-машқ. 1-топшириқ.** Матнни ўқинг, сарлавҳа қўйинг. Ҳаракат ва ҳолат феълларини ажратиб ёзинг.

Охирги вақтларда дадам негадир асабийроқ, чарчаган кўринадилар. Ишлари кўпайиб кетганидан бўлса керак, неча кунлардан бери уйга кеч келадилар. Мен баъзи кунлар у кишини кутавериб охири ухлаб қоламан. Эрталаб турганимда дадам ишга кетиб қолган бўладилар.


Дадамларнинг кайфиятлари чоғлигида уйимиз шовкин-суронга тўлиб кетади.

(Олмос)

**2-топшириқ.** Ҳаракат ва ҳолат феълларини иштирок эттириб, яқинларингиз ҳақида 5–6 гапдан иборат кичик ҳикоя тузинг.

 **222-машқ.** Берилган жадвални ҳаракат ва ҳолат феъллар асосида тўлдиринг.

№	Ҳаракат феъллари	Ҳолат феъллари
1	Чўмилмоқ	Чарчамоқ
2	Тутмоқ	Севмоқ

 **223-машқ.**

1. Нуқталар ўрнига мос феълларни қўйиб, матнни тўлиқлаб ўқинг.
2. Феълларни эга билан бирга кўчиринг.
3. Дельфинлар ҳақида нималарни билиб олганлигингиз ҳақида дўстингиз билан ўртоқлашинг.

## Дельфинлар

Дельфинлар – денгиз ҳайвони. Улар денгиз ва океанларда ... . Дельфинлар кўринишидан балиққа ... . Улар Каспий ва Орол денгизидан бошқа барча денгиз ва океанларда ... . Дельфинлар гала-гала бўлиб ... . Улар одамга тез ... . Денгиз ёки океанда ҳалокат рўй берганда, улар кишиларга ... .

Дельфинлар сезгир ҳайвонлардир. Уларнинг эшитиш органлари жуда яхши ... . Улар довул бўлишини олдиндан ... . Дельфинлар яққа-яққа ёки гала-гала бўлиб ... , денгизда довул ... . Ҳозирда одамлар дельфинларни ҳам қўлга ... .

**Кўйиш учун сўзлар:** *яшайдилар, ўхшайди, учрайди, сузадилар, ўрганадилар, кўмаклашадилар, тараққий этган, биладилар, сакрашаверса, бўлар экан, ўргатмоқдалар.*

### 224-машқ. Матни ўқинг. Топшириқларни бажаринг.

#### 1. Феълларни аниқланг.

#### Нон хиди



Дунёда нон хидидан хушбўй, кадрлирок ва оҳанграбо хид бўлмаса керак. Ер юзида ҳаёт пайдо бўлган кундан бошлабоқ, жамики, жонзотлар ўзлари учун зарур бўлган озиқ-овқатларни ахтаришган. Одам эса буғдойни танлаган. Ўз онги, меҳнати, тафаккури билан уни ўзгартириб, ҳосилдорлигини, мазасини, тўйимлилигини оширган... Буғдойнинг нон сифатида шаклланганига 25–30 минг йил бўлган.

Ўрта Осиё халқларининг қадимги ёзуви ҳам нон билан чамбарчас боғланганлигини археологик қазилмалар тасдиқлаб турибди. Қадимги Афросиёб, Қашқа ва Сурхон воҳаларининг аҳоли истиқомат қилган манзилларидан танишган. Буғдой қолдиқлари бунга ёрқин мисол бўла олади. Халқимиз ғалла етиштириш, уни хушбўй ва тўйимлилик даражасини ошириб, истеъмол қилишини минглаб йиллар олдин ҳам яхши ўзлаштириб олганлар ва ҳозирги кунда ҳам бу давом этиб келмоқда.

Тарихий манбаларга кўра эрамыздан минг йиллар илгари Марокандда, Ўрта Осиё ва қадимий юнонларда ноннинг 24 хили маълум бўлган экан. Жумладан, Марокандда энг суюмли ва машҳур бўлган Самидамита нони энг кучли буғдой унидан тайёрланган нон бўлган.

Шуниси қизикки, икки элат ўртасида душманлик пайдо бўлган ҳолларда ҳам нон дўстлик ва тинчлик элчиси вазифасини ўтаган. Шу нарса адабиётлари- мизда ҳам ўз аксини топган. Искандар Зулқарнайн ҳам маҳаллий аҳоли билан тинчлик ўрнатиш мақсадида туб жой саркардаларининг қизларига уйланиш- га ҳаракат қилган. Никоҳ маросимида мулозимлар Македония одатига кўра Самидамита нонини оқ рўмолга ўраб Искандарга тутадилар. У ёнидаги қиличини суғуриб, нонни иккига бўлади ва ярмини ўзига, ярмини қайлиғига тутеди.

Подшоҳ Ҳусайн Бойқаро мулозимларига дунёдаги энг ёқимли ҳидга эга бўлган нарсани келтиришни буюрибди. Мулозимлар дунёдаги ҳамма хушбўй гул ва кўкатлардан келтирибдилар, лекин подшога улар ёқмабди. Нима қилишини билмай қолган вазирлар охири ҳазрат Алишер Навоийдан маслаҳат сўрабдилар. Навоий уларга тандирдан янги узилган бир сават нон олиб бори- шини буюрибди. Подшо нонни ҳидлаб, энг ёқимли ҳид–нон ҳиди эканлигига тан берибди...

Олим Н.И.Вавилов буғдойнинг келиб чиқиш тарихини ўргана туриб, бешта асосий марказни аниқлади. Шулардан бири Ўрта Осиёдир. Нонга алоҳида эътиқод ва ҳурматни бутун борлиғимизга сингиб кетганлигининг бо- иси ҳам балки шундандир.

(Н. Мамиров)

2. Матннинг режасини тузинг ва шу режа асосида баён ёзинг.
3. Нон дастурхонимизга қандай келади, биласизми?

### Нон сафари

Ерни тайёрлаш → ҳайдаш → уруғ сочиш → суғориш  
 ўриш → буғдойни хирмонга олиб келиш → тозалаш  
 Ун заводларига олиб келиб ун тортиш → Унни дўконларга сотувга  
 олиб чиқиш  
 → Унни нон пиширувчи заводларга олиб бориш → нон  
 ёптириш

 **225-машқ. Сирли катаклар!** Бўш катакларга керакли унлиларни қўйсангиз нон ҳақидаги мақолларни ўқийсиз.

Н		н	–	б		з	н		н	г		б		й	л		г		м		з
---	--	---	---	---	--	---	---	--	---	---	--	---	--	---	---	--	---	--	---	--	---

Н		н	с		з		ҳ		ё	т	–	й		қ
---	--	---	---	--	---	--	---	--	---	---	---	---	--	---

## 45-§. ЕТАКЧИ ВА КЎМАКЧИ ФЕЪЛЛАР

### 1-топшириқ.

Икки устундаги сўзларга савол беринг.

қаради	қараб турди
кўрди	кўриб қолди
ёзди	ёзиб бўлди
тасдиқлади	тасдиқ қилди

### 2-топшириқ.

Қайси устундаги феъллар сўз таркибидаги асосий маънони билди-  
ряпти?

### 3-топшириқ.



Сўз маъносини тўлдириб, изоҳлаган феъллар қайси устунда ёзилган?  
ўқиб беринг.

Нутқимизда биттадан ортиқ феълдан иборат бўлган бирликлар ҳам бор. Улар таркибидаги асосий маънони ифодалайдиган феъл етакчи феъл дейи-  
лади: *кўра бошлади, ўқиб чиқди, айтиб берди*. Етакчи феъллар сўз таркиби-  
даги асосий маънони билдиради. Гапнинг бирор бўлаги вазифасида келади.  
(Феълнинг равишдош, сифатдош, ҳаракат номи шакллари ҳам мустақил маъ-  
но ҳисобланади.)

Етакчи феълнинг маъносини изоҳлайдиган, тўлдирадиган феъл эса кўмакчи  
феъл дейилади: *ўқиб чиқди, кўра бошлади, сотиб юборди, бериб тур, йиқила  
ёзди*.

Кўмакчи феъл ўрнида қўлланган феъллар ўзи боғланиб келган феъл би-  
лан биргаликда бир синтактик вазифа бажаради: *Бу йил ҳосил мўл бўлди. мўл  
бўлди* – кесим.

**226-машқ. Ўқинг. Кўмакчи феълларнинг маъноларига эътибор беринг.**





**227-машқ. Қуйидаги феъллардан кўмакчи феълли бирикмаларни ҳосил қилинг.**

*Намуна: айтди – айтиб қўйди.*

Сақлади, борди, юрди, ўтирди, чиқди, битди, келди, етди, ўтди, берди.

**228-машқ. Ўқинг. Нуқталар ўрнига қуйида берилган сўзлардан мосини қўйиб ёзинг.**

1. Меҳмон кетмасдан аввал шоир уни эшикка ... (О.) 2. Йўлчи эҳтиёткорлик билан кумфонга бир чимдим чой... (О.) 3. Боғларни, далаларни... (У.) 4. Аччиқ савол ..., ширин жавоб ... (М.) 5. Бизни хушxabар ҳаяжонга ... 6. Олти мушукча офтобда... 7. У шарпадан ... .


**Қўйиш учун сўзлар:** *уйғониб кетди, мириқиб ухлади, кутма, бериб, сайр этдик, солди, олиб чиқди, ташлади.*

**229-машқ. Гаплардан феълларни топинг, етакчи ва кўмакчи феъллар остига чизинг.**

1. Қишлоғимизнинг қоқ ўртасидан хайқириб сой оқади. (И. Р.)  
 2. Кўнглимдаги орзуга бирпас қулоқ солинг. (И. Р.) 3. Комила ўртоғининг хонасига кириб, хонадаги ҳар бир нарсага зўр қизиқиш билан қаради. Уй дим эди, Комила иккала деразани очиб қўйди. (О.) 4. Феруза ҳовлига тушиб, шабнамда қийғос очилган атиргуллар устига эгилди, тўйиб-тўйиб ҳидлади. (Х. Ғ.) 5. Аммо бу совғани гоҳ-гоҳида синглим иккаламиз таллашиб қоламиз. (Ғ. Ғ.)



**230-машқ. Нуқталар ўрнига керакли феълларни қўйиб, ўқинг.**


*Намуна:* Ёзиб 

Ўқиб 

Билиб 

Чизиб 

Кўриб 

 231-машқ. Шеърни ўқинг. Мазмунини сўзланг. Етакчи ва кўмакчи феъллар остига чизинг.

### Қахрамоннинг дегани

Варрагимнинг парраги  
Қаранг: гув-гув этади.  
Уни кўриб бувимнинг  
Юраги шув этади.

«Кўрқманг,—дейман, —бувижон,  
Бу бариси қоғоздан,  
Эрта салом йўллайман  
Сизга олис космосдан.

Ўшанда сиз қўл силкиб:  
«Эсон-омон қайт», дейсиз.  
«Тезроқ қайт», кўрганларинг  
Шошмай бир-бир айт», дейсиз.

Тушдагидай вазнсиз  
Ҳолатга тушганларим,  
Юлдуздан юлдузларга  
Бир зумда учганларим.

Барин сўзлаб бераман,  
Ёлғон қўшмай, яширмай.

Қандай бўлса шундайича  
Кўпиртирмай, оширмай.

Ўшанда ёқа ушлаб,  
Ҳайрон қолинг, майлига.  
Йўқ, деманг, таклиф этсам,  
Сизни юлдуз сайрига.

Эҳ, қани энди тезроқ  
Мен ҳам катга бўлсайдим.  
Дейсиз-ку ўзингиз ҳам:  
«Камолингни кўрсайдим».

«Ий-е, ий-е, варрагим  
Ипи узилиб кетди.  
Кечиринг, бувижоним,  
Гапим чўзилиб кетди.

Лекин-чи, шу ип йўли  
Мени космосга элтар»,-  
Шундай дея Қахрамон  
Илдам югуриб кетар.

(Б. Аминов)

## 46-§. ЎТИМЛИ ВА ЎТИМСИЗ ФЕЪЛЛАР

**1-топширик.** Берилган феълларга мос сўзларни қўйиб сўз бирикмаси ҳосил қилинг. Танланган сўзлар қайси келишиқда қўлланганига диққат қилинг.

Кўрди, таниди, эшитди, маъқуллади, пиширди.

**2-топширик.** Қуйидаги сўз бирикмаларидаги сўзлар феълларга қандай келишиқ қўшимчалари ёрдамида боғланишини тушунтиринг.

Мактабга борди, ўқишдан қайтди, саёҳатда бўлди, ҳовлига сепди, далада пишди.

Ўтимли феъллар тушум келишигидаги сўзларга боғлана оладиган феъллардир: ўқиди (китобни), ёзди (хатни); бундай хусусиятга эга бўлмаган феъллар ўтимсиз феъллар саналади: кулди, йиғлади, югурди, турди, ўтирди.





### 232-машқ. 1-топшириқ.

1. Матнни ўқинг, унга сарлавҳа қўйинг.
2. Ўтимли ва ўтимсиз феълларни ўзи боғланган сўз билан бирга кўчиринг.
3. Матн охиридаги савол ва топшириқларни кичик гуруҳда бажаринг.

Бугун Нодиранинг туғилган куни эди. У кун бўйи хурсанд бўлиб юрди. Боғчада ўртоқлари, боғча опалари табриклашди. Боғчадан қайтар экан, ҳозир уйда чиройли қушчалар солинган қафас турганини кўз олдига келтириб, чопиб келган эди. Қўғирчоқни кўриб барча умидлари пучга чикди. У ҳайвонларни, қушларни жуда яхши кўради. Қўшниси Саидга жудаям ҳаваси келади. Унинг чиройли қушлари, балиқлари, ҳатто иккита қуёни ҳам бор. Нодира билан Саид бир боғчага боришади. Ҳар куни боғчадан қайтгач, Нодира Саидларникига чиқади. Улар қушчаларни, ранг-баранг балиқчаларни, оқ ва кул-ранг қуёнчаларни томоша қилишади. Бугун у Саидга ўзининг қушчаларини кўрсатиб, унинг ҳавасини келтирмоқчи эди...

(Адолат Азимова)

### 2-топшириқ.

Матн юзасидан савол ва топшириқларни бажаринг:

А. Нима учун Нодиранинг кайфияти яхши эмас?

Б. Нодиранинг умидларини пучга чиқарган сабабни ифодалаган гапларни аниқланг.

В. Сизнингча, ҳикоя қандай яқунланади, кичик гуруҳда ҳикояни давом эттиринг.



233-машқ. Шеригингиз ёки гуруҳ билан «Сўз топши» ўйинини ўтимли ва ўтимсиз феъллар айтиш асосида ўтказинг.

234-машқ. Қуйидаги феълларни ўтимли ва ўтимсиз феълларга ажратиб жадвалга жойлаштиринг. Улар иштирокида олтига гап тузинг.

Борди, келди, жойлади, тикди, тўкди, олди, узди, берди, келтирди.

ўтимли феъллар	ўтимсиз феъллар



### Мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар

1. Қандай феъллар ҳаракат феъллари ҳисобланади?
2. Қандай феъллар ҳолат феъллари ҳисобланади?
3. Ҳаракат феълларига ва ҳолат феълларига мисол келтиринг.
4. Етакчи ва кўмакчи феълларга мисол келтиринг.
5. Етакчи феълнинг маъносини изоҳлайдиган, тўлдирадиган феъл қандай феъл ҳисобланади?

6. Ўтимсиз феъл қандай ҳосил бўлади?

7. Ўтимли феъл қандай ҳосил бўлади?

### ФЕЪЛЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

Феъллар икки усул билан ясалади:

1. Феъл ясовчи қўшимчалар билан: *ишла, кўкар.*

2. Сўзларни қўшиб феъл яшаш: *жавоб берди, сотиб олди, эълон қилди.*

### 47-§. ЯСОВЧИ ҚЎШИМЧАЛАР БИЛАН ФЕЪЛ ЯСАШ

Бу усул билан феъл бўлмаган сўзлардангина феъл яшаш мумкин:

-**ла** қўшимчаси феълдан бошқа деяри барча сўз туркумларидан феъл ясайди: *ишла* (от), *оқла* (сифат), *секинла* (равиш), *жумирламоқ* (таклид сўз), *сенламоқ* (олмош), *яримламоқ* (сон);

-**лан**, **-лаш** қўшимчалари от, сифат ва равишдан феъл ясайди: *фахрланди, аччиқланди, яқинлашди*;

-**илла**, **-ира** қўшимчалари таклидий сўзлардан феъл ясайди: *тарсилла, чирқилла, ярқиради, ялтиради*;

-**а** қўшимчаси от, сифат ва таклидий сўзлардан феъл ясайди: *туна, бўша, гулдир*;

-**(а)й** қўшимчаси от, сифат ва равишдан феъл ясайди: *кучай, қорай, кўпай*;

-**(а)р** қўшимчаси сифатдан феъл ясайди: *кўкар, қисқар*;

-**сира**, **-са** қўшимчалари от ва олмошлардан феъл ясайди: *сувсира, қонсира, сенсира, сувса*.



**235-машқ. Ўқинг. Феъл ясовчи қўшимчаларни аниқланг, ясалишини ва ёзилишини тушунтиринг.**

1. Чиндан дарс ўқиш, ғайрат,

Етказар чин тилакка.

Ташланиб дадил қадам

Яшнаган келажакка. (Ғ .Ғ .)

2. Китобни қанча севсам оз бўлур,

Китоб десам кўнглим, баҳор, ёз бўлур.(Ғ .Ғ .)

3. Рустам болтани эговлади-да, терлаб-пишиб ўтин ёришга киришди. 4.

Томоғим оғрияпти, шикоятланди Нилуфар онасига. 5. Гўё япроқлар шивирлашгандай туюлди, назаримда.

6. 6-«А», 6-«Б» синф ўқувчилари бири-бири билан тартиб-интизом ва ўқишда мусобақалашмоқчилар.




**236-машқ. -лан, -лаш, -илла, -сира қўшимчалари иштирокида феъллар ясанг ва дафтарингизга ёзинг.**

237-машқ. *-ла, -а(р)* феъл ясовчи қўшимчалар иштирокида феъллар ясанг ва дафтарингизга ёзинг, ясовчи қўшимчаларни изоҳланг.

238-машқ. Матни ўқинг. Феълларни топиб, ўзак ва қўшимчаларга ажратинг.

1. Яна ёнма-ён кета бошладик. Қисқариб қолган кўланкаларимизни қувлаймиз. 2. Сувликнинг зарбидан оғзини очиб, сарғиш ғиштин тишларини кўрсатади-да, ер тепиниб тўхтаб, пириллаб айланади. Тинчлатиш учун ялтиллаб турган курагига шапатилаб эркалайман. Қаёқдандир... Бўрибосар пайдо бўлди-ю, овозининг борича вовиллаб, кўзларини олайтириб, бизга қараб интилди... Отдан тушганимизда қизиқсиниб қараб турди.(С.Анорбоев)

 239-машқ. Берилган сўзларга *-ла, -сира, -лаш, -ай* ясовчи қўшимчаларидан мосини қўшиб феъллар ясанг.

Эгар  
Ўқ  
Боғ  
Қатиқ

Ёт  
Уйқу  
Бегона  
Чўл

Дард  
Гап  
Сир  
Нур

Кўп  
Оз  
Қора  
Сариқ

240-машқ. Шеригингиз ёки гуруҳингиз билан юқорида берилган ясама феълларни қатнаштириб гаплар тузинг. Тузган гапларингиз бир-бирига боғланган кичик матн ҳосил қилсин.

 **Билиб олинг.**

Айрим феъл ясовчи қўшимчалар ўзак (асос) га қўшилганида феъл ўзак - негизда ўзгариш рўй беради. Улар куйидагилар:

*-а* феъл ясовчи қўшимчаси *ўйин, қийин* каби сўзларга қўшилганда бу сўзлардаги *и* унлиси тушиб қолади: *ўйин + а – ўйна, қийин + а – қийна*.

*-а* феъл ясовчи қўшимчаси *от, сон, ёш* каби отларга қўшилганда, бу сўзлардаги *о* товуши *а* товушига, *ё* товуши эса *я* товушига айланади ва шундай ёзилади: *от + а – ата, ёш + а – яша, сон + а – сана* каби.

*-ай* феъл ясовчи қўшимчаси *наст, сушт* сўзларига қўшилганда *т* ундоши тушиб қолади: *наст + ай – насай, сушт + ай – сусай* каби.

### 241-машқ.

1. Гапларни кўчиринг, феълларни аниқланг.
2. Уларнинг қайси сўз туркумидан, қандай ясовчи кўшимча билан ясалганини тушунтиринг.

1. Санамай саккиз дема. 2. Азиз ўқувчи, билим олиш йўлидаги ҳаракатларингизни асло пасайтирманг. 3. Танқид кайфиятингизни туширмасин, ишингизнинг жадалини сусайтирмасин. 4. Шаҳримиз кўчалари янги номлар билан атала бошлади.

5. –Дада, мен осмонга учар бўлсам,  
Чеки йўқ кўкни қучар бўлсам,  
Юлдуздан-юлдузга қўнар бўлсам,  
Сиз нима дейсиз?  
–Яша, дейман, ўғлим! (Ғ.Ғ.)



### 242-машқ. Топшириқларни бажаринг.

1. Матнни ўқинг, унга сарлавҳа қўйинг.
2. Матндаги асосий фикрни аниқланг.
3. Ясама феълларни ажратиб кўчиринг.


Бугунги тун кўнгилсизлик билан бошланди. Шимолдан эсган кучли шамол юзни чимчилар ва қоровул пўстинининг ҳар бир тешигидан кириб борарди. Пўстин эскириб, тук ташлаб, чилдирманинг чармидек сийқаланиб кетган, изғирин ундан ўтиб, орқа кураккача етиб борарди. Петров совуқдан жунжикиб, пишиллаб, жаҳл билан шамолга орқа ўгириб оларди. Шу пайт эски яраси зирқираб оғрий бошлади. Оғриқ Петровнинг ич-ичидан хуруж қилиб келарди. Бу оғриқ туни билан тинмай эсаётган шамол туфайли кўзгалганди. Аслида яраси битиб кетгандан бери кўп вақтлар ўтган ва сонига кирган снаряд медсанбатда жанг тугаши билан олиб ташланган бўлса-да, ҳаво айниши билан чандиқ қизариб, бир оз қийнади.

(Юрий Яковлев)

### 243-машқ. Қуйидаги жадвални тўлдиринг.

№	Ясовчи кўшимча қўшилганда ўзак-негиз ўзгармайдиган феъллар	Ясовчи кўшимча қўшилганда ўзак-негизда ўзгариш рўй берадиган феъллар
1	сувсирамоқ	қийнамоқ
2		
3		
4		
5		

6		
7		
8		
9		
10		

 **244-машқ.** Адабиёт дарслигингиздан ясовчи қўшимчалар ёрдамида ясалган феъллар иштирокидаги гаплардан 5–6 та ёзинг. Ясовчи қўшимчаларни изоҳланг.

**1-топширик.** Ўқинг. Ушбу жадвалдаги феълларнинг таркибидаги ҳар бир қисмининг қандай сўз туркуми эканини аниқланг.

Имзо чекмоқ	Бориб келмоқ
Қўл қўймоқ	Ишлаб чиқмоқ
Давр сурмоқ	Ёзиб олмақ
Хат ёзмоқ	Ўтиб кетмоқ
Назар солмоқ	Сезиб қолмоқ

**2-топширик.** Берилган гапларнинг кесимини аниқланг. Феълларнинг тузилишига диққат қилинг.

1. Нутқ плёнкага ёзиб олинди. (ЎТИЛ)

2. Болаларингизни елкамдан туширмай қатта қилай, мен бенаво бечорага ёрдам беринг. (Ҳ. Ҳ.)

**3-топширик.** Нукталар ўрнини тўлдириб феъллар ясанг. Уларнинг ясалиш усулига диққат қилинг.

